

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

No1 [98], 2024

Bahor darakchi



AGRO ILM

AGRAR-IQTISODIY,
ILMIY-AMALIY
JURNAL

«O'ZBEKISTON QISHLOQ
VA SUV XO'JALIGI»
jurnali ilmiy-ilovasi

Bosh muharrir:

Tohir
DOLIIYEV

MUASSIS:

O'zbekiston Respublikasi
Qishloq va Suv xo'jaligi
vazirliklari

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2019-yil 10-yanvarda 0291-raqam bilan qayta ro'yxatga
olingan. O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya
komissiyasi Rayosatining 2013-yil 30-dekabrda
№201/3-sonli qarori bilan qishloq xo'jaligi, texnika,
veterinariya hamda 2015-yil 22-dekabrda
219/5-sonli qarori bilan iqtisodiyot fanlari bo'yicha
ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

TAHRIR HAY'ATI

Shuxrat OTAJONOV
(Hay'at raisi)
Maxfurat AMANOVA
Sayfulla AXMEDOV
Shuxrat BOBOMURODOV
Qalandar BOBOBEKOV
Asadullo DAMINOV
Dilorom YORMATOVA
Shuxrat JABBOROV
Abdug'affor JURAYEV
Abdirasuli IBRAGIMOV
Odiljon IBRAGIMOV
Uzakbay ISMAYLOV
Baxodir ISROILOV

Sanoatxon ZOKIROVA
Abdulla MADALIYEV
Bunyod MAMARAXIMOV
Abbosxon MA'RUPOV
Shodmon NAMOZOV
Rustam NIZOMOV
Ruziboy NORMAXMATOV
Toshtemir OSTONAQULOV
A'zam RAVSHANOV
Faxriddin RASULOV
Shuxrat RIZAYEV
Sobir SANAYEV
Mas'ud SATTOROV
Yelmurat TORENIYAZOV

Dilbar TUNGUSHOVA
Abdusalim TO'XTAQO'ZIYEV
To'liqin FARMONOV
Baxodir XOLIQOV
Do'stmuhammad XOLMIRZAYEV
Norqul XUSHMATOV
Rashid HAKIMOV
Feruza HASANOVA
Akrom HOSHIMOV
Erkin SHAPTAKOV
Dilfuza EGAMBERDIYEVA
Abdug'ani ELMURODOV
Shamsi ESANBAYEV
Islom QO'ZIYEV

2024-yil,
1-son [98]

Bir yilda 6 marta
chop etiladi.

Obuna indeksi –
859

Jurnal 2007-yil
avgustdan
chiqa boshlagan.

Manzilimiz: 100004, Toshkent
shahri, Shayxontohur tumani,
A.Navoiy ko'chasi, 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz
E-mail: qxjurnal@mail.ru
Telegram: qxjurnal_uz
Facebook: qxjurnal

© «AGRO ILM» jurnali.

Bosmaxonaga topshirildi:
2024-yil 12-fevral.

Qog'oz bichimi 60x84 1/8.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Hajmi 14 bosma taboq.
Buyurtma № 1. Nusxasi 600 dona.

«NUR ZIYO NASHR» MCHJ
bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri, Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Navbatchi muharrirlar – A.TAIROV, B.ESANOV
Dizayner sahifalovchi – U.MAMAJONOV

Ko'chirib bosilgan maqolalarga «AGRO ILM» jurnalidan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Ko'chirmakashlik (plagiat) materiallar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

PAXTACHILIK

A.BUTAYAROV. G'o'zani tomchilatib sug'orishda iqlim o'zgarishining ta'siri	3
Б.ЎРОЗОВ, Р.ЭГАМБЕРДИЕВ, Ф.ТОРЕЕВ, Г.ШОДМОНОВА. Янги яратилган ғўза тизмаларининг вилт касаллиги (<i>Verticillium dahliae</i> Kleb) билан зарарланиши	5

G'ALLACHILIK

О.АМАНОВ, Ғ.УЗАҚОВ. Эрта баҳорги ғалла парвариши	6
З.БОЛҚИЕВ. Қаттиқ буғдой навлари биринчи ва иккинчи йил оилаларида фенологик кузатув натижалари	8
SH.DILMURODOV, M.JUMANOVA. Suv bilan kam ta'minlangan, qurg'oqchilik mintaqalari uchun bahorgi bug'doy urug'chiligini tashkil etish	10
Т.НАДЖИМОВ. Кузги юмшоқ буғдойнинг F_1 - F_2 - F_3 авлодларида ўсимлик бўйининг ирсийланиш ва вариацияланиш даражалари	11
Б.БЕКБАНОВ, О.НАҒЫМЕТОВ. Морозостойкость сортов и образцов озимой пшеницы в экстремальных условиях Каракалпакстана	13
D.BEGIMQULOVA. Kuzgi yumshoq bug'doyning "Shukrona" navini yetishtirishda temir kuporosi suspenziyasini qo'llashning don sifat ko'rsatkichlariga ta'siri ...	15
Д.ЕДЕНБАЕВ, К.АЗИЗОВ. Улучшение качества зерна кукурузы	16
И.МИРЗАЕВА. Соянинг коллекция кўчатзоридаги нав намуналар орасидан хўжалик кўрсаткичлари юқори бўлган маҳсулдор намуналар танлаш	18
E.ISAQOVA, E.XAMDAMOVA. No'xat navlarining dala unuvchanligi, tup qalinligi va hosilni yig'ishtirish-gacha saqlanuvchanligi	20
Ю.ХОДЖАМКУЛОВА. Влияние различной глубины воды на урожай семян и сортов риса	23
Н.РАВШАНОВА. Агроклиматические условия и развитие фасоли обыкновенной	24

MEVA-SABZAVOTCHILIK

F.XASHIMOV, SH.YOQUBOV, J.KAMOLOV. Mikroo'g'itlarning qora kishmish uzum navining hosildorlik ko'rsatkichlariga ta'siri	26
P.НОРМАХМАТОВ. Аминокислотный состав белков мякоти плодов абрикоса	27

O'SIMLIKSHUNOSLIK

З.БАБАЕВА, С.НЕГМАТОВА, Ў.ХАКИМОВ. Кроталария ўсимлиги ривожланишидаги бўғим оралиғи ва барг кўрсаткичларини аниқлаш	29
Ф.АБДУҒАНИЕВА. Топинамбур шарбатининг истеъмолбоплик хусусиятларини мақбуллаштириш ...	31

O'SIMLIKLAR HIMOYASI

Е.ТОРЕНИЯЗОВ, А.РЕЙМОВ. Шоли биотопи хусусиятларига боғлиқ зараркундалар келтирадиган зарари	34
К.ТО'ҲСИЙЕВ. <i>Hermetia illucens</i> lichinkalarini donli ekinlar kepaklarida oziqlantirish samaradorligi	36

CHORVACHILIK

Ж.ТУРСАГАТОВ. Қоракўл қўйлар постнатал онтогенезида елка суяги илик бўшлиғининг ўзгариш динамикаси	40
Е.ЛАРЬКИНА, У.АҚИЛОВ, О.ОРИПОВ, Ж.ТЎЙЧИЕВ, М.СОЛИЕВА. Тут ипак қуртининг жинси бўйича тухумлик босқичида нишонланган зотларнинг тухумлари устида селекция ишларини ўтказиш самарадорлиги	42
J.NOMONOV. Baliqchilik xo'jaliklarida yetishtirilayotgan zog'ora balig'ining <i>Argulus foliaceus</i> L. bilan zararlanishi va morfologiyasi	44

IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA

М.ИКРАМОВА, С.УЛУГМУРАДОВ, И.АХМЕДХОДЖАЕВА. Методика учета подпочвенной влаги при капельном орошении	46
Б.НОРҚУЛОВ, Г.ЖУМАБАЕВА, А.КУРБАНОВ, А.КУРБОНОВ, Б.РУЗИЕВА. Рекомендации по оценке и прогнозу береговых деформаций в среднем течение реки Амударьи	48
Т.КУДРАТОВ, М.ЯКУБОВ, З.МИРХАСИЛОВА. Оценка качества и объемов коллекторно-дренажных вод для повторного использования в маловодные годы	53
М.РАЖАПБАЕВ. Гидротехника иншоотларининг чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш	55
М.РАЖАПБАЕВ. Гидротехника иншоотининг чўкишини башорат қилишни ҳисоблаш формуласининг кўрсаткичларини тадқиқ қилиш	57

Z.HAKIMOVA. Oqova suvlar bilan sug'orilganda makkajo'xori (silos) ekinining hosildorligiga ta'siri	60
O.AMANOV, A.ШОЙМУРАДОВ, Ғ.УЗАҚОВ. Тупроқ намлиги ўзгаришининг суғоришлар сони ва меъёрига таъсири	63
SH.MANSUROV, N.ABDURAXMONOV, B.MAMARAXIMOV. Sharqiy Farg'ona sug'oriladigan tuproqlarining agrofizikaviy xossalari va meliorativ holati	65
M.MASHRABOV, M.ISMOILOVA. Oltingugurt saqllovchi o'g'itlar samaradorligi	67
M.SULTANOV, N.JUMANIYAZOVA, T.MATQURBONOV. Iqlim o'zgarishining tuproq degradatsiyasiga ehtimoliy ta'sirini baholash	68

MEXANIZATSIYA

I.ERGASHEV, T.XAYITOV, A.BEKNAZAROV. G'o'za qator oralariga donli ekinlar urug'ini ekadigan qurilma	70
A.TЎХТАЎЎЗИЕВ, Б.РАЖАБОВ. Кенг қамровли чизел-култиватор мосламаси текислагичининг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари	71
A.TЎХТАЎЎЗИЕВ, Ҳ.ОЛИМОВ. Ёўза қатор ораларида кўндаланг полларни бузадиган мослама секцияси ишчи органларининг тури ва таркибини асослаш	74
И.МАРУПОВ, З.УМУРЗАКОВ. Интенсив боғларда фойдаланиладиган махсус компоновка қурил- манинг бажарадиган технологик жараёнларини таҳлили	76
И.ИКРОМОВ. Комбинациялашган машина чуқур юмшатиқч исканаси энини аниқлаш ва унинг таҳлили ..	78
Б.ТУЛАГАНОВ. Механизация кормовой базы животноводства	80
A.ДАДАХОДЖАЕВ. Определение рациональной схе-мы подачи туков из тарелки аппарата типа КМХ- 65 ..	81
И.ТАДЖИБЕКОВА, М.МИРЗАЕВ. Автоматизация теплиц: перспективы и ожидания ...	84
Ғ.УЗОҚОВ, М.ТЎХЛИЕВ. Паст потенциалли қуёш қуритгичда маҳсулотлар қуриш давомийлигининг тажрибавий тадқиқотлари	85
SH.ABDUROXMONOV, N.UMIROV, A.YO'LDOSHEV. Uchuvchisiz uchish apparatlaridan qishloq xo'jalida foydalanish	87

S.RUSTAMOV, B.BALTABOYEV, Z.RADJAPOV, A.PARDAYEV. Shamol energiyasidan foydalanishning afzalliklari va kamchiliklari	88
Н.РАЖАБОВ, Г.МУРТАЗАЕВА. Ишлаб чиқаришда ноқулай меҳнат шароитларини келтириб чиқарувчи омиллар ва уларнинг таъсиридан ҳимояланиш	90

IQTISODIYOT

М.АЛИМОВА. Хорижий давлатлар қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини қандай ривожлантиради? Ўзбекистон учун сабоқлар	92
D.YUSUPOV, M.RAXMATULLAYEVA. Arduino – qishloq xo'jaligi bo'yicha eksperimentlar uchun samarali yordamchi dastur.....	93
Д.ТАЛИПОВА. Қишлоқ хўжалигида донли экинлар етиштириш ва уни прогнозлаштириш	95
Г.ТАШХОДЖАЕВА. Соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомил- лаштириш йўллари	96
Н.АКРАМОВА. Чорвачилик тармоғини ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб- қувватлаш самарадорлиги	98
B.ASKAROV. Baliqchilik sohasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishdagi omillar	100
M.RAXIMOVA. Tadbirkorlik sub'yektlarining eksport salohiyatini oshirishda xalqaro sifat standartlarini joriy etish	102
Ф.ЮСУПОВА. Лизинг муносабатларини ривожлантиришда сублизингнинг аҳамияти	104
Ғ.САТТАРОВ. Худуд рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари	106
Р.МУХАММАДИЕВ. Рақамли иқтисодиёт шароитида тиббий хизматнинг шаклланиши ва молиявий таъминоти.....	109
A.БАХАДИРОВ, О.САКИЖАНОВ. Особенности нормативного регулирования финансовой отчетности в соответствии с МСФО ...	111
О.ХАМРОКУЛОВА. Проблемы привлечения инвестиций в реальный сектор экономики Узбекистана	113
Ю.ХАСАНОВА. Преимущества и риски цифровизации экономики	115
Д.ЗАЙНАЛОВ, Ш.АБДУМАЖИДОВ. Методологические основы формирования и системы налогообложения	117

G'O'ZANI TOMCHILATIB SUG'ORISHDA IQLIM O'ZGARISHINING TA'SIRI

Annotatsiya. Ushbu maqolada global iqlim o'zgarishi sababli dunyoning har bir joyida o'ziga xos iqlim sharoitlari almashinuvi kuzatilmoqda. Surxondaryo viloyatining Jarqo'rg'on tumanida xo'jalikning tabiiy sharoitlari, resurslarning tanqisligiga uchrab borilmoqda. G'o'zani tomchilatib sug'orish ishlarini olib borishda sug'orishning tartibini ishlab chiqish, haroratning keskin kamayishi va ko'tarilishi, ulardan samarali foydalanishga oid ma'lumotlar tahlili, dala sharoitida muammolarni yechish bo'yicha tahlillar, ortiqcha resurslar yo'qotilishiga oid ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: g'o'za, global iqlim, tomchilatib sug'orish, resurstejamkor, namlik, xo'jalik.

Аннотация. В этой статье из-за глобального изменения климата происходят изменения уникальных климатических условий во всех частях мира. В Джаркурганском районе Сурхандарьинской области природные условия хозяйства сталкиваются с нехваткой ресурсов. Предусмотрена разработка схем орошения при капельном орошении хлопка, анализ данных о экстремальных и повышенных температурах, эффективное их использование, анализ полевых условий, анализ решения проблем, информация о потерях избыточных ресурсов.

Ключевые слова: хлопок, глобальный климат, капельное орошение, ресурсоэффективность, влага, экономика.

Annotation. In this article, due to global climate change, there is a change in unique climate conditions in every part of the world. In the Zharkurgan district of the Surkhondarya region, the natural conditions of the farm are facing a shortage of resources. Development of irrigation patterns in cotton drip irrigation, analysis of data on temperature extremes and increases, effective use of them, analysis of field conditions, problem solving analysis, loss of excess resources information is provided.

Key words: cotton, global climate, drip irrigation, resource efficient, moisture, economy.

Kirish: G'o'za ekinini tomchilatib sug'orish tizimi, sug'orish tartibi, sug'orish davriyligi, sug'orish elementlari, texnika va texnologiyasiga ta'sir etuvchi omillari quyidagilardan iborat: Fermer xo'jalik maydonlarining iqlim sharoiti; tuproq va meliorativ sharoiti; geologik va gidrogeologik sharoiti; gidrologik sharoiti; iqtisodiy xo'jalik sharoiti; g'o'za ekinlari navlarining turlari va geografik joylashishi; g'o'za ekinlarining biologik xususiyatlari; g'o'zaning sug'orish usuli va texnika - texnologiyasi; g'o'zani yetishtirishda ilg'or agroteknik tadbirlarini tadbir qilish darajasi. Hozirgi vaqtda Respublikamiz va Finlyandiya, Buyuk Britaniya, Sloveniya, Litva, Estoniya, Vengriya, Avstraliya, Yangi Zelandiya, Janubiy Afrika, Meksika, Tunis, Isroil, Ispaniya, Italiya, Koreya, Saudiya Arabistoni, Fransiya, Moldova Braziliya, AQSH, Kanada, Rossiya, Germaniya, Fransiya, Xitoy, Shimoliy Kavkazda va shu kabi rivojlangan davlatlarda tomchilatib sug'orish tizimini, sug'orish tartibini, texnika va texnologiyasini aniqlashda quyidagi usullar qo'llanilmoqda[1]:

Suv balansi usuli (A.N.Kostyakov);

Havo harorati balansi usuli (I.A.Sharov);

Bioiqlim usuli (A.M.Alpatev, E.M. Alpatev);

Oziqa balansi usuli (V.M.Novikov), mazkur usullarning keng qo'llaniladigani suv balansi usuli va bioklimatik usul hisoblanadi.

G'o'zaning mavsumiy sug'orish me'yori akademik A.N.Kostyakov tavsiya etgan suv muvozanat tenglamasi (1) dan aniqlanadi:

$$M = E - (10 \cdot \mu \cdot P \pm \Delta W + W_{cc} - W_i) \text{ m}^3/\text{ga} \quad (1)$$

Bu yerda: E - suv iste'moli, m^3/ga ; μ - yog'indan foydalanish koeffitsiyenti; P - vegetatsiya davridagi yog'in miqdori, mm ; ΔW - o'simlik ildiz qatlami namidan foydalaniladigan suv hajmi, m^3/ga ; W_{cc} - faol qatlamga sizot suvlaridan kirim suv hajmi, m^3/ga ; W_i - sug'orish suvining yer usti va faol qatlam ostiga bo'lgan tashlama isrofi, m^3/ga .

Bleyni-Kriddla formulasi bo'yicha mavsumiy sug'orish me'yori quyidagi (2) formula yordamida aniqlanadi[3]:

$$M = \sum (E - P) \text{ m}^3/\text{ga} \quad (2)$$

Bunda: $E = 0,458 \cdot \gamma \cdot \sum T \cdot (t + 17,8)$ mazkur oyda yalpi bug'langan suv, mm ; P - mazkur oyda yoqqan yog'in miqdori, mm ; γ - ekin tomonidan suvni sarflash jadalligi koeffitsiyenti, $\sum T$ - mazkur oyda quyoshli soatlarning miqdori, yillik miqdordan % hisobida, t - havoning o'rtacha oylik harorati, $^{\circ}\text{C}$.

A.M. Alpatev va E.M. Alpatevlar tavsiyasi bo'yicha bioiqlimiy usulda mavsumiy sug'orish me'yori quyidagi (3) formuladan aniqlanadi.

$$M = \alpha \cdot k \cdot \sum d \cdot n - P \text{ m}^3/\text{ga} \quad (3)$$

Bu yerda $\alpha = 0,85 - 1,0$ o'simlik ildiz qatlamiga sizot suvlardan kiradigan ta'minotni hisobga olish koeffitsiyenti. k - bioiqlim koeffitsiyenti, $\sum d$ - havo namligini taqchilligining o'rtacha kunlik yig'indisi, mb ; n - hisobiy davrning davomi, P - vegetatsiya davridagi yog'in miqdori, mm [4];

Sug'orish me'yori -bu qishloq xo'jaligi ekinlarini bir marotaba sug'orish uchun bir gektar maydonga beriladigan suv miqdori, m^3/ga . U A.N.Kostyakovning quyidagi (4) formulasi yordamida topiladi.

$$m = 100 \cdot H \cdot d(\beta_{\text{xe}} - \beta_o) \text{ m}^3/\text{ga} \quad (4)$$

Bu yerda: d - tuproqning hajm og'irligi, m^3/ga ; N -faol qatlam qalinligi, m ; β_o - tuproqning faol qatlamidagi sug'orish oldi chegaraviy nam zaxirasi, hajm og'irligiga nisbatan %; β_{xe} - tuproqning faol qatlamidagi maksimal nam zaxirasi, d ga nisbatan %.

Qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish mavsumi bo'yicha iste'mol qilinadigan suv miqdori A.N.Kostyakov tavsiyasiga ko'ra quyidagi (5) formuladan aniqlanadi [5]:

$$E = Y \cdot K \text{ m}^3/\text{ga} \quad (5)$$

Bu yerda: U -rejalashtirilgan hosildorlik, s/ga .

K - 1 sentner hosil olish uchun iste'mol qilinadigan suv sarfi havo harorati balansi usulida I.A.Sharovning quyidagi formulasidan aniqlanadi:

$$E = l \cdot \sum t + 4B \text{ m}^3/\text{ga} \quad (6)$$

$l - 1^{\circ}\text{C}$ ga sarflanadigan suv sarfi, m^3/ga ;
 $\sum t$ – vegetatsiya davridagi o'rtacha havo haroratlarining yig'indisi;

B – vegetatsiya davridagi kunlar soni K.Lvovich tavsiyasiga ko'ra

$$E = K_o \cdot \sum t \quad (7)$$

$K_o - 1^{\circ}\text{C}$ bug'lanadigan suv sarfi, m^3

$\sum t$ – vegetatsiya davridagi umumiy havo harorati, $^{\circ}\text{C}$.

Ekinlarni sug'orishning samarali tartibini aniqlash uchun bioqim uslubining asoschisi professor A.M.Alpatev formulasidan foydalanildi. Qishloq xo'jaligi ekinlarining suvdan foydalanishning umumiy qiymati quyidagi (8) formula yordamida aniqlanadi:

$$E = K_o \cdot E_d \text{ m}^3/\text{ga} \quad (8)$$

Bu yerda Ye_d – o'rtacha kunlik bug' tanqisligi yig'indisi, m^3/ga , K_o – bug'lanishning biologik koeffitsiyenti.

G'o'za uchun maqbul suv iste'molini biologik va bioqimiy ma'lumotlar asosida biz N.V.Danilchenko va B.S.Serikbaev formulasi (9) bilan aniqladik:

$$E = K_{\phi} \cdot K_o \cdot E_o \text{ m}^3/\text{ga} \quad (9)$$

Bu yerda: K_o – g'o'zaning umumiy suv iste'moli, m^3/ga ;

K_{ϕ} – mikroqim koeffitsiyenti, sug'orish ta'sirida paxta dalasida mikroqimning mumkin bo'lgan o'zgarishini hisobga oladi;

K_b – g'o'za uchun bioqim koeffitsiyenti

Ye_o – sug'oriladigan daladagi bug'lanish, m^3/ga .

$$K_{\phi} = \frac{E_o}{E_n} \quad (10)$$

Bu yerda: Ye_n – qo'shni yoki sug'orilmaydigan hududdan bug'lanish.

Prof. J.S.Mustafaevning umumiy suv iste'molini aniqlash bo'yicha bergan tavsiyasiga ko'ra paxta uchun fermer xo'jaligining biznes rejasidagi dasturlashtirilgan hosildorlikni hisobga olinadi.

$$E = K_{\phi} \cdot K_o \cdot K_y \cdot E_o \text{ m}^3/\text{ga} \quad (11)$$

Bu yerda: K_y – dasturlangan hosildorlik darajasi quyidagi munosabatlardan aniqlanadi:

$$K_y = \sqrt{\frac{y_n}{y_{max}}} \quad (12)$$

Bu yerda: U_p – g'o'za ekini uchun dasturlangan hosildorlik darajasi, s/ga ;

U_{max} – g'o'za o'simligining eng yuqori hosildorligi, s/ga .

Tuproq faol qatlamining taqchilligi yoki g'o'zani sug'orish me'yori akad. A.N.Kostyakovning tavsiya etgan suv muvozanat tenglamasi (13) bilan aniqlandi.

$$M = \Delta E_v = E_v - W_n - P - \Gamma \text{ m}^3/\text{ga} \quad (13)$$

Bu yerda: M – vegetatsiya davridagi g'o'zani sug'orish me'yori yoki suv iste'molining taqchilligi, m^3/ga ;

Ye_v – o'suv davri uchun g'o'zaning suvga bo'lgan umumiy talabi, m^3/ga ;

W_n – vegetatsiya davri boshida tuproqning hisobli qatlamidagi nam zaxirasi, m^3/ga ;

R – vegetatsiya davridagi yog'in miqdori, m^3/ga ;

G – faol qatlamga sizot suvlaridan kirim suv hajmi, m^3/ga .

G – ning qiymati akad.S.F.Averyanov formulasidan aniqlanadi.

$$\Gamma = E \cdot \left(1 - \frac{h_{\phi}}{h_o}\right) \quad (14)$$

Bu yerda: h_r – grunt suvlarining yer sathidan haqiqiy chuqurligi, m;

h_n – hisobli qatlamga kapillyar yo'l bilan kira olmaydigan grunt suvlari chuqurligi;

$$\Gamma = 0 \text{ } h_r \geq 3,0 \text{ m}$$

Akademik A.N.Kostyakov tavsiyalariga ko'ra, g'o'za maydonining tuproq yuzasidan fizik bug'lanish sarfi Ye_n miqdori va g'o'zaning transpiratsiyaga suv sarfi Ye_m ni hisobga olgan xolda D.A.Suyumbaevning quyidagi formulasi tavsiya qilinadi.

$$E_m = K_m \cdot Y \text{ m}^3/\text{ga} \quad (15)$$

$$E = K_m \cdot Y \cdot E_{\phi u} \text{ m}^3/\text{ga} \quad (16)$$

Bu yerda: K_m – hosil birligi uchun transpiratsiya bo'yicha suv sarfi koeffitsiyenti, m^3/s .

Bug'lanishni aniqlashda hisobiy bog'liqlik sifatida N.N.Ivanovning modifikatsiyalangan formulasidan (17) foydalaniladi.

$$E_o = K_t \cdot d \cdot f(v) \text{ m}^3/\text{ga} \quad (17)$$

Bu yerda: K_t – bug'lanishning energetik omili, mm/mb ;

d – havodagi namlik tanqisligi, mb ;

$f(v)$ – bug'lanishga shamol tezligi ta'sirini hisobga oluvchi funksiya.

Bunda, d va $f(v)$ – bug'lanishning aerodinamik qismini tavsiflaydi.

Xulosa: Dalada tadqiqotlar davrida tajriba dalasi hududida iqlim sharoiti ko'p yillik qiymatlardan farq qildi: Havo harorati $18,1^{\circ}\text{S}$ havoning namligi -50% , yog'ingarchilik miqdori $9,9 \text{ mm}$, jumladan, vegetatsiya davrida 159 mm . Tajriba dalasining tuprog'i o'tloqlashib borayotgan och tusli bo'z, mexanik tarkibiga ko'ra, o'rta qumog' tuproqdan iborat bo'lib, tarkibida chirindi miqdori uncha ko'p emas, mineral kolloidlar shimilishi juda tez. Tuproqning cheklangan dala nam sig'imi turli darajada tuproqqa singib ketgan suvning qatlamlarda tutib qolish qobiliyati tushuniladi. O'lchami $2 \times 2 \text{ m}$ kattalikdagi maydonga 20 sm balandlikda, ustunda ga ga 2000 m^3 hisobida suv bilan bo'ktirildi. Maydon suv bilan to'ldirilgandan so'ng polietilen plyonka bilan uning ustidan tuproq bilan yopib qo'yildi. Shundan so'ng uchinchi kundan boshlab namlikni aniqlash uchun har 10 sm qatlamda sizot sathigacha 5 qaytariqdan tuproq namunalari olindi. Namlikning doimiy ko'rsatgichi cheklangan dala nam sig'imi deb qabul qilindi. Cheklangan dala nam sig'imini aniqlash uchun tajribalar boshlash vaqtida maydonchalardan namunalar olindi hamda namlik miqdori aniqlandi.

Abduqodir BUTAYAROV,

texnika fanlari falsafa doktori (PhD), dotsent,
 Termiz muhandislik-texnologiya instituti.

ADABIYOTLAR

1. Butayarov A.T. Amu-Surxon irrigatsiya tizim havza boshqarmasida suvdan foydalanish holati. Mejdunarodnaya konferensiya innovatsionnoe razvitie nauki i obrazovaniya. Noyabr 2020 g. «Sbornik nauchnyx trudov Pavlodar, Kazaxstan». Noyabr, 2020 g. -St. 132-139.
2. Isaeva A.A. Spravochnik ekologiya - klimaticheskix karakteristik. g.Moskva. MGU, 2005. -412 s.
3. Sabirjan Isaev, Gulom Bekmirzaev, Mirkadir Usmanov, Elyor Malikov, Sunnat Tadjiev, Abdukadir Butayarov. Provision of remote methods for estimating soil salinity on meliorated lands. E3S Web of Conferences 376, 02014 (2023). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202337602014>. ERSME-2023

4. Bakir Serikbaev, Abdukodir Butayarov, Sardor Gulamov, Sanobar Dustnazarova. Inflation of water to the soil in the fields of drop irrigation. E3S Web of Conferences 264, 04002 (2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202126404002>. CONMECHYDRO – 2021.

5. Butayarov A.T., Nazarov A. A. Scientific substantiation of technology of efficient use of water resources in irrigation of cotton. E3S Web of Conferences 401, 05048 (2023). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340105048>. CONMECHYDRO – 2023.

УЎТ: 633.511:632:631.572

ЯНГИ ЯРАТИЛГАН ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ВИЛТ КАСАЛЛИГИ (*VERTICILLIUM DAHLIAE* KLEB) БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Аннотация. Тадқиқотларда бир неча йиллардан буён вилт замбуруғлари билан табиий зарарланган муҳитда тажрибалар олиб борилиши, ҳар йили навлар тизмалар ва дурагайларда турли хил селекцион танлашлар олиб борилганлиги сабабли, яратилган янги тизмалар андоза навларга нисбатан вилт касаллигига бардошлилигини яққол намоён этди.

Аннотация. О многолетних экспериментах на естественно зараженной среде, проводящих ежегодные различные селекционные внутри сортов, линий и гибридов, в которых новые созданные линии отчетливо проявляли устойчивость к заболеванию вилтом, чем стандарт.

Annotation. About multiyear experimentation in the naturally infected medium, conducting annual different selections within varieties, lines and hybrids and in which the new created lines distinctly showed the resistance to wilt disease than standard.

Кириш. Вертициллёз сўлиш (вилт) касаллиги–дунёнинг барча пахта етиштирувчи минтақаларида маълум бўлган – ғўзанинг энг кўп тарқалган ва энг хавфли касалликларидан бири ҳисобланади. Касаллик нафақат Республикамизда, балки *G.Hirsutum.L* турларига мансуб ғўза навларини етиштирувчи Ўрта Осиё мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Хитой, Эрон каби мамлакатларда ҳам тарқалган. Бундан ташқари, вилт Шимолий ва Жанубий Америкада, Африкада, Австралия, Европа ва Осиёда тарқалган, бундан бир қатор муаллифларнинг ишлари далолат беради.

Вертициллёз вилт билан асосан, ғўзанинг ўрта толали навлари касалланади, унинг қўзғатувчиси тупроқ замбуруғи *Verticillium dahliae Kleb.* ҳисобланади. Вилт замбуруғлари доимо ўзгариб, ўсимликка мослашиш хусусиятга эгадир. Ғўза яратилаётган янги навлари тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлиши билан бир қаторда турли касалликларга, жумладан, вилт касаллигига ҳам бардошли бўлиши зарур. Вилт билан зарарланган пахта майдонларида ҳосилдорлик камайиши билан бирга тола сифати ҳам кескин камайиб кетади.

Вилт касаллиги билан зарарланиши генетик асосланганлигида турлиликка эга бўлган дастлабки шакллари чатиштириш давомида генетик-селекцион усуллар орқали иммун хусусиятлар кўламини кенгайтириш асосида вилтга чидамлик аломатларини кучайтиришнинг мумкин бўлган йўллари топиш амалий мақсад бўлган [1]. Н.Хожамбергенов ва бошқалар [2] маълумотларида янги ўрта толали тизма-

жадвал.

Лабораторияда яратилган тизма ва навларни вилт касаллиги билан умумий ва кучли даражада зарарланиши)

№	Тизмалар ва навлар	Ўсимлик сон	Вилт билан умумий даражада зарарланиши		Вилт билан кучли даражада зарарланиши	
			дона	%	дона	%
1.	T-116 (T-177xT-186)	50	4	8,0	1	2,0
		50	5	10,0	1	2,0
		50	3	6,0	-	-
2.	T-1094 (T-153xT-190)	50	4	8,0	2	4,0
		50	5	10,0	1	2,0
		50	3	6,0	1	2,0
3.	T-403 (T-188xT-209)	50	4	8,0	2	4,0
		50	4	8,0	1	2,0
		50	2	4,0	-	-
4.	T-500 (T-116xT-205)	50	3	6,0	-	-
		50	4	8,0	2	4,0
		50	3	6,0	1	2,0
5.	T-501 (T-541xT-371)	50	2	4,0	1	2,0
		50	3	6,0	2	4,0
		50	2	4,0	-	-
6.	T-124 [Мутант-1 (06747)]	50	6	12,0	3	6,0
		50	5	10,0	2	4,0
		50	7	14,0	2	4,0
7.	T-125 [Мутант-5 (06748)]	50	6	12,0	3	6,0
		50	6	12,0	2	4,0
		50	5	10,0	1	2,0
8.	T-136 (Мутант 5:1)	50	5	10,0	3	6,0
		50	7	14,0	4	8,0
		50	5	10,0	2	4,0
9.	T-140 (Мутант 7,5:1)	50	4	8,0	1	2,0
		50	3	6,0	-	-
		50	3	6,0	1	2,0
10.	T-157 (Мутант 10:1)	50	7	14,0	3	6,0
		50	5	10,0	2	4,0
		50	6	12,0	2	4,0
11.	T-163 (Мутант аралаш)	50	3	6,0	1	2,0
		50	4	8,0	1	2,0
		50	2	4,0	-	-
	St. C-6524	50	16	32,0	7	14,0
		50	18	36,0	9	18,0
		50	15	30,0	6	12,0

ларнинг вилт касаллиги билан зарарланиши ва қимматли хўжалик белгилари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг вилт замбуруғлари билан табиий зарарлантирилган муҳитида катта нав синаш кўчатзоридаги натижалари таҳлил қилинган. Бунда вилт касаллиги билан зарарланиш турли хил чатиштириш усуллари натижасида яратилган тизмаларда умумий даражада зарарланиш 9.8 фоиздан 24.2 фоизгача, кучли даражада зарарланиш 1.7 фоиздан 6.9 фоизгача бўлганлиги, андоза сифатида ўрганилган С-6524 навида эса умумий даражада 27.5 фоиз, кучли даражада 9.3 фоиз зарарланганлиги кузатилган. Янги яратилган тизмалар андоза навидан вилт касаллигига бардошли эканлиги келтирилган.

Ўзанинг бугунги кунда вертициллёз ирқи билан бир қаторда фузариоз ирқи билан ҳам зарарланиши кузатишмоқда. Н.Хусанов ва бошқалар [3] томонидан бир неча дурагайлари фузариоз вилт касаллиги билан танлаш ишлари натижасида BC_2F_1 авлод дурагайлари аниқланган бўлиб, келажақда фузариоз касаллигига чидамлик доносларини маркерлаш, улар асосида касалликка чидамли донор линиялар яратиш ҳамда маркерларга асосланган селекция ишларини татбиқ қилиш бўйича янги навлар яратиш бўйича жараёнларни давом эттириб, ушбу касалликка ўта бардошли бўлган нав ва тизмалар яратиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Таҳлил ва натижалар. Ўзанинг яратилаётган янги навлари тезпишар, ҳосилдор, тола чиқими ва сифати юқори бўлиши билан бир қаторда турли касалликларга, жумладан, вилт касаллигига ҳам бардошли бўлиши зарур. Вилт билан зарарланган пахта майдонларида ҳосилдорлик камайиши билан бирга тола сифати ҳам кескин камайиб кетади. Тадқиқотларда вилт замбуруғи билан табиий зарарлантирилган муҳитда ушбу касалликка бардошлилигини лабораторияда яратилган

тизмалар ҳамда андоза нав сифатида олинган С-6524 ўза нави ўрганилди (жадвал).

Тадқиқотларда ўсимликлар 3 такрордан 50 тадан вилт билан умумий ва кучли даражада зарарланиши аниқланганда янги тизмаларда умумий даражада зарарланиши 2,0 фоиздан 14,0 фоизгача, кучли даражада эса 0 фоиздан, 8,0 фоизгача бўлди. Андоза С-6524 нави умумий 32-36 фоиз, кучли даражада 12-18 фоиз зарарланди. Тадқиқот таҳлилларига кўра, Т-116 (Т-177хТ-186), Т-403 (Т-188хТ-209), Т-500 (Т-116хТ-205), Т-125 [Мутант-5 (06748)], Т-140 (Мутант 7,5:1) тизмалари бошқа тизмаларга нисбатан вилт касаллигига нисбатан бардошлилиги андоза сифатида олинган С-6524 навида нисбатан 3-4 баробар бардошли эканлиги кузатилди.

Хулоса. Лабораторияда вилт замбуруғлари билан табиий зарарлантирилган муҳитда турли хил дурагайлаш асосида вилт касаллигига ўта бардошли ҳамда асосий қимматли хўжалик белгилари ижобий бўлган янги тизма ва навлар яратиш мақсадида селекция ишлари олиб борилади. Бир неча йиллардан буён вилт касаллиги билан зарарлантирилган муҳитда тажрибалар олиб борилиши, ҳар йили навлар тизмалар ва дурагайларида турли хил танлашлар олиб боришганлиги сабабли, лабораторияда яратилган янги навлар ва тизмалар андоза навларга нисбатан вилт касаллигига бардошлилигини яққол намоён этди.

Баҳриддин ЎРОЗОВ,

ПСУЕАИТИ катта илмий ходими, қ.х.ф.ф.д.,

Рамиш ЭГАМБЕРДИЕВ,

“ТИҚХММИ” МТУ доценти қ.х.ф.н.,

Фозилбек ТОРЕЕВ,

ТошДАУ доценти, қ.х.ф.н.,

Гулноза ШОДМОНОВА,

ТошДАУ доценти, қ.х.ф.ф.д.

АДАБИЁТЛАР

1. Низамов С. Наследование устойчивости к вертициллезу у гибридов хлопчатника G.Hirsutum.L. x G. Tricuspidatum ssp. Purpurascens (poir) Maue при парных скрещиваниях и беккрассах: Автореф. дис. канд. с.х. наук. –Ташкент, 1998. -25 с.
2. Хожамбергенов Н. ва бошқалар. “O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi” журнали. 2020 йил. №6. 27-б.
3. Хусанов Н. ва бошқалар “Қишлоқ хўжалик экинлари генетикаси, селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда ривожлантириш истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент. 2018 йил (18-19 декабр) 614-616-б.

G'ALLACHILIK

ЭРТА БАҲОРГИ ҒАЛЛА ПАРВАРИШИ


Ўзбекистон Республикаси Евроосиё минтақасининг марказий қисмида 37–45° ш.к. 56–73° ш.у. орасида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёнинг қурғоқчил зонасига киради. Мамлакат ҳудуди ҳар турли ҳаво массаси кириб келиши учун очиқ. Атлантик ва арктик ҳаво массалари шимолдан, шимоли-ғарбдан ва ғарбдан кенг текисликларга кириб келади. Охириги ўн йилликда иқлимнинг глобал иссиқи кузатишмоқда, у атмосферага парник газларни антропоген ташлашлар, шунингдек, бошқа иқлимий факторлари натижасидадир. 2023 йилда Республиканинг шимолий (Нукус 13°C), марказий (Тошкент 15°C) ва жанубий (Қарши 17°C) минтақаларида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати меъёрдан 1.0–2.0° юқори бўлди (1-расм).

Ўзбекистон ҳудудининг катта қисмида йиллик ёғингарчилик миқдори меъёрдан кам (35–78%) бўлиб, 2023 йилда ёғин миқдори Қорақалпоғистон республикасида йиллик меъёрга нисбатан 50%, Тошкент вилоятида 80% ва Қашқадарё вило-


ятида 30% атрофида бўлди (2-расм) бўлди.

Тобора мураккаблашиб бораётган иқлим ўзгариши шароитида илмий асосланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Жорий йил ҳосили учун ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан суғориладиган майдонларда 1 млн 14 минг гектар ва лалмикор майдонларда 240 минг гектар майдонда бошоқли дон экинлари парвариш қилинмоқда.

Аксарият майдонларда бошоқли дон экинлари уруғлари эрта экилиши ва уруғ суви билан суғорилиши эвазига ғалла ривожини ҳар йилгига нисбатан юқори бўлди. Шу билан бирга, айрим майдонларда ғалланинг кеч экилиши ёки кеч суғорилиши оқибатида ривожланишдан орқада қолганлигини кузатиш мумкин. Бу каби майдонларда таркибида гумин кислотаси юқори бўлган биостимуляторлар билан икки баравар меъёрга февраль ойининг 2-3 декадасида ва март ойининг



1-расм. Республиканинг шимолий, марказий ва жанубий минтақаларида ўртача йиллик ҳаво ҳарорати.



2-расм. Республиканинг шимолий, марказий ва жанубий минтақаларида кўп йиллик ёғин миқдори, мм.

1-декадасида озиқлантириш ишларини амалга ошириш лозим. Баҳорги биринчи озиқлантириш учун минерал ўғитларни қўллаш ва тупроқ-иқлим шароитига кўра гектарига 600-700 м³ сув билан суғориш лозим. Суғоришни шарбат усулида ташкил этилиши минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бирга тупроқда намлик сақланиш давомийлигини оширади.

Жорий йилда республикада бошоқли дон экинларини парваришlashни ўтган йилларга нисбатан эртароқ бошлашни талаб этмоқда. Кутилаётган об-ҳаво шароитини инобатга олган ҳолда, ғалла майдонларига азотли ўғитларни бериш, биостимуляторлар билан барг орқали озиқлантириш, касалликлар, зараркунандалар, бегона ўтларга қарши уйғунлашган кураш чораларини белгилаш ҳамда суғориш ишларини амалга ошириш жуда муҳимдир.

Ғалла майдонларини азотли ўғитлар билан озиқлантиришда ўғитларни табақалаштириб бериш зарур. Кеч экилган ва ривождан орқада қолган майдонларга 1-озиқлантиришда сульфат аммоний ўғити (туплаш даврида 100-150 кг/га), 2-озиқлантириш карбамид ўғити (найчалаш даврини бошида 250-300 кг/га), 3-4 озиқлантиришда аммиакли селитра ўғити (найчалаш-бошоқлаш даврида 200-250 кг/га) бериш яхши самара беради.

Республиканинг барча минтақаларида 2023-2024 йиллар куз-қиш (сентябрь-январь) мавсумида ҳам кўп йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши, ёғин миқдорининг эса паст бўлиши ва мос равишда нисбий намликнинг ҳам паст бўлиши кузатилди. Бу ҳолат эса кузги бошоқли дон экинлари ривожига ижобий таъсирини кўрсатди. Шу билан бирга, ғаллазорларда, айниқса, иккинчи йил ғалла экилган майдонларда турли бегона ўтларнинг ҳам кучли ривожланишига замин яратди. Шунингдек, дала уватларида, очик зовур ҳамда суғориш тармоқларида касалликлар споралари, зараркунанда ҳашаротлар имаголари, ғумбаклари, тухумлари қишки аёзли совуқ бўлмаганлиги сабабли ғаллага ҳар йилгига нисбатан ҳам кучли таъсир этиши мумкин. Айниқса, жорий йилда ғалла майсаларининг тўплаши, ўсиш-ривожланиши юқори даражада бўлганлиги замбуруғли касалликлар учун қулай муҳит яратади. Шу муносабат билан ҳар йилгига қараганда ўсимлик ҳимоясига эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Бегона ўтлар кучли ривожланган майдонларда эрта баҳордан бошлаб гербицидларни қўллаш лозим бўлади. Бунда ғалладан олдинги ўтмишдош экин турига қаратиш мақсадга мувофиқ. Икки паллали бегона ўтларга қарши ишлов беришда алмашлаб экилган, ғўза ўрнига экилган бошоқли



Азотли ўғитлар билан озиқлантириш



Биостимуляторлар билан ишлов бериш

дон экин майдонларига таъсир этувчи моддаси Трибенурон-метил бўлган гербицидларни, иккинчи йил ғалла экилган майдонларга таъсир этувчи моддаси Флуроксипир метил ёки Клопиралид бўлган гербицидларни, бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши ишлов беришда таъсир этувчи моддаси Клодинафоп-пропаргил бўлган гербицидларни қўллаш юқори самара беради.

Озуқанинг кўплиги ва қулай об-ҳаво шароити зарарку-нанда ҳашаротларнинг жадал ривожланиши ва кўпайишига ижобий муҳит яратади. Ғаллага энг кўп зарар берувчи зарарли ҳасванинг бир йилда бир марта авлод беришини инобатга олиб, таъсирчанлиги тез ва зарарли моддаларнинг парчаланиб кетиш хусусиятига эга, таъсир этувчи моддаси Лямбда цигалотрин ёки Ацетамиприд бўлган инсектицид-ларни қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу инсектицидлар шира, трипс, арракаш ва бошқа зараркунанда ҳашаротларнинг кўпайиши ва ғаллага зарар бериш хавфини камайтиришга хизмат қилади.

Ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар – сарик ва қўнғир занг, ун шудринг, септориоз, фузариоз касалликлари тарқалиш хавфи юқори бўлган ҳудудларни доимий назорат қилиб бориш, касалликлар белгилари аниқланиши билан профилактик ишлов бериш ишларини амалга ошириш лозим. Касалликлар тарқалиши аниқланган ҳолларда таъсир этувчи моддаси Тебуконазол, *Проликоназол* бўлган фунгицидларни қўллаш лозим. Бу фунгицидлар касаллик спораларидан 20-25 кунгача ҳимоялаш хусусиятига эга эканлиги ғалла етиштирув-чи субъектларнинг ошиқча сарф-харажатларининг олдини олишга, маҳсулот таннархининг камайтиришга олиб келади.

Белгиланган агротехник тадбирларни ўз вақтида илмий асосда ташкил этилиши бошоқли дон экин майдонларидан мўл ҳосил олишга имкон яратади.

Ойбек АМАНОВ, қ.х.ф.д., профессор,
ЖДИТИ директори,

Ғулмужон УЗАҚОВ, қ.х.ф.д., к.и.х.,
ЖДИТИ лаборатория мудири.

УЎТ: 633.11;631.527.1

ҚАТТИҚ БУҒДОЙ НАВЛАРИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ЙИЛ ОИЛАЛАРИДА ФЕНОЛОГИК КУЗАТУВ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада қаттиқ бугдойнинг “Мингчинор”, “Лангар”, “Насаф”, “Зилал”, “Нафис”, “Мусаффо” ҳамда “Хилал” навларининг биринчи ва иккинчи йил оилаларини ривожланиш фазалари бўйича амалга оширилган фенологик кузатув ва таҳлил натижалари ақс эттирилган. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда биринчи навбатда экиладиган уруғлик сифатига эътибор берилади. Фан ютуқлари ва ишлаб чиқариш илгорларининг тажрибаларидан маълумки, замонавий, тўғри ташкил қилинган уруғчилик экинлар ҳосилдорлигини 25-30 фоизга оширади. Шу билан бирга, экинларнинг ҳосилдорлиги қўлланиладиган технология савиясига ҳамда навларни тўғри танлашга боғлиқдир. Сифатли уруғ экиш ҳисобига етиштириладиган қўшимча ҳосил ҳеч қандай харажатларсиз олинади ва катта иқтисодий фойда беради.

Калит сўзлар: фенологик кузатув, қаттиқ бугдой навлари, оила, жанубий минтақа, қўрғоқчилик, иссиқлик

Аннотация. В статье представлены результаты фенологического наблюдения и анализа однолетних и второго семейств сортов твердой пшеницы «Мингчинор», «Лангар», «Насаф», «Зилал», «Нафис», «Мусаффо» и «Хилал» в условиях этапов разработки. При повышении урожайности сельскохозяйственных культур в первую очередь обращают внимание на качество высеваемых семян. Из достижений науки и опыта передового производства известно, что современное, правильно организованное семеноводство повышает урожайность сельскохозяйственных культур на 25—30 процентов. При этом урожайность сельскохозяйственных культур зависит от уровня применяемой технологии, а также от правильного подбора сортов. Дополнительный урожай от посева качественных семян получается бесплатно и дает большую экономическую выгоду.

Ключевые слова: фенологический мониторинг, сорта твердой пшеницы, семейство, южный регион, засуха, жара.

Abstract. The article presents the results of phenological observation and analysis of annual and second families of durum wheat varieties “Mingchinor”, “Langar”, “Nasaf”, “Zilal”, “Nafis”, “Musaffo” and “Hilal” under the conditions of the development stages. When increasing the yield of agricultural crops, first of all, attention is paid to the quality of the seeds sown. From the achievements of science and the experience of advanced production, it is known that modern, properly organized seed production increases the yield of agricultural crops by 25-30 percent. At the same time, the yield of agricultural crops depends on the level of technology used, as well as on the correct selection of varieties. The additional harvest from sowing quality seeds is free and provides great economic benefits.

Key words: phenological monitoring, durum wheat varieties, family, southern region, drought, heat.

Кириш. Навлар уруғликлари экилиши натижасида йил ўтиши билан механик равишда бошқа нав уруғликлари ҳамда қийин ажраладиган бошқа экинлар уруғлари билан аралашиб кузатилади. Биологик аралашиб эса навнинг ўзи ташқи муҳит таъсирида айрим белги ва хусусиятларини ўзгартириши оқибатида юзага келади. Навларнинг уруғликларини сифа-

тини пасайишининг олдини олиш учун, шу навнинг танланган юқори сифатли уруғликларини экиш орқали эришилади. Бу жараён уруғ алмаштириш (сортаобновление) дейилади [1].

Ўсимликларнинг фенофазалари ўтишида ташқи муҳит факторларини таъсири беқийс. Униб чиқиш туплаш фазасида намлик етарли ёки меъёрдан юқори бўлиб, ҳаво ҳарорати

паст бўлса, шу фаза чўзилишига олиб келади. Ҳаво ҳарорати паст бўлса, ўсимликларда бошоқлаш фазаси кечикади, аксинча ҳаво ҳарорати юқори бўлса, тезлашади. Ўсимликларда туллаш фазасининг чўзилиши ижобий ҳолат бўлиб, бунда туллаш коэффициенти юқори бўлади, ёншоҳлар кўпаяди. Айниқса, ўсимликларда гуллаш ва дон ҳосил бўлиш жараёнида ҳаво ҳарорати ҳамда намлик даражасига жуда таъсирчан бўлади. Ёғингарчилик миқдори юқори бўлиб, ҳаво ҳарорати паст бўлса гуллаш фазасини чўзилишига олиб келади ва натижада бошоқларда чангланиш тўлиқ амалга ошмай қолади, донлар сони ёки маҳсулдорлик пасаяди [2].

Республикамизнинг жанубий ҳудудларида эртапишар ва ўртапишар бугдой навларини етиштириш учун мўътадил иқлим ҳисобланади. Ушбу минтақанинг иқлим шароитида эртапишар ва ўртапишар навларда донлар шаклланиши нормал кечади, кечпишар навларда эса, дон шаклланиш даврида юқори ҳарорат таъсирида донлар пуч бўлиб қолади, натижада, ҳосилнинг камайиши кузатилади[3].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти “Ўсимликлар миллий генбаки ва уруғчилиги” лабораторияси ходимлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари Қарши тумани марказий тажриба даласида қаттиқ бугдойнинг “Мингчинор”, “Лангар”, “Насаф”, “Зилол”, “Нафис”, “Мусаффо” ҳамда “Хилол” навларининг биринчи ва иккинчи йил оилаларини ривожланиш фазалари бўйича амалга оширилган фенологик кузатув таҳлил натижалари акс эттирилган.

Таҳлил ва натижалар. Бошланғич уруғчилик кўчатзорида экилган қаттиқ бугдой навларининг туллаш ва найчалаш фазалари орасида катта фарқ кузатилмади. Найчалаш фазаси Нафис, Мусаффо ва Хилол навларида 21-25 февралда кузатилган бўлса, Мингчинор, Лангар навларида 22-26 февраль ва Зилол, Насаф навларида 23-28 февралда қайд қилинди.

Апрель ойида олиб борилган фенологик кузатишлар натижаларига кўра, қаттиқ бугдойнинг Насаф навида бошқа навларга нисбатан биринчи бошоқлаш фазасига ўтганлиги ёки 7-11 апрелда қайд қилинган бўлса, Мусаффо, Нафис навларида 14-18 апрелда, қолган навларда эса 17-21 апрелда қайд қилинди.

Қаттиқ бугдой навларининг униб чиқиш-найчалаш даври таҳлил қилинганда Мингчинор навида 143 кун, “Лангар” навида 140 кун, “Насаф” навида 145 кун, “Зилол” навида 144 кун, “Нафис” навида 141 кун, “Мусаффо” навида 142 кун ва “Хилол” навида эса 142 кунни ташкил қилганлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал.

Қаттиқ бугдой навларининг биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган ўсимликларининг фенологик кузатув натижалари (Қарши 2022-2023 йй.).

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Униб чиқиши	Туплаш	Найчалаш
1	Мингчинор	500	04.окт	08.дек	22-26.фев
2	Лангар	500	04.окт	08.дек	22-26.фев
3	Насаф	500	04.окт	08.дек	24-28.фев
4	Зилол	500	04.окт	08.дек	23-26.фев
5	Нафис	500	04.окт	08.дек	21-24.фев
6	Мусаффо	500	04.окт	08.дек	21-25.фев
7	Хилол	500	04.окт	08.дек	21-25.фев



1-расм: Қаттиқ бугдой навларининг биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган ўсимликларининг униб чиқиш-найчалаш даври, кун (Қарши 2022-2023 йй.).

2-жадвал.

Қаттиқ бугдой навларининг иккинчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган ўсимликларининг фенологик кузатув натижалари (Қарши 2022-2023 йй.).

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Униб чиқиши	Туплаш	Найчалаш	Бошоқлаш
1	Мингчинор	500	04.окт	08.дек	22-26.фев	17-20.апр
2	Лангар	500	04.окт	08.дек	22-26.фев	17-20.апр
3	Насаф	500	04.окт	08.дек	24-28.фев	07-11.апр
4	Зилол	500	04.окт	08.дек	23-26.фев	17-21.апр
5	Нафис	500	04.окт	08.дек	21-24.фев	15-18.апр
6	Мусаффо	500	04.окт	08.дек	21-25.фев	14-17.апр
7	Хилол	500	04.окт	08.дек	21-25.фев	17-20.апр

3-жадвал.

Қаттиқ бугдой навларининг биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган ўсимликларининг фенологик кузатув натижалари (Қарши 2022-2023 йй.).

№	Навлар номи	Экилган оилалар сони	Сут пишиш	Мум пишиш	Тўлиқ пишиш	Яроқсиз деб топилган оилалар сони
1	Мингчинор	500	07.май	23.май	06.июн	8
2	Лангар	500	07.май	23.май	06.июн	7
3	Насаф	500	05.май	21.май	02.июн	6
4	Зилол	500	07.май	23.май	06.июн	6
5	Нафис	500	05.май	21.май	02.июн	7
6	Мусаффо	500	05.май	21.май	02.июн	5
7	Хилол	500	07.май	23.май	06.июн	4

Ўсимликларни риожланишини кузатишлар натижаларига кўра, биринчи йил оилаларни синаш кўчатзорида экилган оилалар ўсимликларининг сут пишиш фазаси 5-7 майда, мум пишиш фазаси 21-23 майда ва тўлиқ пишиб етилиши 2-6 июнь кунларида қайд қилинди.

Хулоса. Экилган оила ўсимликларини бошоқлаш ва мум пишиш фазаларида ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра, қаттиқ бугдойнинг Мингчинор навидан 8 та, Лангар навидан 7 та, Насаф навидан 6 та, Зилол навидан 6 та, Нафис навидан 7 та, Мусаффо навидан 5 та, Хилол навидан 4 оилалар яроқсиз деб топилиб дала шароитида ўриб чиқариб ташланди.

Зоҳид БОЛҚИЕВ,

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти
I-босқич докторанти, (DSc) к/х. ф. ф. д.

АДАБИЁТЛАР

1. Байгулов Г.К; Питоня А.А. Оценка сортов и гибридов пшеницы на устойчивость к ржавчине. В кн.: Материалы научно – метод. совета среднеазиатского селекцентра по зерновым. Зернобобовым и кормовым культурам. Ташкент. 1978. с. 50-59.
2. Баранникова З.Д. Критический период в онтогенезе злаков по отношению к температурным условиям. – В кн. «Физиолого- генетические основы повышения продуктивности зерновых культур». М.: Колос, 1975. с. 102-111.
3. Бекназаров Н. Селекция интенсивных сортов мягкой пшеницы в условиях равнинно-холмистой зоны богары Узбекистана. Автореферат дисс. на соискание ученой степени к.с/х.н. Ленинград, 1983. 17 с.
4. Беранек В, Гросс С, Гомоли В. Интенсивное производство зерна. / Пер. с чеш. З.К. Благовещенской. Москва. Агропромиздат. 1985. с. 28-32.

УО`Т: 633.111.1; 631.527.314:55

SUV BILAN KAM TA'MINLANGAN, QURG'OQCHILIK MINTAQALARI UCHUN BAHORGI BUG'DOY URUG'CHILIGINI TASHKIL ETISH

Annotatsiya. Maqolada Respublikamiz tuproq va iqlim sharoitlariga mos bo'lgan, suv bilan kam ta'minlangan hududlari uchun bahorgi bug'doyning yangi Janub Gavhari, Navro'z va Parvoz navlarini resurstejamkor agrotexnologiyalarini ishlab chiqish, innovatsion joriy qilish va sara urug'liklarini tayyorlash hamda fermer xo'jaliklari va agroklastarlarga tatbiq qilinishi yoritilgan

Kalit so'zlar: oila, global iqlim, tinim davri, morfologik, resurs, genetik, nav, hosildorlik, ko'chatzor.

Аннотация. В статье описана разработка ресурсосберегающих агротехнологий новых сортов яровой пшеницы Джануб Гавхари, Навруз и Парвоз, подходящих для почвенно-климатических условий нашей Республики, и подготовка семян сары, а также их применение в фермерских хозяйствах и агрокластерах.

Ключевые слова: семья, глобальный климат, период покоя, морфологический, ресурсный, генетический, сорт, продуктивность, питомник.

Abstract. The article describes the development of resource-saving agricultural technologies for new varieties of spring wheat Janub Gavhari, Navroz and Parvoz, suitable for the soil and climatic conditions of our Republic, and the preparation of sara seeds, as well as their use in farms. and agricultural clusters.

Key words: family, global climate, dormant period, morphological, resource, genetic, variety, productivity, nursery.

Kirish. So'nggi yillarda sodir bo'layotgan global iqlim o'zgarishi natijasida yog'in miqdorining kamayishi sug'oriladigan maydonlar sharoitida qurg'oqchilikka chidamli yangi bug'doy navlarini joriy etishni taqozo etmoqda.

Hozirgi kunda kuzgi muddatda ekiladigan yumshoq bug'doy navlari biologik tinim davri uzoq bo'lib ko'pgina agrotexnik tadbirlarni talab etadi. Kuzgi bug'doy yetishtirishda ayrim qurg'oqchil yillari kuz va qish oylarida 2 va undan ortiq sug'orish talab etiladi. Anomal sovuq yillarida kuzgi bug'doyning sovuq urishi natijasida ko'chatlar soni sezilarli kamayadi. [1, 2].

Kuzgi bug'doy yetishtirishda kasallik va zararkunandalar o'simliklarni boshlang'ich rivojlanish fazalarida ekin maydonlariga joylashib katta zarar yetkazadi. Bahorgi bug'doyning kuzgi bug'doydan asosiy farqi, kuz va qish oylarida sarflanadigan suv resurslari tejashiga erishiladi. Bahorgi muddatda odatda 120-130 kg/ga urug'lik sarflanib, ob-havo urug' unib chiqishi uchun juda qulay bo'lganligi bois bir tekis unib chiqadi. Bug'doy urug'liklari 100-130 kg/ga gacha tejashiga erishiladi. [3, 4].

So'nggi yillarda dunyoning turli mintaqalarida qurg'oqchilik hodisalarining muammolari jiddiy ortib bormoqda. Iqlim o'zgarishi natijasida suv tanqisligi muammosini davom etishi kuzatilmoqda.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Yuqoridagi dolzarb vazifalardan kelib chiqib, Janubiy dehqonchilik ilmiy-tadqiqot institutining Qarshi tumani tajriba dalasida bahorgi bug'doyning yangi navlari urug'chiligini tashkil qilish uchun Janub Gavhari, Navro'z va Parvoz navlari ilmiy tadqiqotlarda O'zbekiston

Respublikasi Davlat nav sinash komissiyasining chiqargan uslubi asosida tadqiqotlar bajarildi va qayd qilib borildi.

Tahlil va natijalar. 1-yil oilalar ko'chatzori. Bahorgi bug'doyning yangi navlari urug'chiligini tashkil qilish uchun Janub Gavhari, Navro'z va Parvoz navlaridan 200 tadan oilalar ekilib, morfologik belgilari bo'yicha tanlov ishlari amalga oshirildi.

Bahorgi yumshoq bug'doyning Janub Gavhari navidan ekilgan 200 ta oilalardan morfologik belgilari bo'yicha 23 ta, hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha 34 ta, jami 57 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 143 tani tashkil qilib, umumiy 33 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Bahorgi yumshoq bug'doyning Parvoz navidan ekilgan 200 ta oilalardan morfologik belgilari bo'yicha 21 ta, hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha 31 ta, jami 52 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 148 tani tashkil qilib, umumiy 34 kg 1-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

2-yil oilalar ko'chatzori. Bahorgi bug'doyning yangi Janub Gavhari, Navro'z, Parvoz navlari boshlang'ich urug'chiligini tashkil qilish uchun 2-yil oilalar ko'chatzorlari tashkil qilindi. Ko'chatzorlar Janubiy dehqonchilik ITIning Qarshi tumani S.Raximov hududida joylashgan markaziy tajriba maydonida 2023 yil hosil uchun ekilib tanlov ishlari o'tkazildi.

Bahorgi yumshoq bug'doyning 2-yil oilalar ko'chatzorida Janub Gavhari navidan ekilgan 50 ta oilalardan morfologik belgilari bo'yicha 4 ta, hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha 8 ta, jami 12 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 38 tani tashkil

qilib, umumiy 133 kg 2-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Bahorgi yumshoq bug'doyning Navro'z navidan ekilgan 50 ta oilalardan morfologik belgilari bo'yicha 5 ta, hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha 7 ta, jami 12 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 38 tani tashkil qilib, umumiy 137 kg 2-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Bahorgi yumshoq bug'doyning Parvoz navidan ekilgan 50 ta oilalardan morfologik belgilari bo'yicha 5 ta, hosildorlik ko'rsatkichlari bo'yicha 9 ta, jami 14 ta oilalar yaroqsiz qilindi. Jami o'rib olingan oilalar soni 36 tani tashkil qilib, umumiy 126 kg 2-yil oilalar urug'ligi jamg'arildi.

Bahorgi yumshoq bug'doy navlarining 2-yil oilalar urug'chiligi ko'chatzorida Janub Gavhari navining 38 ta oilalaridan 133 kg, Navro'z navining 38 oilalaridan 138 kg, Parvoz navining 36 ta oilalaridan 126 kg, jami bahorgi bug'doy navlaridan 397 kg urug'lik jamg'arildi.

1-yil ko'paytirish ko'chatzori. Bahorgi yumshoq bug'doy navlarini 1-yil ko'paytirish ko'chatzorida har bir navning 0,1 ga maydonda ko'chatzori tashkil qilindi.

Bahorgi yumshoq bug'doy navlarining 1-yil ko'paytirish ko'chatzorida navlar tavsiya etilgan me'yorlarda azotli o'g'itlar bilan oziqlantirish ishlari o'tkazildi. Janubi Gavhari navidan 374 kg don hosili olinib, hosildorlik 37,4 s/ga ni tashkil qildi. Qayta ishlovdan keyin saralangan urug'lik miqdori 322 kg ni tashkil qildi va 2-yil ko'paytirish maydonida ekishga urug'lari jamg'arildi.

Navro'z navidan 395 kg don hosili olinib, hosildorlik 39,5 s/ga ni tashkil qildi. Qayta ishlovdan keyin saralangan urug'lik miqdori 344 kg ni tashkil qildi va 2-yil ko'paytirish maydonida urug'lari ekishga jamg'arildi. Parvoz navidan esa 386 kg don hosili olinib, hosildorlik 38,6 s/ga ni tashkil qilgan bo'lsa, qayta ishlovdan keyin olingan sara urug'lik miqdori 336 kg ni tashkil qildi. Bahorgi

yumshoq bug'doy navlarining 1-yil ko'paytirish ko'chatzorida 1001 kg urug'liklar jamg'arildi.

Республикамизнинг турли вилоятларида бундай ўсимликларни етиштириш юзасидан турли тажрибалар дала ҳамда лаборатория шароитларида олиб борилмоқда. Хусусан, Навоий вилояти Навоий илмий тажриба станциясида дуккакли ўсимликлардан бири ҳисобланган кроталария (лот. lot. Crotalaria juncea L.) ўсимлигининг ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос равишда янги навини яратиш ҳамда унинг ҳосилдорлигини ошириш юзасидан турли илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кроталария ўсимлиги дуккакдошлар (Fabaceae) оиласи, папилионоидлар (Papilionoideae) кенжа оиласи, кроталария (Crotalariaeae) туркуми, калисайн (Calycinae) бўлимига мансуб ўсимлик ҳисобланади. [1] Маълумотларга кўра, кроталария туркумининг дунё бўйича 500 дан ортиқ тури борлиги

аниқланган бўлиб, миллоддан аввалги 400 йилда илк маротаба Санкрест адабиётларида маълумотлар бериб ўтилган.

Егорова Т.В Кроталария энциклопедиясидан берилган маълумотларга кўра, бу ўсимлик бир йиллик тик ўсувчи ўсимлик бўлиб, баландлиги 1,5-2 метрдан ошмайди. Барглари оч яшил рангда, турғун, оддий, бутун, барг пластинкаси икки томондан майда пахмоқ билан қопланган. [2]

А Маройи [3] маълумотларига кўра, кроталария шоли, маккажўхори, сорго, тамаки, ғўза билан алмашлаб экишда, шунингдек, оралиқ экин сифатида ананас, кофе плантациялари ва боғларда етиштирилади

Чианг Маининг [4] ЭҶО "Asia seed facts sheets"да берган маълумотларига кўра, кроталария ўсимлиги кучли ўсиши, ёрқин сарик гуллари ва тўла уруғли дуккакка эга бир йиллик ўсимликдир. Ўсимлик одатда ердан новдаси тахминан 60 см (2 фут) гача шохсиз ўсади. Бу баландликдан юқорида, агар жуда зич бўлмаса, поялари шохлана бошлайди. Баъзан зич ўсимликларда ўстирилганда, кроталария ўсимлигининг баландлиги 3 м (10 фут) га этиши мумкин бўлган битта, тик пояга эга бўлади. Кучли латерал илдизлари эса ерости сув манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Э., Шарон Н., Голдстеин И. Ж., (1986) "The Lectins – Properties" маълумотларига қараганда, кроталария ўсимлиги уруғидан лектин моддаси ажратиб олинади ва тиббиётда фойдаланишлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилган. [5]

Кроталария (Crotalaria juncea) ни чет эл мамлакатларида экиш меъёрлари бўйича турли тупроқ ва иқлим шароитларида тавсиялар берилган. Жумладан, G.White ва J.Haun [6] лар томонидан 1995 йилда АҚШнинг Техас штатида олиб борилган тажрибаларга кўра кроталария қатор оралари 102 см бўлганда қўшқаторда гектарига 17 кг, 30,5-35,6 см қатор орасида эса 16,8-22,4 кг/га экишни тавсия этишган.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Тадқиқотлар дала шароитида «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидан фойдаланиб ўтказилди. Ҳосилдорлик кўрсаткичларининг математик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмалар асосида олиб борилди.

Тажрибада 3 хил ризосфера бактерияси - Ризо №03; Ризо № Р76; Ризо №15 штаммлари билан кроталария уруғи экиш билан бирга инокуляция қилиниб экилиб, ўсимликнинг ривожланиши давомида фенологик кузатувлар олиб борилди ҳамда кроталариянинг бўғим оралиғи ва барг кўрсаткичлари аниқланди.

Дала тажрибалари олиб борилган ҳудуд дала тупроғи ўтлоқи тупроқлар бўлиб, сизот суви сатҳи 2,5-3,0 м оралиғида жойлашган ва бу мавсум давомида турли муддатларда кўтарилиб туради. Шунингдек, тажриба даласи тупроғи тажриба қўйиш олдида таҳлил қилинганда, тупроқнинг 0-30 см қатламидаги гумус миқдори 0,57%, рН-7,84 %, хлор-0,03 %, кальций-0,25%, Mg-0,017% ни ташкил этганлиги аниқланди. Таҳлиллар натижаларига кўра, ушбу ионлар миқдори кроталария ўсимлигини парваришида агротехник тадбирларнинг тўғри қўлланилиши салбий оқибатларга олиб келмайди.

Таҳлил ва натижалар. Поя — ўсимликнинг вегетатив органи бўлиб, симликнинг шох, барг ва гуллари жойлашган асосий ўқи ҳисобланади. Поя бўғим (барг ўрни) ва бўғим оралиқларидан иборат. Поя — барглари билан илдиз орасида моддалар ҳаракатини таъминлайдиган органдир. Барг эса (лот. folium, юнонча. phyllon — юсак ўсимликларнинг асосий вегетатив органи бўлиб, фотосинтез, транспирация ва газ алмашинуви вазифасини бажаради. Ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос адаптив хусусияти мавжуд бўлиб, ўсимликнинг шу хусусиятидан фойдаланган ҳолда юқори ҳосилдорлик ҳамда янги навларни яратиш имконияти мавжуд. Ўсимликлар пояси ва баргининг тузилиши, шакли ҳамда бўйи яшаётган иқлим билан биргаликда мазкур ҳудудда олиб борилган агротехник тадбирларга ҳам боғлиқдир.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Навоий илмий тажриба станцияси дала майдонида кроталария ўсимлигининг ривожланишида ризосфера бактериялари таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, бунда кроталария ўсимлигининг бўғим оралиғи ва барг кўрсаткичлари аниқланди. Кроталария ўсимлигининг баландлиги, одатда, 1.5-2.0 м бўлиб, ҳар бир тупда 4-6 тадан ёншоҳларни ҳосил қилади. Асосий новдасининг узунлиги эса, 10-60 см, ён новдалари эса 1 м га етади. Ўсимликнинг бўғим оралиқлари ва барг кўрсаткичларини аниқлаш ишлари амал даврининг охирида, яъни октябр ойида ҳар бир вариантдан 3 тадан ўсимлик олиниб, уларнинг пастки, ўрта ва юқори бўғим оралиқларининг сони ва орасидаги масофалар ҳамда барглари эки ва узунлиги ўлчаб дала дафтарига қайд этилади.

Изоҳ ноанъанавий дуккакли ўсимлик кроталария 4 вари-

антда ризосфера бактериялари билан инокуляция қилинди. Ўсимликнинг ҳар бир вариантдан 3 донадан ўсимлик олиниб, бўғим оралиғи ва барг кўрсаткичларини аниқланди. Бунда жадвалдаги п-пастки қисм, ў-ўрта қисм, й-юқори қисм.

Дала тажрибасида кроталария ўсимлиги 23 апрел муддатида экилиб, ҳар ойнинг 1 ва 15-саналарида фенологик кузатувлари олиб борилди. Октябр ойининг 15-санасида ҳар бир вариантдан 3 донадан ўсимлик ажратиб олиниб, ўсимликнинг бўғим оралиқлари ҳамда баргнинг узунлиги ва эки аниқлаб олинди.

Олинган маълумотларга кўра, кроталария ўсимлиги ризосфера бактериялари қўлланилмаган назорат вариантда бўғим оралиғининг узунлиги 48,3 см га, Rizo №03 бактерия штаммлари қўлланилган 2-вариантда 68,6 см.ни, Rizo №Р76 бактерия штаммлари қўлланилган 3-вариантда 97 см.ни ва Rizo №15 бактерия штаммлари қўлланилган 4-вариантда бўғим оралиқларининг узунлиги 98,5 см.ни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткич кроталария уруғи экиш билан бирга Rizo №15 бактерия штаммлари қўлланилган 4-вариантда 98,5 см.ни ташкил этиб, бўғим оралиқларининг узунлиги бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди (1-жадвал).

Шунингдек, 4 вариантда барглари экиш узунлиги ҳамда эки ўрганиб чиқилиб, Rizo №15 бактерия штаммлари билан инокуляция қилинган кроталария ўсимлигининг барглари экиш узунлиги назорат вариантыга нисбатан 4-вариантда 0.63 см ҳамда эки эса 0,356 см.га фарқ қилиши аниқланди. Бу эса Rizo №15 бактерия штаммлари қўлланилган вариантынинг яшил масса ҳосили ҳамда фотосинтетик жараёнларининг фаоллиги бошқа вариантларга қараганда юқорироқ эканлигидан далолат беради.

1-жадвал.

Кроталария ўсимлигини ривожланишида бўғим оралиғи ва барг кўрсаткичларини аниқлаш.

№	Қўлланилган ризосфера бактериялари штаммлари	Бўғим оралиғининг сони	Яруслар бўйича бўғим оралиғининг узунлиги, см			Яруслар бўйича барг узунлиги см			Яруслар бўйича барг эки, см		
			п	ў	й	п	ў	й	п	ў	й
1	назорат	48,3	5,3	5,3	3,3	6	7,3	6	1,5	1,2	0,93
2	Rizo №03	68,6	4	4,6	3,6	6,5	8	6,1	1	1,1	1
3	Rizo № Р76	97	5,4	6,3	4,2	4,4	7,6	5,8	1	1,3	1
4.	Rizo №15	98,5	5,2	7,4	4	6,5	8,1	6,5	1,5	1,9	1,3

Хулоса. Навоий вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида кроталария ўсимлигидан юқори ҳосил олишда экиш жараёнида ўсимлик уруғини Rizo №15 бактерия штаммлари билан инокуляция қилиш ўсимлик фотосинтез жараёнининг жадал кечишига ва мўл ҳосил олишга замин яратади.

Зарифахон БАБАЕВА,

ЎзР ФА Навоий бўлими мақсадли таянч докторанти,

Сурайё НЕГМАТОВА,

ПСУЕАИТИ катта илмий ходими, қ.х.ф.д.,

Ўттам ХАКИМОВ,

ЎзР ФА Навоий бўлими бошлиғи, қ.х.ф.н.

АДАБИЁТЛАР

1. Van Wyk B.E., Schutte A.L Phylogenetic relationships in the tribes Podalyrieae, Liparieae and Crotalarieae. In: Crisp M, Doyle JJ (eds) Advances in legume systematics 7: Phylogeny. Royal Botanic Gardens, Kew, UK, 1995. Pp 283–308.
2. Егорова Т. В. (Кроталария / Конда — Кун. — М. : Советская энциклопедия, 1973. — (Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров ; 1969—1978, т. 13))
3. Maroyi A. Crotalaria juncea L. // Fibres / M. Brink, E. G. Achigan-Dako (eds.). - Wageningen, 2012. Pp. 104-108.
4. Chiang Main EChO "Asia seed facts sheets"

5. Liener I. E., Sharon N., Goldstein I. J., (1986) The Lectins – Properties, Functions and Applications in Biology and Medicine.
6. White G.A. and Haun J.R.. Growing Crotalaria juncea, a multipurpose bean fiber, for paper pulp. Econ. Bot. 1965. 19: PP. 175-183.

УЎТ: 633.494;631.51.

ТОПИНАМБУР ШАРБАТИНИНГ ИСТЕЪМОЛБОПЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада топинамбур шарбатининг органолептик кўрсаткичларини яхшилаш, унга турли шарбатларини қўшишнинг энг мақбул нисбатларини топишга қаратилган тажрибаларнинг натижалари акс этган.

Калит сўзлар: Топинамбур, туганак, шарбат, нисбат, органолептик баҳо, таъм, ранг, ҳид, консистенция

Аннотация. В данной статье отражены результаты экспериментов, направленных на улучшение органолептических показателей сока топинамбура, поиск оптимальных пропорций для добавления в него различных соков.

Ключевые слова: Топинамбур, сок, пропорции, органолептическая оценка, вкус, цвет, запах, консистенция.

Abstract. This article reflects the results of experiments aimed at improving the organoleptic characteristics of Jerusalem artichoke juice, searching for optimal proportions for adding various juices to it.

Keywords: Jerusalem artichoke, tobacco, juice, proportions, organoleptic evaluation, taste, color, smell, consistency.

Кириш. Аҳолининг кундалик озиқа рационага фақатгина керакли энергияни берадиган маҳсулотларни эмас, балки, уларнинг соғлигини мустаҳкамлайдиган, иммун тизимини қўллаб қувватлайдиган маҳсулотлар ассортиментини кўпайтириш бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шунинг учун маҳсулотлар таркиби озиқавий тоалар, витаминлар, антиоксидантлар, тўйинмаган ёғ кислоталари, про - ва пребиотиклар каби функционал қўшимчалар билан бойитилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда [5].

1-жадвал.

Топинамбур шарбатини органолептик таҳлил қилиш учун кўрсаткичларни баҳолаш шкаласи

№	Топинамбур тилими сифат кўрсаткичи	Мухимлик коэффициенти	Балл	Балли баҳолаш тавсифи
1.	Ташқи кўриниши	3,0	5	Янги шарбатга хос, ёқимли
			4	Сезиларсиз ўзгариш мавжуд бўлган янги шарбатга хос, бир жинсли аралашган
			3	Сезиларли ўзгариш мавжуд бўлган янги шарбатга хос,
			2	Янги шарбатга хос эмас
2.	Ранги	3,0	5	Изчил ва бир текис, барра топинамбурга хос
			4	Кам микдорда ўзгарган
			3	Сезиларли даражада ўзгарган
			2	Барра топинамбурга хос эмас
3.	Таъми	6,0	5	Жуда ширин, қовуннинг ёқимли мазаси келади
			4	Ширин
			3	Ширинлиги кам
			2	Ширин эмас, ёқимсиз маза
4.	Хушбўйлиги	4,0	5	Ёқимли, ёркин, қовунга хос
			4	Ёқимли
			3	Кам сезилади
			2	билинмайди, ёқимсиз ҳидли
5.	Шарбатнинг консистенцияси	4,0	5	Бир текис аралашган
			4	Қуюқ ва бир текис аралашган
			3	Суюклашган
			2	Суёқ

Тадқиқот мақсади топинамбур туганакларини қайта ишлаб тайёрланган шарбатнинг истеъмолбоплик хусусиятларини мақбуллаштириш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тавсия тайёрлаш. Тадқиқот объекти сифатида топинамбурнинг 3 та “Файз-барака”, “Мўжиза” ва “Эътироф” навларининг товарбоп туганакларидан шарбат ишлаб чиқариш технологияси танлаб олинди [1,2,3,4]. Тадқиқот предмети эса топинамбурнинг хомашё сифатидаги хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни баҳолаш мезонлари, қайта ишлаб шарбат ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобланади [7].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Топинамбур шарбатининг таъм хусусиятларини яхшилаш бўйича ечим топиш тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири эди. Бу масала бўйича ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Бунда топинамбур шарбатини органолептик баҳолаш кўрсаткичлари бўйича қуйидаги баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилди (1-жадвал). Маълумки, топинамбур шарбати шифобахш хусусиятларни ўзида мужассам этиш билан бир қаторда, унинг органолептик хусусиятларининг ҳам ўзига хослиги бор. Аниқроқ қилиб айтилганда, у истеъмол қилиш учун жозибали эмас. Шу сабабли топинамбур шарбатини тўғридан-тўғри истеъмол қилиш истеъмолчилар ўртасида кенг оммалашмаган.

Мазкур камчиликни бартараф этишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

- топинамбур шарбатига шакар қиёми қўшиб мазасини яхшилаш;
- таъм берувчи қўшимчаларни қўллаш;
- нордонлиги юқорироқ шарбатлар билан аралаштириб, ишлаб чиқариш.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Юқорида қайд этилган дастлабки иккита усул саноатбоп ва қулай бўлганлиги билан топинамбурнинг ўзига хос бўлган шифобахшлик хусусиятига салбий таъсир кўрсатиши маълум бўлди. Бу йўналиш бўйича дастлабки иккита усулни ўрганилганда самара жуда яхши бўлмади. Шакар қўшилганда шарбат ширинлиги ортди, аммо унинг истеъмолбоплик хусусиятларга таъсири кам бўлди. Таъм берувчи қўшимчалар қўшилганда эса, топинамбур ўз табиийлик хусусиятларини бироз йўқотди.

Бунда топинамбур шарбатига нордонлиги юқори бўлган мевалар шарбатларини аралаштириб, мақбул нисбатни ишлаб

чиқишга асосий эътибор қаратилди. Бунда маҳсулот сифатига органолептик баҳо бериш орқали мақбул нисбатни белгилаш бўйича тажрибалар олиб борилди (2-жадвал). Баҳолаш ишлари тасдиқланган руйхат асосида шакллантирилган, 9 кишидан иборат бўлган экспертлар гуруҳи томонидан амалга оширилди. Бунда ҳар битта кўрсаткичлар 5 балли тизимда баҳоланди. Олинган натижаларнинг ўртача қиймати аниқланди.

2-жадвал.

Топинамбур шарбати таркибини бошқа шарбатлар ёрдамида меъёрлаш бўйича тажрибалар (2021-2023 йй.)

Аралаштирилган маҳсулот миқдори, %	Кўрсаткичлар					Умумий баҳо, балл
	Ташиқ кўриниши	Ранги	Консистенцияси	Таъми	Хушбўйлиги	
Муҳимлик коэффициенти						
3	3	4	6	4		
Топинамбур шарбати (Назорат)						
100	3,11	3,4	2,9	3,5	3,6	66,53
Олма шарбати (Ренет Симеренко нави)						
12	4,00	4,17	4,32	4,41	4,14	84,83
18	3,95	3,89	4,04	4,12	3,87	79,89
26	4,65	4,58	4,75	4,85	4,55	93,99
32	3,81	3,76	3,90	3,98	3,73	77,07
Лимон шарбати (Тошкент нави)						
5	4,02	4,41	4,03	4,01	4,12	81,95
8	4,65	4,58	4,81	4,85	4,55	94,23
15	4,23	4,17	4,38	4,41	4,14	85,75
20	3,85	3,79	3,98	4,02	3,77	78,03
Қизил лавлаги (Бордо F ¹)						
5	4,91	4,22	4,11	4,01	4,11	84,33
15	4,22	3,63	3,53	3,45	3,53	72,52
25	3,63	3,12	3,04	2,97	3,04	62,37
35	3,12	2,68	2,61	2,55	2,61	53,64
Сабзи						
10	4,39	4,32	4,47	4,47	4,23	87,80
15	4,72	4,65	4,81	4,81	4,55	94,41
20	4,30	4,23	4,38	4,38	4,14	85,91
25	3,91	3,85	3,98	3,98	3,77	78,18

Барча кўрсаткичлар бўйича ўртача баҳолар шакллантирилгандан кейин, 2-жадвалда кўрсатилган муҳимлик коэффициенти ёрдамида 100 баллик баҳога айлантирилди. Ушбу тажрибалар Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан таклиф этилган методикалар асосида олиб борилди [6]. Тадқиқот давомида топинамбур шарбатига нордон олма шарбати, лимон шарбати ва қизил лавлаги шарбатини аралаштириб, мақбул нисбатни ўрганиш бўйича тажрибалар олиб борилди.

Дастлаб, намуна сифатида 100 фоизлик топинамбур шарбатининг органолептик баҳоси аниқланди. Бунда умумий баҳо 66,53 баллни ташкил этди. Методикалардан маълумки, органолептик баҳо 70 баллдан паст бўлса, истеъмол учун тавсия этилмайди. Шу сабабли, таркиби жиҳатидан қанчалик фойдали бўлмасин, унинг истеъмоли жозибали бўлмади.

Мазкур йўналиш бўйича олиб борилган тажрибалар олманинг Ренет Симеренко нави мевалари шарбати билан аралаштириш бўйича тажрибалар олиб борилди. Бунда экспертларга олманинг 4 хил нисбатда аралаштирилган намуналар тақдим этилди. Топинамбур шарбатига 12% миқдорда олма шарбати қўшилганда олма шарбатининг барча органолептик хусусиятлари ижобий тарафга ўзгарди (1-расм).



1-расм. Топинамбур шарбатига олма шарбатини қўшилганда органолептик хусусиятларининг ўзгариши

Жумладан, ташқи кўриниши 3,11 дан 4,0 га, ранги 3,4 дан 4,17 га, консистенцияси 2,9 дан 4,32 га, таъми 3,5 дан 4,41 га, хушбўйлиги 3,6 дан 4,14 га, умумий баҳоси эса 66,53 баллдан 84,83 баллга яхшиланди. Бир сўз билан айтганда бу ўзининг ижобий самарасини берди. Бундан ҳам яхши натижа олиш имкониятини баҳолаш учун бир неча хил нисбат синаб кўрилди. Жумладан, 18% ли нисбатни синаб кўрилганда органолептик хусусият намунага нисбатан яхшиланди, бироқ 12% ли нисбатга қараганда бироз паст бўлди ва 79,89 баллга баҳоланди. Энг яхши натижа 26% олма шарбатини аралаштирилганда намаён бўлди ва умумий баҳо 93,99 баллни ташкил этди. Олма шарбатининг концентрацияси 32% га етказилганда эса умумий баҳо яна пасайди ва 77,07 баллни ташкил қилди. Бундан ташқари, топинамбурга хос бўлган белгилар шарбатда камайиб кетди. Шу сабабли олма шарбатининг 26% миқдорда аралаштирилиши энг мақбул натижа сифатида белгиланди.

Топинамбур шарбатини лимон шарбати билан уйғунлаштириш бўйича олиб борилган тажрибаларда ҳам 4 хил миқдорда – 5%, 8%, 15% ва 20% миқдорда аралаштирилиб, тадқиқотлар амалга оширилди. Олиб борилган барча композицияларда шарбатнинг органолептик хусусиятлари намунага нисбатан яхшиланиши кузатилди. Бунда лимоннинг Тошкент навидан фойдаланилди. Топинамбур шарбатига 5% ли лимон шарбати қўшилганда унинг таъм хусусияти ижобий томонга ўзгарди ва умумий баҳоси 81,95 баллга баҳоланди (2-расм).



2-расм. Топинамбур шарбатига лимон шарбатини қўшилганда органолептик хусусиятларининг ўзгариши.

Лимон шарбатининг 8 фоизли концентрацияси бошқа композицияларга нисбатан энг яхши натижа берди ва умумий 94,23 баллга баҳоланди. шунингдек, мазкур намунада барча кўрсаткичлар бошқа нисбатларга қараганда энг юқори баҳоларни қайд этган. Лимон шарбати нордонлиги юқори

бўлганлиги сабабли, бундан кўп миқдордаги концентрациялар паст баҳоланди. Жумладан, 15 фоизли аралашмада умумий баҳо 85,75 баллга, 20 фоизли лимон шарбати аралаштирилганда эса 78,03 баллга баҳоланган. Бунда асосан шарбатнинг нордонлиги кескин ошиб кетди ва топинамбурнинг ўзига хос хусусиятлари сезилмай қолди.

Топинамбурнинг органолептик хусусиятларини яхшилаш бўйича тажрибаларда қизил лавлагининг Бордо F1 дурагайи илдимеваларидан шарбат тайёрланиб, аралаштириш ишлари олиб борилди. Бунда, қанд лавлаги шарбатининг 5, 15, 25, 35% ли аралашмалари органолептик баҳоланди. Ушбу тажрибалар натижаларига кўра топинамбур шарбати таркибини яхшилаш учун 5% ли лавлаги шарбати қўшилиши мақбул эканлиги маълум бўлди. Тажрибалар давомида қизил лавлагининг 15% миқдорда аралаштирилиши натижасида ҳосил бўлган шарбатнинг органолептик хусусиятлари етарли даражада яхшиланмади. Бунда ташқи кўриниши ўртача 4,22, ранги 3,63, консистенцияси 3,53, таъми 3,45, хушбўйлиги 3,53 баллга, умумий баҳоси эса 72,52 баллга баҳоланди (3-расм).




3-расм. Топинамбур шарбатига қизил лавлаги шарбатини қўшилганда органолептик хусусиятларининг ўзгариши

Қизил лавлаги шарбатининг 25 ва 35 фоиз миқдорда аралаштирилиб ҳосил қилинган шарбатларнинг умумий органолептик баҳоси мос равишда 62,37 ва 53,64 балларга баҳоланди. Бу эса истеъмол учун тавсия этилмаслигини аниқлатади.

Шунингдек, лавлаги шарбати мазасини яхшилаш мақсадида унга сабзи шарбатини турли миқдорда қўшиб тажрибалар олиб бордик. Сабзи шарбатидан 10 фоиз миқдорда қўшилганда ҳосил бўлган шарбатнинг барча кўрсаткичлар бўйича ор-

ганолептик баҳоси сезиларли даражада яхшиланди (4-расм).



4-расм. Топинамбур шарбатига сабзи шарбатини қўшилганда органолептик хусусиятларининг ўзгариши

Жумладан, ташқи кўриниши бўйича баҳоланганда, 3,11 баллдан 4,39 баллга, ранги 3,4 баллдан 4,32 баллга, консистенцияси 2,9 баллдан 4,47 баллга, таъми 3,5 баллдан 4,47 баллга, хушбўйлиги 3,6 баллдан 4,23 баллга, умумий баҳоси эса 66,53 баллдан 87,8 баллга яхшиланди. Сабзи шарбатини 15% миқдорда аралаштирилганда, органолептик баҳо энг юқори бўлди ва 94,41 баллга баҳоланди. Қайд этиб ўтиш керакки, тажрибалар олиб борилган барча композициялар ичида энг юқори кўрсаткич айнан шу намунада намоён бўлди.

Шабзи шарбати 20 ва 25 фоиз миқдорда аралаштирилганда ҳам органолептик баҳоси намунага нисбатан яхшиланди бироқ 15% ли нисбатга қараганда бироз паст бўлди ҳамда мос равишда 85,91 ва 78,18 баллга баҳоланди. Бу баҳолар юқори бўлиши мумкин эди, аммо экспертларнинг эътирофига кўра шарбатни яхши баҳолаш мумкин, аммо кўпроқ сабзининг хусусиятлари доминантлик қилиб, топинамбурнинг борлиги сезилмай қолган.

Хулоса. Топинамбур шарбатининг органолептик хусусиятини яхшилашда турли маҳсулотлар бўйича энг мақбул нисбат куйидагича бўлди: Топинамбур ва олма шарбати 74/26% нисбатда, топинамбур ва лимон шарбати 92/8% нисбатда, топинамбур ва сабзи шарбати 85/15% нисбатда қўшилиши энг мақбул бўлади. Қизил лавлаги шарбатини қўшиб кутилган натижани бермади. Фақатгина шарбатнинг рангини мақбуллаштириш учун қўшиб тавсия этилади.

Феруза АБДУҒАНИЕВА, докторант (PhD), Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Салихов С.А., Рахимов Д.А. Использование клубней топинамбура сорта «Файз барака» для получения сока. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журналы. – Т.: ТДИУ, 2013, №7-сон.
2. Elmurodov A., Abdusukhurov J. - Scientific basis of Jerusalem artichoke cultivation technology under the Zarafshonvalley conditions // International journal of applied and pure science and agriculture. IJAPSA. ISSN 2394-5532 Jurnal volume 2, Issue 11, November 2016.-P.118-224. Impact factor 3.762.by SJIF.
3. Элмуродов А.А. Топинамбур—ценная культура для биобезопасности продуктов питания // “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналынинг “Агро-ИЛМ” иловаси, Тошкент, 2016.- № 3 (41). -Б. 48-49.
4. TSH 40-02072446-01/2009. Клубни топинамбура сорта «Файз-барака».
5. Джулия Эндерс. Очаровательный кишечник. Как самый могущественный орган управляет нами. – Москва, 2017. – 336 с.
6. Широков Е. П., Полегаев В. И. Хранение и переработка плодов и овощей.- 3-е изд., перераб. и доп.-М.: Агропромиздат, 1989.- 302 с.
7. Ф. Абдуғаниева, С. Санаев, Э. Бердимуратов. Топинамбур туганакларидан шарбат тайёрлашнинг технологик хусусиятлари // “O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi” jurnalining “Agro ILM” ilovasi, Toshkent, 2023.- Maxsus son (4) [97]. -Б. 38-40.

ШОЛИ БИОТОПИ ХУСУСИЯТЛАРИГА БОҒЛИҚ ЗАРАРКУНАНДАЛАР КЕЛТИРАДИГАН ЗАРАРИ

Аннотация. Мақолага Қорақалпоғистон агробиоценози шולי далаларида фойда бўлиб зарар келтирадиган асосий зараркунанда турларини, келтирадиган зарар мезонини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари киритилди.

Калит сўзлар: шולי, агробиоценоз, нав, уруғ, зараркунанда, бегона ўтлар, ўсимлик, илдиш.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по изучению основных видов вредителей и их уровень вредоносности на полях риса агробиоценозе Каракалпакстана.

Ключевые слова: рис, агробиоценоз, сорт, семена, вредитель, сорняк, растения, корень.

Annotation. This article provides the results of a research on the study of the main types of pests and their level of harmfulness in the rice fields of the Agrobiocenosis of Karakalpakstan.

Key words: rice, agrobiocenosis, class, seeds, pests, weed, plants, root.

Кириш: Шולי (*Oryza sativa* L.) ўсимлиги биоэкологиясидаги асосий хусусиятлардан бири, тайёр бўлган далага уруғи махсус агрегатлар билан сепилиб, сўнг сув қуйилиши талаб этиладиган бўлса, асосий майдонларда олдин сув тўлдирилиб, кейин уруғи қўл кучи билан сочиб чиқилади. Сўнгги йиллари махсус жойларда олдин тайёрланган кўчатлар, сув тўлдирилган далага қўлда экиб чиқилиб, кейинги ривожланиш фазаларига боғлиқ сувнинг сатҳи тўғрилаб борилади. Қорақалпоғистон агробиоценози шароити ва тупроқ таркиби, дала шароитига боғлиқ тўлдирилган сувнинг таъминлаш даражасига мос ўсиб-ривожланадиган тезпишар (вегетация даври 110-120 кун) ва ултра тезпишар «Нукус-2», «Гулистон», «Нукус-70» ва «Санам» шולי навларидан етарли ҳосил олиш учун агротехник тадбирлар қўлланилади (Шамшетов ва бошқ., 2003; Абыллаев ва бошқ., 2022.).

Мазкур агроиклим шариоти шимолий туманларида шолнинг эрта пишар навларини май ойининг учинчи ўн кунлигидан июн ойининг биринчи ўн кунлигида экилганда максимал даражада ҳосил бериши ҳисобга олиниб, ушбу далаларда ўсимлиkning ўсиб-ривожланишига салбий таъсир этадиган зараркунанда турлари ёппасига тарқалиб зарар келтириши ҳисобга олиниб, ушбу турларга қарши кураш тадбирларини олиб бориш бугунги кундаги долзарб муаммо эканлиги билан аҳамиятли.

Қўлланилган усуллар ва методологияси: Худуд шароитида экилаётган шולי навларини зараркунандалардан ҳимоя қилиш учун биотопдаги учрайдиган турлари, ривожланиш биоэкологияси (Адашкеевич, Хўжаев, 2004), келтирадиган зарар мезони (Танский, 1988), илмий тадқиқотларни олиб бориш ва натижаларнинг статистик таҳлил қилиш (Доспехов, 1986) услублари асосида бажарилди.

Натижаларнинг муҳокамаси: Қорақалпоғистон шароити шимолий туманлари шולי далаларида экилаётган тез пишар навлари ўсиб-ривожланишига, биотопда тарқалган шולי зараркунандалари турлари, тарқалган ареаллари, ривожланиш биоэкологияси, динамикаси ва келтирадиган зарар мезонини аниқлаш бўйича бир неча йиллардан буён тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар олинган натижалар таҳлили, сўнгги йиллари шולי далаларида кўчатлар ўсиб чиқиши билан вегетация даврнинг турли фазаларида зараркунандалардан қалқондор чаён (*Apus concoloriformis* Schaff.), лептестерия чаёни (*Leptesthetia* sp.) шולי сув пишаси (*Hydronomus sinuaticollis* Faust.), соҳил бўйи пашаси (*Ephaydra macellaria* Egg.), арпа минери (*Hydrellia griseola* Fall.) шולי чигирткаси (*Oxya*

fusovittata) турлари далаларда пайдо бўлиб, олиб борилаётган қарши кураш тадбирларига қарамасдан, келтираётган зарарлилик даражалари ортиб бораётганлиги аниқланди. Худуд шароитида шолнинг асосий зараркунандаларига қарши олиб борилаётган кураш тадбирларидан кимёвий препаратларни қўллаш амалга оширилишига қарамасдан, айрим далаларда ҳосилнинг асосий қисми нобуд бўладиган жараёнлар кўплаб кузатилади.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун худуд шולי далаларида тарқалган асосий зараркунандалари турлари ривожланиш динамикаси ва келтирадиган зарарлилик даражасини аниқлаш бўйича кузатувлар олиб борилмоқда. Натижада, шולי биотопида кўпгина зараркунандалар тарқалиб, кўчатлар ўсиб чиқиши, майсалаш, туплаш, бошоқлаш ва айрим турлари пишшиш фазаларигача ўсимлик аъзолари билан озикланиши туфайли зарар келтириши аниқланди (1-жадвал).

Мазкур шароитда шולי ўсимлигининг асосий зараркунандаси ҳисобланган қалқондор чаён ва лептестерия катта чаёни қуртлари, далаларида кўчатлари ўсиб чиқиши билан, май ойининг бошидан июн ойи охиригача шולי илдишлари ва пояларига зарар келтириши аниқланди. Зараркунанданинг етук зоти озикланиш учун тупроқ юзасида ҳаракат қилиб, шולי илдишларини узиб юбориши билан етказадиган зарари каттароқ ҳисобланишини тақозо этилади.

Зараркунанда турлари тарқалган даладаги қуртлари ва етук зотлари сонига боғлиқ, кўчатларнинг 5,6-12,9 %, сони кўпайиб кетган далаларда эса 32,7-56,9% кўчатларга зарар келтирилиб, шикастланган ўсимлик ниҳоллари сув юзига чиқиб, гектаридан олинадиган кўчат сони камайиб кетиши аниқланди. Кузатувлар олиб борилган далаларда, зараркунандага қарши муддатида кураш олиб борилмаган далаларнинг 76,8-83,5% қайта экиш ишлари олиб борилганлиги қайд этилди.

Шולי далаларидаги бегона ўтлар илдишларидан тозаланмаган ва шולי майдони сув қатламининг текис сақлаб турилмаган далаларда зараркунандалар ёппасига ривожланиб, уларнинг келтирадиган зарарининг кўпайишига олиб келиши кузатилди. Даладаги сув қатламининг текис эмаслиги, чуқур ерларида сақланиб қолган зараркунандаларга кимёвий препаратларнинг таъсири камлиги боис, зараркунандалар ривожланишини давом этиши натижасида шולי ниҳолларининг зарарланиш давомийлиги кузатилди. Аниқланган мавжуд муаммони бартараф этиш учун кураш тадбирини кимёвий усулда олиб боришдан олдин, даладаги сув меъёрини камайтириш ишларини тўғри сақлаш тавсия этилди.

**Шоли далаларидаги зараркундалар турлари ва зарар келтириш даражаси
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани, 2020-2023 йй.**

Зараркундалар номлари		Зарар келтирадиган муддатлари											
Ўзбекча	Латинча	Май			Июн			Июл			Август		
		I	II	III	I	II	III	I	II	III	I	II	III
Қалқондор чаён	<i>(Apus cancriformis Schaff.)</i>	+	++	+++	+++	+++	++	-	-	-	-	-	-
Лептестерия чаёни	<i>(Leptestheria danalacensis)</i>	+	++	+++	+++	+++	++	-	-	-	-	-	-
Шоли пашшаси	<i>(Cricotopus silvestris)</i>	++	+++	+++	++	+	-	-	-	-	-	-	-
Қирғоқ чивини	<i>(Ephydra macellaria Egg.)</i>	+++	+++	++	+	+	-	-	-	-	-	-	-
Арпа минёри	<i>(Hiderllia griseola)</i>	-	-	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Шоли узунбуруни	<i>(Hydronomus sinuaticollis Faust.)</i>	-	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
Шоли чигирткаси	<i>(Oxya fusovittata)</i>	-	-	-	+	+	++	++	++	++	+	+	-

Изоҳ: +++-зарар келтириш даражаси юқори, ++-зарар келтириш даражаси ўрта, +-зарар келтириш даражаси кам, - -зарар келтириш даражаси аниқланмади.

Бундан ташқари, шоли далаларида шоли пашшаси қуртларининг келтирадиган зарарлилик даражаси май ойи бошидан охиригача катта эканлиги ҳисобга олиниб, асосий турлар қаторига киритилди. Зараркундалар июл ойи иккинчи ўн кунлигидан бошлаб вегетация даври охиригача далада учрамаган бўлса-да, тарқалган далалардаги келтирадиган зарарлилик даражаси катта ҳисобланади. Зараркундалар қуртлари барглларнинг орқа томонларидан кемириб, зарар келтириб, сони кўпайганда ўсимликни тўла нобуд этишгача зарар келтириб, гектаридан олинadиган кўчатлар сони камайиши билан зарар мезони кўринади.

Қирғоқ пашша қуртлари шоли уруғи тупроққа тушиши билан озиқланишни бошлаб, янгидан пайдо бўлган илдизларни тўла нобуд этиб, ўсимликнинг ниҳоллари шаклланиш фазасида катта зарар келтириши ҳисобга олинди. Сони кўпайган далаларда зараркундалар қуртлари ниҳолларнинг 22,5-35,7% зарар келтириб, гектардаги туп сонини камайтирадиган даражада зарар келтирди.

Арпа минери қуртлари озиқланишида баргллардаги паренхима қисмида бўлганлиқдан фотосинтез жараёнлари пасайиб, қуртлар сони кўпайган ўсимликлар тўла қуриб қоладиган даражада зарар келтирилади. Кузатувлар олиб борилган далаларда зараркундалар авлодлари 19-23 кун давомида ривожланиб, даланинг 1 м² сони 150-200 донагача кўпайган жойлардаги ҳосилнинг 30-40% камайганлиги аниқланди.

Шоли узунбуруни етук зоти ҳисобланган қўғизлари далада шоли ниҳоллари ўсиб чиқишидан бошлаб, тўла пишиш фазаси бўлгунча илдиз ва поя пўстларини кемириб озиқланиши аниқланди. Зараркундалар озиқланган жойларга сув тегиши билан ўсимликнинг физиологик жараёнлари тўхтаб, тўла қуриб қолиши билан ҳосилнинг камайишига асос бўлади. Шоли далаларида зараркундалар келтирган зарарлилик даражаси 21,3-38,7% гача етганлиги ҳисобга олинди.

Шоли чигирткаси ёппасига шоли далаларига миграция қилиб, июн ойи бошидан июл ойи охиригача, шоли барглари, дон пўсти, пояларини кемириб озиқланиши туфайли зарар келтиради. Зараркундалар шоли бошоқлаш фазасида зарар келтирса дон ҳосил бўлмасдан, бошоқларнинг оқлаб кетиш жараёнлари пайдо бўлади.

Хулоса: Қорақалпоғистон агробιοценози шимолий ҳудуди туманларида экилаётган шоли навлари биотопи ўзига хос хусусиятларига боғлиқ кўпгина зараркундалар турлари тарқалиб зарар келтирадиган биоценоз эканлиги аниқланди. Асосий турлари ниҳол олиш ва дастлабки ўсиб-ривожланиш фазаларида кузатиладиган бўлса, бошқалари вегетация даври охиригача зарар келтириши ҳисобга олинди. Зараркундалар турларининг кўпайишидаги асосий омиллардан бири, такрорий экин сифатида кеч экилган шоли далаларида зараркундаларнинг ривожланиши ва кўпайишининг олдини олишда далани ўтмишдош ва бегона ўтларнинг илдизларидан тозаланмасдан экишнинг давом эттирилиши.

Шоли далаларида тарқалиб зарар келтирадиган турлари ривожининг олдини олиш учун вегетация давридаги сув қатламнинг бир меъёрда бўлиши, шоли уруғларини тез ўсиб чиқиши, ниҳолларини бир текис бўлишини таъминлайдиган агротехник тадбирларни қўллаш талаб этилади. Шолини алмашлаб экиш тизимига киритиш, бир далага икки йилдан ортиқ шоли экмаслик, зараркундалар турларининг далаларда ривожланиши тўғри аниқланиб, тавсия этилган кимёвий препаратларни мақбул шароитларда қўллаш, тадбирнинг биологик, ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлигининг асоси эканлиги илмий исботланди.

Елмурат ТОРЕНИЯЗОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Ахмет РЕЙМОВ, мустақил тадқиқотчи,
Қорақалпоғистон қишлоқ ҳўжалиги
ва агротехнологиялар институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Абыллаев Ў., Утамбетов Д. «Қорақалпоғистон ҳудудида шоли етиштириш бўйича тавсиянома» - Нукус: «Билим», 2022. -40 б.
2. Адашкевич Б.П. «Биологическая защита крестоцветных овощных культур от вредных насекомых». –Ташкент: «ФАН», 1983. –С. 180-188.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - М.: Колос, 1986.-351.
4. Танский В.И. Биологическая основа вредоносности насекомых. –М.: «Агропромиздат», 1988. –С. 182-198.
5. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (11-нашр). –Тошкент, 2004. -103 б.
6. Шамшетов С.Н., Мамбетназаров Б.С. ҳ.т.б. Қарақалпақстан Республикасында дийханшылықты раўажландырыўдың илимий тийкарланған системасы. –Нөкис: «Билим», 2003. -228 б.

HERMETIA ILLUCENS LICHINKALARINI DONLI EGINLAR KEPAKLARIDA OZIQLANTIRISH SAMARADORLIGI

Annotatsiya. Maqolada *Hermetia illucens* (Diptera: Stratiomyidae) qora askar pashshalari lichinkalarini bug'doy va sholi kepaklarida 7 kunligidan to g'umbakoldi davrigacha yetishtirishning eksperimental tadqiqoti keltirilgan. Tadqiqotlarda lichinkalarni oziqlantirish ratsioni har to'rt kunda quyidagi miqdorlarda: 45, 90 va 120 mg/lichinka/kun tayyorlandi. Har bir eksperiment guruhi uchun (100 lichinka, $n=3$) o'sish indeksi, nobud bo'lishi, va oziqlantirish samaradorligi hisoblab chiqildi. Umumiy tadqiqot natijalarida bug'doy va sholi kepaklarining ko'p miqdori *H.illucens* lichinkalarini tez o'sishiga hamda yuqori biomassasiga hissa qo'shishini ko'rsatdi. Shu bilan birga, bug'doy kepagining 90 mg/lichinka/kun ratsioni optimal bo'lib, biomassa olishi uchun lichinkalarni ozuqaga bo'lgan talabini ham qopladi va substratning yuqori darajada degradatsiyasini ta'minladi. Tajribalarda kepak bilan oziqlantirilib, olingan oqsil miqdori (36-43%) ozuqa ishlab chiqarish sanoatida quritilgan g'umbakoldilardan foydalanish mumkinligini tasdiqlaydi.

Kalit so'zlar: sholi va bug'doy kepagi, oziqlantirish ratsioni, ozuqa biokonversiyasi, ozuqa substratining destruksiyasi, akvakultura.

Аннотация. В статье представлены результаты экспериментального исследования по выращиванию на пшеничных и рисовых отрубях с 7 дневных личинок черной львинки *Hermetia illucens* (Diptera: Stratiomyidae) до стадии предкуколки. Рационы кормления личинок в экспериментах готовили каждые четыре дня в следующих количествах: 45, 90 и 120 мг/личинку/сутки. Для каждой экспериментальной группы (100 личинок, $n=3$) рассчитывали индексы роста, смертности и эффективности кормления. В общем, результаты исследования показали тенденцию к тому, что большее количество пшеничных и рисовых отрубей способствует более высокой биомассе и быстрому росту личинок *H. illucens*. Однако, рацион 90 мг/лич/д пшеничных отрубей был оптимальным и удовлетворял как потребности личинки в питательных веществах для набора биомассы, так и обеспечивала высокую степень деградации субстрата. Полученное содержание протеина (36-43%) в экспериментах с отрубями подтверждает возможность применения сухой предкуколичной муки в комбикормовой промышленности.

Ключевые слова: рисовые и пшеничные отруби, рацион кормления, биоконверсия корма, деградации кормового субстрата, аквакультура.

Abstract. The article presents the results of an experimental study on rearing on wheat and rice bran from 7-day-old black soldier fly larvae *Hermetia illucens* (Diptera: Stratiomyidae) to the prepupal stage. Feeding diets for larvae in the experiments were prepared every four days in the following quantities: 45, 90 and 120 mg/larva/day. For each experimental group (100 larvae, $n=3$), indices of growth, mortality and feeding efficiency were calculated. Overall, the results of the study showed a trend that higher amounts of wheat and rice bran contributed to higher biomass and faster growth of *H. illucens* larvae. However, a diet of 90 mg/person/day of wheat bran was optimal and satisfied both the larvae's nutrient needs for biomass gain and ensured a high degree of substrate degradation. The resulting protein content (36-43%) in experiments with bran confirms the possibility of using dry prepupal meal in the feed industry.

Key words: rice and wheat bran, feeding ration, bioconversion of feed, destruction of feed substrate, aquaculture.

Kirish. FAO ma'lumotlariga ko'ra [4] hozirgi vaqtda O'rta Osiyo mintaqasida hayvonlar oqsilining umumiy hajmi 31% ga yaqini baliq oqsiliga to'g'ri keladi. Baliq uni va baliq yog'i ko'plab mamlakatlarda past va o'rtacha darajali daromad bilan ozuqa tayyorlash uchun asosiy ozuqa manbalaridan biri hisoblanadi. Akvakulturaning jadal kengayishi nafaqat yovvoyi baliq zaxiralardan olinadigan baliq uniga bo'lgan talabni oshiradi hamda baliqlarning tabiiy populyatsiyasiga bosim o'tkazmoqda, bu esa ozuqa manbai narxining oshishiga olib keladi. Baliqni baliqqa boqish iqtisodiy jihatdan samarasiz va bu atrof-muhitga zararlidir. Shunday qilib, 1 kg baliq yetishtirish uchun 6 kg dan ortiq yovvoyi baliq kerak bo'ladi va bu ayniqsa yirtqich baliqlar kulturasiga to'g'ri keladi [15]. Shu nuqtai nazardan, ideal holda hayvon oqsil manbalarini baliq uniga bog'liq bo'lgan mahsulotlari hozirda fermerlar uchun muqobil bo'lishi mumkin. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, hasharotlar o'zida baliq uni, baliq yog'i va oqsilli aralashmalarining to'liq o'rnini bosadi[8]. Ikki qanotli hasharotlar oqsil profili baliq uni profiliga o'xshash bo'lib, tarkibida ko'p miqdorda almashinmaydigan aminokislotalarni saqlaydi [14]. Qizig'i shundaki, hasharotlarning yog' kislotalari tarkibi ozuqa substratining tarkibini modulyatsiya qilish orqali o'zgartirilishi va

shu tariqa baliq turlarining ozuqasiga mos ravishda moslashtirilishi mumkin [9].

Qora askar pashshasi – ikki qanotli hasharot *Hermetia illucens* (Diptera: Stratiomyidae) bo'lib, Janubi-Sharqiy Osiyo, Indoneziya, Niderlandiya, Xitoy va AQShda ko'p miqdorda yetishtiriladi. Axlal chiqindilarini parchalash uchun qora askar pashshasidan foydalanish bo'yicha misollar mavjud [13]. Qora askar pashshalari (QAP) lichinkalari katta miqdordagi organik chiqindilarni oqsilga boy biomassaga aylantirish imkoniyatiga ega. Ushbu ikki qanotli hasharotni yetishtirishda boshqa hasharotlarga nisbatan bir qator afzalliklarga mavjud bo'lib: har qanday o'simlik mahsulotlari qoldiqlarini, shu jumladan parranda va cho'chqa (go'nglari) chiqindilarini qayta ishlaydi va lichinkalar tarkibida ko'p miqdorda oqsil va aminokislotalar, jumladan, metionin va laurinni saqlaydi. Bundan tashqari, QAP yetishtirishda yakuniy mahsuloti sifatida zoogumus tabiiy organik o'g'it sifatida keng qo'llaniladi [17].

Shunday qilib, *H. Illucens ni* intensiv ravishda o'sayotgan yosh qushlar va baliqlarning ozuqaviy ehtiyojlarini qondiradigan muqobil an'anaviy yuqori oqsilli ozuqa sifatida qaralishi mumkin [1]. Baliq unini tirik yoki quritilgan *H. illucens* lichinkalari bilan almashtirish azotdan yaxshiroq foydalanish va o'zlashtirishga

yordam beradi va buning natijasida uy hayvonlarida tana vaznining oshishiga yordam beradi [2].

Dunyoda *H.illucens* lichinkasi biomassasini yetishtirish uchun eng ko'p afzal ko'rilgan substratlar don va don-mevasabzavotlar aralashmalari hisoblanadi. Bizdagi ma'lumotlarga ko'ra, O'zbekistonda *H. illucens* lichinkalari uchun eng qulay va arzon ozuqa substrati bug'doy kepagi bo'lib, ozuqaviyligi va oson ozuqa sifatida tayyorlanadi [3]. Tajribada bug'doy kepagiga muqobil ravishda sholi kepagidan ham foydalanildi.

Tadqiqot metodi. *H.illucens* pashshalari 12 soat yorug'lik va 12 soat qorong'ulik davrida yetishtirildi. Tuxumdan chiqqandan so'ng lichinkalar kichik muhitda (45 mg/lichinka/kun, bundan keyin matnda mg/l/k) 7 kungacha tajriba boshlangandan keyin esa turli ratsionli ozuqalarda saqlandi.

Har bir tajribada (n=3, uchta qaytariqda) 100 dona 7 – kunlik lichinkalardan foydalanildi. Tajriba boshlanishida ularni plastik idishlarga solindi va qora mato bilan usti yopib qo'yildi va 1sutkada 1 dona lichinka uchun hisoblangan: 45, 90, 120 mg bo'lgan bug'doy/sholi kepaklari bilan oziqlantirildi. Ratsion bo'yicha hisoblangan bug'doy/sholi kepagining sutkalik normasi lichinkalarga har to'rt kunda berildi.

Lichinkalarni kepaklar bilan oziqlantirish idishlardagi lichinkalarning 50% g'umbakoldi (lichinkalar oxirgi yoshidagi qora rangi bo'yicha aniqlandi) davriga o'tgungacha davom ettirildi. Tajriba davomida qolgan ozuqa hisoblashda foydalanildi va o'lchab olingan ozuqa qoldiqlar quritish shkaftida 60°C da 6 soat davomida quritildi. Tajriba oxirida lichinkalar (xo'l biomassasi) o'lchandi va quritish shkaftida 60°C da 18 soat davomida quruq biomassasini aniqlash uchun quritildi. Lichinkalar va bug'doy/sholi kepaklarining biokimyoviy tarkibi analizator (SupNIR 2700) yordamida analiz qilindi.

Ma'lumotlarni analiz qilish. Lichinkalar o'sishi biomassasining ortishi va o'sish tezligi (GR) bo'yicha quyidagi tenglama orqali ifodalandi:

$$GR(\%) = \frac{\text{oxirgi massasi} - \text{boshlang'ich massasi}}{\text{vaqt}} \times 100\% \quad (1),$$

Bu yerda "vaqt" kunlar miqdori bo'lib, kerakli 50% lichinkalarning g'umbakoldi davriga yetishi ko'rsatilgan. GR esa lichinkalarning eng tez o'sishini bildiradi.

Yashovchanlik koeffitsiyenti (SR) quyidagi keltilgan tenglama bilan aniqlandi.

$$SR(\%) = \frac{\text{tirik qolgan lichinkalar miqdori}}{\text{lichinkalarning dastlabki miqdori}} \times 100\% \quad (2)$$

Lichinkalar ozuqani o'zlarining biomassasiga aylantirish qobiliyati (ECD) quyida keltirilgan tenglamalar yordamida aniqlandi. [16]:

$$ECD(\%) = \frac{ECI}{AD} \times 100\% \quad (3)$$

$$ECI(\%) = \frac{B}{(T-R)} \times 100\% \quad (4)$$

$$AD(\%) = \frac{(T-R)}{R} \times 100\% \quad (5),$$

Bu yerda:

ECI = qayta ishlangan ozuqa substratining samaradorligi

AD = taxminiy o'zlashtirish

B = oxirgi biomassa (quruq), mg

T = umumiy berilgan ozuqa miqdori, mg

R = quruq ozuqa qoldiqlari, mg.

Ozuqa substratining miqdori kamayishi uchun vaqtni hisoblashda esa (WRI) substrat parchalanish indeksidan foydalanildi [7]:

$$WRI = \frac{(T-R)/T}{t} \times 100\% \quad (6),$$

Bu yerda $D = (T-R)/T$, t – kunlar miqdori bo'lib, ushbu vaqt davomida lichinkalar substrat bilan oziqlangan.

Statistik analiz qilish. Har bir tajriba (n=3) ANOVA programmasi yordamida statistik analiz qilindi. Har bir tajriba guruhlar o'rtasidagi farqni aniqlash uchun (bug'doy kepagi ratsioni uchun va sholi kepagi ratsioni uchun alohida) rivojlanish vaqtidagi kunlar, GR, SR, ECD va WRI (p<0,05) statistik analizi keltirildi. Barcha analizlar Statistica kompyuter programmasida yordamida bajarildi.

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi. Bug'doy/sholi kepaklarining ozuqaviy qiymati va lichinkalarning o'sishi.

Ozuqa substratida zarur ozuqa moddalarining miqdori analizi *H.illucens* lichinkalar yashovchanligiga va o'sishiga ta'sir qiladi [7]. Oqsillar va uglevodlarni lichinkalar (biomassa ishlab chiqarishi) o'sishi uchun talab qiladi, lekin keragidan ortiq uglevodlar miqdori ozuqada bo'lishi lichinkalarga ularni qayta ishlash samaradorligini pasaytiradi. Uglevodlar miqdorining ko'pligi *H.illucens* lichinkalarida oqsilga aylanmasdan lichinkalar keyingi davri (g'umbakoldi davridan voyaga yetish davri) uchun ozuqa zaxirasi sifatida foydalaniladigan lipidlarga aylantiriladi [5].

Tajribalarda foydalanilgan bug'doy va sholi kepaklarining ozuqaviy qiymati 1-jadvalda ko'rsatilgan.

1-jadval.

Bug'doy va sholi kepaklarining ozuqaviy qiymati

Tarkibi	Bug'doy kepagi	Sholi kepagi
Namlik miqdori	6,22	4,62
Oqsil	14,83	12,35
Yog'	6,75	15,85
Kul	4,15	9,67
Fosfor	0,92	1,72
Kalsiy	1,35	1,90

- analizlar kepaklarning quruq massasi asosida o'tkazildi.

Keltirilgan analizlardan ko'rinib turibdiki bug'doy va sholi kepaklarida oqsil miqdori 12-15% deyarli bir xil, lekin tarkibidagi yog' miqdori turlicha miqdorda (sholi kepagida 2.5 marta ko'p).

Ozuqada ozuqa moddalari balansi va ozuqa komponentlari miqdori xususan xom oqsil va yog'lar lichinkalar o'sish tezligiga ta'sir qiladi. Oqsillar lichinkalar o'sishi uchun asosiy modda sifatida zarurdir. Lipidlar esa *H.illucens* voyaga yetgan hayoti uchun ozuqa zaxirasi va rivojlanishi uchun zarur. Balanslashgan ozuqa lichinkalarni oziqlantirishda ozuqa moddalariga o'zing talabini qondirishi qisqa vaqt ichida keyingi g'umbakoldi davriga kirish uchun yo'l beradi. Ozuqaning ko'proq yuqori bo'lishi lichinkalar o'sishiga ta'sir qiladi [12].

Bug'doy va sholi kepaklarida yetishtirilgan lichinkalar o'sish tezligi va ularning yashovchanlik ma'lumotlari 2-jadvalda keltirilgan.

2-jadval.


Rivojlanish davri (tuxumdan to g'umbakoldigacha) lichinkalar o'sish tezligi (GR) va yashovchanlik koeffitsiyenti.

Ozuqa ratsioni (mg/lichinka/kun)	Rivojlanish davri, kunlar	O'sish tezligi GR (mg/kun)	Yashovchanlik koeffitsiyenti SR (%)
45 _{bug'doy}	19,7±1,30a	0,3±0,07a	98,68±1,53a
90 _{bug'doy}	16,9±1,20ab	0,47±0,11ab	98,67±2,31a
120 _{bug'doy}	15,7±1,50b	0,6±0,06b	97,72±1,55a
45 _{sholi}	56,0±3,20a	0,09±0,01a	86,00±1,00a
90 _{sholi}	42,0±2,50 b	0,12±0,01a	90,00±1,00b
120 _{sholi}	28,0±1,20c	0,37±0,07b	99,00±1,70c

• O'rtacha qiymatlardan keyin keladigan turli harflar eksperimental guruhlardagi sezilarli farqlarni ko'rsatadi ($p < 0,05$).

Yuqori miqdordagi kunlik berilgan bug'doy kepagi va sholi kepagi ratsioni past konsentratsiyali ozuqalar bilan solishtirilganda balanslashgan tarkibga ega.

Tajribalarda kepak miqdori lichinkalarning o'sishi, rivojlanish vaqti va ularning g'umbakoldi vazniga ta'sir ko'rsatdi (2-jadval, 1-rasm).



1-rasm. 45, 90 va 120 mg/l/k bug'doy va sholi kepagidan foydalangan holda *H. illucens* lichinkalari uchun quruq biomassa (A), rivojlanish vaqti t (B) va parchalanish indeksi WRI (C).

Kuniga 120 mg/l/k bug'doy va guruch kepagi bilan oziqlangan lichinkalar eng tez rivojlanish vaqtini $15,7 \pm 1,5$ va $28 \pm 1,0$ kun, eng yuqori o'sish tezligi $0,6 \pm 0,06$ va $0,37 \pm 0,07$ mg / kun va eng yuqori g'umbakoldilar esa $6,92 \pm 0,6$ va $5,73 \pm 0,7$ gr quruq vaznini ko'rsatdi. Har kuni 90 mg kepak bilan oziqlangan lichinkalar bug'doy va sholi kepagi uchun g'umbakoldi massasi $6,0 \pm 0,3$ va $3,72 \pm 0,17$ gr, rivojlanish vaqti $16,9 \pm 1,2$ va $42 \pm 2,5$ kunni tashkil etdi (2-jadval, 1-rasm). 45 mg/l/kun bug'doy va guruch kepagi dozasi ratsion g'umbakoldilarning quruq vaznini $4,6 \pm 0,4$ va $3,88 \pm 0,5$ mg gacha kamaytirishga va rivojlanish vaqtini $19,7 \pm 1,3$ va $56 \pm 3,2$ kunga oshirishga olib keldi. Bug'doy kepagi (45, 90, 120 mg/l/kun) bilan oziqlangan barcha ratsionlarda lichinkalar rivojlanish davrini tugatdi va g'umbakoldi fazasiga yetdi hamda nobud bo'lish darajasi juda past 1,7-2,3% gacha bo'ldi (2-jadval). Sholi kepagi bilan o'tkazilgan tajribalarda barcha lichinkalar rivojlanish davrini yakunlab, g'umbakoldigacha bo'lgan fazaga yetdi, lekin faqat 120 mg/l/k ratsioni bo'lgan lichinkalar bug'doy kepagi guruhlaridagi lichinkalar bilan solishtirish mumkin bo'lgan past o'lim darajasi 1-2% ni tashkil etdi, 45 va 90 mg/l/k ratsionda oziqlangan lichinkalarda esa o'lim darajasi 10% va undan yuqori bo'ldi. Qora askar pashshalari lichinkalari har kunlik qayta ishlangan qahva donchalarini 200 mg/l/k maksimal ozuqa ratsionida 25,3 kundavomida rivojlandi, 12,5 mg/l/kun minimal qayta ishlangan qahva donchalarini ratsionida oziqlantirish jarayonida lichinkalar nobud bo'lish darajasi juda yuqori 80% ga yaqin bo'ldi [13]. Buning sababi esa mualliflar ta'kidlaganidek, lichinkalar joylashtirilgan plastik idishlardagi kam solingan ozuqalarda bug'lanish tezroq sodir bo'lgan. Ozuqada namlikning bug'lanib ketishi esa lichinkalarning yuqori nobud bo'lishiga olib kelishi aniqlangan [8].

Sholi kepagi (90 va 45 mg/l/kun) bilan tajribamizda, biz ozuqani bug'lanish meyorida ozuqa substratiga suv qo'shib turildi va bu maksimal o'lim darajasini 10% ni tashkil qildi.

Ozuqa konversiyasi samaradorligi (ECD) va substrat parchalanish indeksi (WRI).

ECD indeksi lichinkalarning hazm qilgan ozuqani biomassa aylantirish qobiliyatini o'lchab beradi. Bug'doy kepagi bilan 45 mg/l/k ratsionli oziqlanishda, yuqori ECD qiymati hazm qilinadigan (o'zlashtiriladigan) ozuqa miqdori ortib borishini ko'rsatdi. ECD ning eng past qiymati bug'doy kepagi bilan maksimal ratsionda (3-jadval) ko'p miqdordagi ozuqani lichinka ichaklarida ozuqani o'tkazish tezligini oshishiga olib kelib, bunda assimillatsiyalangan ozuqa miqdori kamaydi.

3-jadval.

***H. illucens* uchun bug'doy va sholi kepaklari bilan oziqlantirishdagi ECD va WRI indekslari miqdori**

Ozuqa ratsioni (mg/l/k)	Ozuqa konversiyasi samaradorligi (ECD)	Parchalanish indeksi WRI
45 _{bug'doyli}	43,93±13,27a	2,57±0,20a
90 _{bug'doyli}	22,9±9,04ab	2,78±0,40a
120 _{bug'doyli}	15,87±4,91b	3,07±0,25a
45 _{sholi}	8,19±1,15a	1,26±0,07a
90 _{sholi}	7,22±2,84a	1,41±0,29a
120 _{sholi}	16,05±1,85b	1,39±0,08a

O'rtacha qiymatlardan keyin keladigan turli harflar tajriba guruhlaridagi sezilarli farqlarni ko'rsatadi ($p < 0,05$)

Bunday holatda, lichinkalar tomonidan hazm qilingan ozuqa biomassa aylantirilmagan, balki metabolizm uchun ishlatilgan [10]. Sholi kepagida esa kam ozuqa ratsioni (mg/kun) o'zlashtirilgan ozuqa indeksi (ECD) ning o'sishiga olib kelmadi, lekin 45 va 90 mg/l/kun ratsionlari uchun past bo'ldi. Shu bilan birga, maksimal sholi kepagi ratsioni - 120 mg/l/kun ozuqasidan foydalanilganda (ECD) ning o'sishiga ko'proq ta'sir ko'rsatdi.

Boshqa mualliflarning oldingi tadqiqotlari shuni ko'rsatdiki, qora askar pashshasi lichinkalari uchun tovuq ozuqasining ECD qiymati 24,4-38,0% [6], qayta ishlangan qahva donalariniki esa - 3,5-5,0% ni tashkil etdi [11]. Ushbu tadqiqotimizda bug'doy kepagi bilan oziqlanganda ECD ko'rsatkichlari 15,9-43,9% gacha, sholi kepagi bilan oziqlantirilganda esa 8,2-16,1% ni ko'rsatdi. WRI indeksi esa lichinkalarning organik moddalarni kamaytirish qobiliyatini tavsiflaydi. Yuqori WRI qiymatlari lichinkalarning organik moddalarni parchalash qobiliyatini ko'rsatdi. Bunda 45, 90 va 120 mg/l/kun ozuqalar konsentratsiyasi bug'doy kepagining uchta ratsioni uchun $2,57 \pm 0,20$; $2,78 \pm 0,40$ va $3,07 \pm 0,25$ % ozuqa parchalanishiga olib keldi. Sholi kepagidagi qiymatlarda: 45, 90 va 120 mg/l/k ratsionlar uchun $1,26 \pm 0,07$; $1,41 \pm 0,29$; $1,39 \pm 0,04$ % tashkil etdi (3-jadval, 1-rasm). Bug'doy kepagi va sholi kepagi uchun 45, 90 va 120 mg / l kun ratsionlari o'rtasida WRI qiymatining statistik qiymatida farqlar kuzatilmadi.

8. Bakiev M.R. River bed regulation by cross combined dikes. XXIV JAHR congress Madrid a study of streams and water sheds of high hydraulic irregularity, 9-13 september, 1991, MADRID/ESPANA.

ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТИНИНГ ЧЎКИШНИ БАШОРАТ ҚИЛИШНИ ҲИСОБЛАШ ФОРМУЛАСИНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Аннотация. Мазкур мақолада Жиззах сув омбори тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилишда қўлланиладиган усуллар ва геодезик приборлар таснифи келтирилган. Тадқиқотлар давомида 3D лазер сканери, дрон, GNSS, электрон тахеометр ва нивелир ёрдамида тўғоннинг чўкиши ва силжишини тадқиқ этиш ва уларнинг аниқлигини баҳолаш борасидаги илмий изланишлар ёритилган. Мақола якунида сув омборлари тўғонининг вертикал чўкиши ва горизонтал силжишини мониторинг қилиш учун энг мақбул бўлган геодезик қурилма тавсия этилган.

Калит сўзлар: 3D, GNSS, сув омбори, тўғон, дрон, электрон тахеометр, лазер сканер, нивелир, репер, топокарта, GPS ва GLONASS.

Аннотация. В данной статье представлена классификация методов и геодезического оборудования, используемого при наблюдении за вертикальными оседаниями и горизонтальными смещениями плотины Джизакского водохранилища. В ходе исследований были освещены научные исследования по исследованию проседаний и смещений плотины с использованием 3D лазерного сканера, дрона, ГНСС, электронного тахеометра, нивелира и оценка их точности. В конце статьи рекомендуется геодезический прибор, наиболее подходящий для контроля вертикальных оседаний и горизонтальных смещений плотины водохранилища.

Ключевые слова: 3D, ГНСС, водохранилище, плотина, дрон, электронный тахеометр, лазерный сканер, нивелир, компас, топографическая карта, GPS и ГЛОНАСС.

Abstract. This article presents a classification of methods and geodetic equipment used in monitoring vertical subsidence and horizontal displacements of the Jizzakh Reservoir dam. The research covered scientific research on the study of dam subsidence and displacement using a 3D laser scanner, drone, GNSS, electronic total station, level and assessment of their accuracy. At the end of the article, a geodetic instrument is recommended that is most suitable for monitoring the vertical settlements and horizontal displacements of the reservoir dam.

Key words: 3D, GNSS, reservoir, dam, drone, electronic total station, laser scanner, level, compass, topographic map, GPS and GLONASS.

Кириш. Йирик сув омборларидаги гидротехника иншоотларини кузатиш, горизонтал силжиши ва вертикал чўкишини мониторинг қилиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу борада, жумладан, АҚШ, Россия, Хитой, Италия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатларда гидротехника иншоотларини ҳисобга олиш, баҳолаш, лойиҳалаш, қуриш, ишга тушириш масалалари юқори даражада ташкил қилинган. Ҳозирги кунда аксарият ривожланган мамлакатларда гидротехника иншоотларининг рақамли моделини яратиш, геомаълумотлар базасини шакллантириш, авария ҳолатдаги гидротехника иншоотларини фойдаланишдан чиқариш, гидротехника иншоотларини чўкишини ва силжишини мониторинг қилиш усулини такомиллаштиришда геодезия ва картография соҳасидаги долзарб илмий-амалий масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Жаҳонда ва унинг турли минтақаларида бугунги кунга қадар 10 та йирик гидротехника иншоотлари (Сент-Френсис-1928, Днепро-1941, Вайонт-1963, Малпассе-1959, Банцияо-1975, Сояно-Шушенской-2009, Кизилагаше-2010, Кокпекти-2014, Сардоба-2020, Каховск-2023, сув омборлари) да авария ҳолатлари кузатилган бўлиб, булардан илк бор 1928 йил Америка қўшма штатларининг “Лос-Анжелес” шаҳрини сув билан таъминлаш учун қурилган “Сент-Френсис” сув омбори саналади. Сув омбордаги тўғоннинг бузилиши оқибатида шаҳар аҳолиси катта талофат кўрган ва 600 нафардан зиёд одам ҳалок бўлган. Шу сабабли ҳозирда сув омборларидаги хавфсизликни таъминлаш ва техник ҳолатини мунтазам мониторинг қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларининг салмоқли қисмида лёсс чўкма тупроқлари тарқалган ҳудудларда жойлашган. Ушбу тупроқларда чўкиш ҳодисаси шундан иборатки, кирувчи сув таъсирида лой тупроқнинг бутун қалинлиги ерости сувлари сатҳигача бўлган қисми сезиларли ғовакликлар сиқилиш натижасида унинг ҳажмини пасайтиради [2].

Тупроқ хусусиятларининг ушбу физик ўзгаришлари таъсири остида тупроқ қалинлигининг вертикал силжиши содир бўлади, баъзида сезиларли ўлчамларга етади. Бу эса, қурилган гидротехника иншоотлари ва суғориладиган далалар юзасининг вертикал чўкиш ва горизонтал силжишга олиб келади. Тупроқларнинг ушбу хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, гидротехник иншоотларни қуришдан олдин уларнинг асослари остидаги тупроқларнинг чўкиш хусусиятларини ўрганиш ва кейинчалик камайитиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилади. Тупроқлар чўкишининг зарарли оқибатларига олиб келадиган радикал чоралардан бири тўхтатиш эмас (саноат бинолари ва иншоотлари учун бўлгани каби), балки гидротехник иншоотни қуришдан олдин чўкиш жараёнини тезлаштиришдир, бунинг учун замин на-

мланади ва сўнгра сиқилади. Шу билан бирга, энг катта чўкиш қатламининг пастки ёмон сиқилган қатламларида кузатилади, шунинг учун чўкиш грунтларида қурилган гидротехник иншоотларни ишлатиш тажрибаси чўкишга қарши чораларнинг кам самарадорлигини кўрсатади.

Лаборатория шароитида гидротехник иншоотлар пой-деворининг чўкинди қийматлар башорати тупроқларнинг чўкиш хусусиятларини ўрганишга асосланган. Бурғиланган милнинг деворларидан олинган безовталанмаган тузилишга эга тупроқ намунаси ҳар бир метр қатламидан сиқиш синовларидан ўтказилади. Сиқиш эгри чизиклари ифода асосида ҳар бир текширилаётган тупроқ қатламининг нисбий чўкиши аниқланади [3].

$$R = \frac{\varepsilon - \varepsilon_1}{\varepsilon}, \quad (1)$$

Бу ерда ε ва ε_1 намлашдан олдин ва бир хил юк остида намлангандан кейин иншоот босими остида тупроқнинг ғоваклилик коэффициентлари саналади.

Тупроқ қалинлигининг ерости сувлари даражасига чўкишининг мумкин бўлган умумий миқдори ҳудуднинг геологик қисмига мувофиқ қатламларда қуйидаги формула асосида ҳисобланади.

$$S_i = \sum_{i=1}^n R_i h_i, \quad (2)$$

Бу ерда h_i - қалинлиги i - тупроқнинг қатламлири.

Тупроқнинг ғоваклилиги 45% дан ортиқ чўкиш кўрсаткичи ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Ғоваклик коэффициентининг қийматлари, %

Чуқурлик, м № қудуқ	1	2	3	4	5	6	7	8	9	Ўртача ε
44	51,5	51,4	47,2	41,8	47,1	38,1	41,7	41,1	43,7	44,84
37	45,5	47,0	47,2	45,2	37,8	42,1	35,0	-	-	42,82
49	46,5	47,2	47,2	48,2	44,7	46,8	47,6	42,2	43,0	45,93
64	53,5	48,0	49,3	46,5	43,0	45,0	44,6	46,5	51,4	47,53
56	45,3	47,2	43,7	47,0	42,0	45,7	37,9	49,5	45,1	44,2
6	49,0	48,7	50,0	51,5	51,0	46,0	46,1	45,8	44,5	48,16
13	52,3	49,6	45,6	43,2	45,5	38,2	42,6	45,4	45,2	45,25
Ўртача ε	49,21	48,44	47,17	46,34	44,42	43,12	42,21	45,08	45,48	45,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, ғоваклилик коэффициентининг индивидуал ва ўртача қийматлари нафақат қатлам чуқурлигида, балки чуқурларда ҳам кўринадиган мунтазамликка бўйсунмайди. Бу ҳар хил турдаги тупроқларнинг қатламланиши билан боғлиқ, баъзан ҳатто кичик майдон учун ҳам, бу мураккабликни ва шу билан бирга чўкишни лабораториявий башоратлашнинг яқинлашишини кўрсатади [4].

Суғориладиган далалар юзаси (0,09-0,87 м) ва ер тўшагидаги каналлар тубининг (0,01-0,77 м) чўкиш миқдорини таҳлил қилиш масаласига келсак, чўкишнинг экстремал қийматлари берилган ва уларнинг ўртача қиймати ер қаърида ишлатилади.

Шу билан бирга, режалаштирилган ҳудудлар юзасининг деформацияларини тавсифловчи маълумотлар ўртача (4,5-5,6 см) ва ўртача квадратик қийматлар (4,3-6,3 см) шаклида берилади.

Юқоридагилардан келиб чиқадики, геодезик кузатув маълумотларини таҳлил қилишда олинган тадқиқот натижаларидан гидротехника иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш амалиётида фойдаланишни мураккаблаштирадиган келиш-мовчиликлар мавжуд, бу ерда чўкишнинг якуний миқдоридан ташқари, вақт ўтиши билан унинг оқим кўрсаткичларини билиш лозим.

Гидротехник иншоотларнинг чўкишини башорат қилиш учун геодезик кузатув маълумотларидан фойдаланиш уларнинг вертикал чўкиш ва горизонтал силжиш жараёнини тахминий аниқлашга асосланади.

Тузилмаларнинг ишлаши давомида чўкишнинг жараёнини тавсифловчи адабиётларда топилган эмпирик формулалар кўп ҳолларда индикатив шаклга, куч полиномига, логарифмик ёки бошқа шаклга эга [5].

Назарий жиҳатдан, геодезик адабиётларда гидротехник иншоотлари пойдеворини чўктириш жараёни кўпинча экспонент функция билан тавсифланади:

$$S_{ti} = S_k (1 - e^{-\alpha_{ch} t_i}) \quad (3)$$

Бу ерда S_{ti} - вақт ўтиши билан тахмин қилинган чўкишнинг қиймати, t_i ; S_k - юкламадаги якуний чўкиш, α_{ch} - тупроқнинг нисбий сиқилишининг ўртача коэффициенти.

S_k ва α кўрсаткичлари (3) формулада чўкишнинг интенсивлиги аниқланган тузилмалар ҳолатини кузатиш натижалари ёки тупроқларнинг физик-механик хусусиятларини эквивалент қатлам усуллари ёки қатлам йиғиндиси усули каби лаборатория тадқиқотлари билан ифодаланади ва аниқланади.

Сув билан тўйинган тупроқ қатламини бир текис тақсимланган юк билан сиқидида унинг чўкмаси қуйидаги формула билан тавсифланади.

$$S_t = S_k U_0, U_0 = S_t / S_k \quad (4)$$

Бу ерда S_k - чўкмани барқарорлаштириш, U_0 - мустаҳкамлаш даражаси (сиқилиш). S_t ва U_0 қийматлари қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади.

$$S_t = h_0 a p; \quad (5)$$

$$U_0 = [1 - \frac{8}{\pi^2} (e^{-N} + \frac{1}{9} e^{-9N} + \dots)] \quad (6)$$

бу ерда h_0 - тупроқ қатламининг қалинлиги; a - нисбий сиқилишни тавсифловчи коэффициент; π - ерга босим; U - доимий омиллар.


$$N = \frac{\pi c}{4 h_0} \cdot t = \alpha t, \quad (7)$$

бу ерда c - консолидация коэффициенти; a ва t - ифодадаги каби (6).

Башоратлашнинг энг ишончли усулларини излаш тасодикий функциялар назарияси аппарати, дисперсияни таҳлил қилиш ва энг кам квадратлар усули ёрдамида қуйи тупроқларда гидротехник иншоотларнинг деформация жараёнларини ўрганиш зарурлигига олиб келади. Бу ерда келтирилган таҳлилий натижалар тадқиқотлар учун асос сифатида фойдаланилган

Кўрсаткичларни аниқлаш учун тавсифланган усулларни амалий жиҳатдан амалга ошириш мақсадида S_k ва a яримэмпирик қиймат асосида гидротехника иншоотининг чўкишини башорат қилиш ва унинг катталигини кузатишлар билан

таққослаш учун жадвал маълумотларидан фойдаланилди. Қумлоқ тупроқлардан қурилган, баландлиги 65 м гача бўлган тўғоннинг вертикал чўкиш ва горизонтал силжишларни геодезик кузатиш ишлари 2020-2023 йиллар оралиғида олиб борилган бўлиб, назорат нуқталарининг чўкинди қийматлари 1-ва 2-синф нивелирлаш билан 1 мм ўртача квадрат хатоси билан аниқланди [6]. Шу билан бирга, бугунги кунда сув омборларининг тўғонларида ва унинг тубидаги деформациясини таҳлил қилиш ҳамда башорат қилиш усуллари – илмий ва саноат қизиқишидаги чўкиш грунтларида қурилган суғориш тизимларининг каналлари борасидаги тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Бироқ, ушбу материаллардан алоҳида тузилмаларнинг силжиши ва чўкиши ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Чунки улар тўғрисидаги маълумотлар жадваллар, графиклар ва тавсифловчи шакллар кўринишида берилган (1-расм).



1-расм. Гидротехника иншоотлари тубидаги чўкмаларнинг схемаси

Шунинг учун, эмпирик формулалар шаклида бу маълумотларни умумлаштириш қуйида келтирилган алоҳида тузилмаларнинг силжиш ва чўкиш жараёнини аниқ тавсифлашнинг илмий ва амалий тадқиқотлари орқали амалга ошириш имконини беради:

1. Гидротехника иншоотларининг бош плани ва ерости сувлари даражаси (H_{cc}) ўрнатилган учинчи синф чўкинди учун $t = 8$ йил давомида дала кузатув маълумотлари боғлиқликларни ифодалашнинг умумий эмпирик формуласини ташкил этиш имконини берди;

2. Кўпгина ҳолларда, қуйи тупроқларда гидротехника иншоотларини қуришни асослаш учун ерусти ва чуқур мос ёзувлар пунктлари ётқизилади ва уларнинг ёғинлари назорат қилинади. Шу билан бирга, тушириш қийматининг лёсс тупроқ қалинлигининг чуқурлигидаги намлаш вақтига боғлиқлигини ифодаловчи эмпирик формуланинг турини аниқлаш зарурати мавжуд;

3. Тўрт ой давомида намлаш пайтида тўғон каналининг кўндаланг профилининг чўкишини геодезик кузатувлар орқали қайта ишлаш натижалари шуни кўрсатадики, чўкиш унинг ўртасидан ён томонларига тахминан параболик қарамлик бўйича чўзилиб, эмпирик формулада тасвирланган 16 см га етади;

4. Тўғон каналларининг ишлаши пайтида пастки қисмида аста-секин ўсиш кузатилади, бунинг сабабларидан бири қияликларнинг йўқ қилинишидир;

5. Бетон қопламали, тўғон каналлари ва бошқа тузилмалардаги иншоотлар чизикли инженерлик конструкцияларининг деформациясини ўрганаётганда, алоҳида кузатиш реперларда, участкаларда деформациянинг мумкин бўлган нотекислигини аниқлаш ва баҳолаш лозим бўлади;

6. Тўғон каналнинг чўкмаларини ўрганиш учун бир нечта тадқиқотлар ўтказилди. Намлаш пайтида тупроқ деформациясининг умумий ва қатлам миқдорини аниқлаш учун мўлжалланган таянч нуқталар, ерусти ва сувости нуқталарини ўрнатиш жойларида канал туби нуқталарини техник текислаш, умумий давомийлиги 200 кун бўлган махсус дастур бўйича амалга оширилади;

7. Тўғон каналида таянчларининг ёғинларини ўрганиш тасодифий функциялар усули билан, яъни умумий чўкишни шартли равишда динамик (ўртача қийматлар) ва статистик (ўртача оғиш) қисмларга бўлиш орқали амалга оширилди.

Белгиланган эмпирик формулалар келажак учун мумкин бўлган чўкишнинг миқдорини ҳисоблаш имконини беради ва шу билан лойиҳалаш кувватининг захиралари ва лойиҳалаш пайтида захираси ҳажмини таъминлайди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларини сарҳисоб қилар эканмиз, олинган эмпирик формулалар қуйи тупроқларда гидромелиоратив тизимларнинг гидротехник иншоотларини сифатли лойиҳалаш, қуриш ва ишлатишга ҳисса қўишини таъминлайди [7].

Хулоса. Чўкаётган тупроқларда қурилган гидротехник иншоотларнинг чўкмаларини ўрганиш бўйича ғоваклик ко-эффицентининг қийматлари ишлаб чиқилди. Муҳандислик иншоотининг чўкишини башорат қилиш учун ҳисоблаш формуласининг кўрсаткичларини аниқлаш бўйича эмпирик формулалар шаклида маълумотларни умумлаштириш ҳамда силжиш ва чўкиш жараёнини аниқ тавсифлашнинг илмий ва амалий тадқиқотлари орқали амалга ошириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Максуд РАЖАПБАЕВ,
“ТИҚХММИ” МТУ катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Бакиев М., Рахматов Н. Гидротехника иншоотларидан ишончли ва хавфсиз фойдаланиш // Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент. 2020. -Б. 250.
2. Bakiev M.R. River bed regulation by cross combined dikes. Study of streams and water sheds of high hydraulic irregularity. XXIV Jahr congress (Madrid) pp 9-13.
3. Истомина М.Н. Комплексная оценка крупных наводнений в мире и их негативных последствий. Дисс. к.г.н. Москва 2005
4. Бакиев М.Р. Совершенствование конструкций, методов расчетного обоснования и проектирование регуляционных сооружений, Автор. докт. диссерт. М., 1992, 57 с.
5. Bakiev M.R. River bed regulation by cross combined dikes. XXIV JAHR congress Madrid a study of streams and water sheds of high hydraulic irregularity, 9-13 september, 1991, MADRID/ESPANA.
6. MR Bakiev, TN Tursunov, NT Kaveshnikov. Operation of hydraulic structures. Tashkent, 2008, 320с.
7. MR Bakiev, El Kirillova, R Hujaqulov. Safety of hydraulic structures. TIM, 2008, 110с.
8. Masharif Bakiev, Uktam Kaxharov, Azizjon Jakhonov, Otanazar Matkarimov. Kinematic characteristics of the flow, in the compression region, with bilateral symmetric restriction by floodplain dams. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. 072017. 2020/6/1. 869 (7)

UO'T: 631.6; 626.8

OQOVA SUVLAR BILAN SUG'ORILGANDA MAKKAJO'XORI (SILOS) EKININING HOSILDORLIGIGA TA'SIRI

Annotatsiya. Suv tanqis sharoitlarida tashlama suvlaridan foydalanishni davrning bugungi kundagi Olib borilgan ilmiy tadqiqot ishimizda chorva mollari uchun ozuqa sifatida oqova suvda makkajo'xori (silos uchun) ekinini yetishtirish amalga oshirilib ijobiy natijalarga erishildi. Makkajo'xori hosildorligi (2020 yilda) 1-variantda hosildorlik – 410 s/gani, 2-variantda hosildorlik – 407 s/gani, 3-variantda hosildorlik – 439 s/gani, 4-variantda (nazorat variantida) hosildorlik - 432 s/gani tashkil qilgan. Ikkinchi va uchinchi yilda ham hosildorlik 50 yoki 100 s/gani oshganini ko'rishimiz mumkin. Variantlar ichida 2-variant ChDNSga nisbatan 70-70 % tartibda makkajo'xorini oqova suv bilan sug'orish va 4 - variant ChDNSga nisbatan 70-80 % tartibda makkajo'xorini sug'orish variantlari hosildorlik bo'yicha yuqori natijalarni ko'rsatgan bo'lsa rentabellik darajasi bo'yicha har to'rtala variantdan 4-variantda yuqori darajada bo'lgan.

Kalit so'zlar: oqova suvlar, allyuvial – o'tloqi tuproqlar, o'g'itlash, sug'orish me'yori, hosildorlik.

Аннотация. В наших текущих научных исследованиях по использованию сточных вод в условиях водного дефицита реализовано выращивание кукурузы (на силос) на сточных водах в качестве корма для скота и достигнуты положительные результаты. Урожайность кукурузы (в 2020 году) в варианте 1, урожайность - 410 ц/га, в варианте 2 урожайность - 407 ц/га, в варианте 3 урожайность - 439 ц/га, в варианте 4 (контрольный вариант), урожайность - 432 с/га организовано На второй и третий год мы видим, что урожайность выросла на 50 или 100 ц/га. Среди вариантов более высокие результаты по урожайности показали вариант 2 - 70-70% орошение кукурузы сточными водами по сравнению с ЧДНС и вариант 4 - 70-80% орошение кукурузы по сравнению с ЧДНС. вариант 4 из всех четырех вариантов с точки зрения рентабельности.

Ключевые слова: сточные воды, аллювиально-луговые почвы, удобрение, норма орошения, продуктивность.

Abstract. In our current scientific research on the use of wastewater in conditions of water deficiency, the cultivation of corn (for silage) on wastewater as feed for livestock has been implemented and positive results have been achieved. Corn yield (in 2020) in option 1, yield - 410 c/ha, in option 2, yield - 407 c/ha, in option 3, yield - 439 c/ha, in option 4 (control option), yield - 432 s /ha organized In the second and third years, we see that the yield has increased by 50 or 100 c/ha. Among the options, higher results in terms of yield were shown by option 2 - 70-70% irrigation of corn with wastewater compared to ChDNS and option 4 - 70-80% irrigation of corn compared to ChDNS. option 4 out of all four options in terms of profitability.

Key words: wastewater, alluvial-meadow soils, fertilizer, irrigation rate, productivity.

Kirish. Suv resurslaridan asosiy maqsad qilib uni tejab foydalanish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri bo'lib kelmoqda. Qo'shimcha suv manbalari bo'lmish ya'ni tashlama suvlaridan foydalanishda dunyoning ko'plab olimlari izlanishlar olib borib, ijobiy natijalarga erishgan. Oqova suvlarining tarkibi to'liq o'rganib chiqilganida tarkibida: nitritlar, nitratlar, temir, fosfor, ammoniy tuzlarining azoti, erigan kislorod kabi bir qancha elementlar mavjud. [1,2] Chorva mollariga yem-xashak qilib makkajo'xori (silos) ekinini Buxoro shahridan chiqadigan oqova suvlarida yetishtirishni tajriba ishining asosiy maqsadi sanaladi.

Makkajo'xori – ko'p tarmoqli foydalanishda qimmatli, serhosil, donli ekinlardan. Makkajo'xori silosi chorva mollari uchun yaxshi ozuqa hisoblanadi. 100 kg silosda 24 ozuqa birligi mavjud. Makkajo'xori ekinini yetishtirishdan avval maydonda agrotexnik tadbirlar amalga oshiriladi. Bahor oyida silos uchun makkajo'xorining kechpishar, o'rta-kechpishar navlaridan tanlanib olingani ma'qul.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Buxoro vohasining tuproq sharoitlarida "O'zbekiston – 420 BL" navini yetishtirish maqsadga muvofiq. Makkajo'xorini ekish uchun dastavval yer maydoni MTZ – 80 texnikasi yordamida yer tekislandi. 30-35 sm oralig'ida yerlar shudgorlandi. Sho'r yuvish amalga oshirilgandan so'ng maydon mola-barona (BZDT – 1 texnikasi yordamida) qilindi. 14-15 sm chuqurlikda chizellash ishlari olib borildi. Maydonning yuza qismi tekislanib eni 60 sm qilib egatlar olindi. Makkajo'xorini o'g'itlab sug'orish (nazorat) varianti kiritilgan delyankaga 2020 yildagi mineral o'g'itlarning berilish me'yori: azot 34 % ligidan N_{250} – 735 kg, fosfor 20 % ligidan P_{175} (superfosfat, ammafos) - 875 kg hamda kaliyli 60 % ligidan K_{125} - 207 kg (tukka birligida) o'g'it 1 gektaga berildi. Ikkinchi va uchinchi yili ham o'g'it me'yori xuddi shu tartibda berildi.

1-jadval.

Tajriba tizimi

№	Ko'rsatkichlar	CHDNSga nisbatan % hisobida	Yillik mineral o'g'it me'yori, kg/ga			Ekiladigan dala maydoni, m ²
			N	P	K	
1	Makkajo'xorini o'g'itlab oqova suv bilan sug'orish	70-70	250	175	125	144
2	Makkajo'xorini oqova suv bilan sug'orish	70-70	0	0	0	144
3	Makkajo'xorini o'g'itlab oqova suv bilan sug'orish	70-80	250	175	125	144
4	Makkajo'xorini oqova suv bilan sug'orish	70-80	0	0	0	144

Ikkinchi va uchinchi yili ham o'g'it me'yori xuddi shu tartibda berildi. O'g'itlash ishlari asosan chizellash va sug'orish mud-

datlarida hamda NRU – 0.5 rusumli texnika yordamida amalga oshirildi. Makkajo'xori ekinini ekish 2020 yilda 15 – aprelda, 2021 yilda 18 – aprelda, 2022 yilda esa 20 – aprelda Pnevmatik SPCH – 6 seaykadan foydalanildi. Urug'ni ekish chuqurligi 4-5 sm.ni, orasidagi masofasi esa makkajo'xorining o'rta kechpishar navi tanlangani uchun 25-27 sm.ni tashkil etdi. 1-2 dona barg chiqarganidan so'ng kultivatsiya ishlari olib borildi. Tajriba tizimiga ko'ra makkajo'xori (silos)ni yetishtirishda 4 ta variant tanlanib olindi (1-jadval). Sug'orishda makkajo'xori ekinini silos bo'lganligi sababli 2 ta davr asosida olib borildi.

Birinchi davrda makkajo'xorini 8-10 ta barg chiqarguniga qadar faqat 2 marotaba 0.50 sm hisobiy qatlam namlantirib borildi. Ikkinchi davrda o'simlik to sulton chiqargunicha 1 metr hisobiy qatlam namlantirib borildi.

Tahlil va natijalar. Tajribaga ko'ra birinchi marotaba o'zlashtirilgan yer bo'lib, oldin bu yerda dehqonchilik ishlari amalga oshirilmagan. Suv sarfini hisoblashda barcha variantlar boshida o'qariqda o'rnatilgan 25 sm ostonali Chipoletti suv o'lchagichi o'rnatilgan. Mavsumiy sug'orish ilk yili birinchi va ikkinchi variantlarda 2725 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 681 m³/ga, sug'orish sxemasi esa 2-2 ni sug'orishlar soni 4 marotabani; ikkinchi yili sug'orish 3558 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 712 m³/gani, sug'orish soni 5 - marotabani, sug'orish sxemasi 2-3 ni tashkil qilgan bo'lsa, uchinchi yili sug'orish 3357 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 671 m³/ga; sug'orish soni 5-marotabani, sug'orish sxemasi 2-3 ni tashkil etdi. Uchinchi va turtinchi variantlarda ham mavsumiy sug'orish me'yori birinchi yili 2816 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 563 m³/ga, sug'orish sxemasi esa 2-3 ni sug'orishlar soni 5 marotabani; ikkinchi yili sug'orish 3449 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 575 m³/gani, sug'orish soni 6-marotabani, sug'orish sxemasi 2-4 ni tashkil qilgan bo'lsa, uchinchi yili sug'orish 3585 m³/ga, o'rta sug'orish me'yori 597 m³/ga; sug'orish soni 6-marotabani, sug'orish sxemasi 2-4 ni tashkil etdi. Oqova suvlarning tarkibidagi o'g'itlar tuproqning unumdorligini, xajm massasini, og'irligini va g'ovakligini o'zgartirgan. Fenologik kuzatuvlar makkajo'xori (silos) ekinini uchun urug' ekilganidan so'ng olib borilib, bargining soni, poyasining uzunligi nazorat kilib turildi.

Makkajo'xorining ekish vaqti variantlar kesimida bir xil bo'ladi. Makkajo'xori ekinini 2020-yilning 15-aprelda ekilgan bo'lib, 24 – aprelda unib chiqa boshladi. 1-variantda ekin poyasi – 12 sm, bargi 2 ta, 2-variantda poyasi 11.2 sm, bargi 1-2 dona, 3-variantda poyasi – 13.2 sm, bargi 3 ta, 4-variantda poyasi – 12.3 sm, bargi 2-3 dona bo'lgan. 15.05.2020 yilda takroran kuzatuvlar olib borilganida 1-variantda poyasi-31 sm, bargi 8 dona, 2-variantda poyasi – 27 sm, bargi 6 dona, 3-variantda poyasi – 37 sm, bargi 8 dona, 4-variantda poyasi – 32 sm, bargi 7 dona bo'ldi. 15-iyun holatida esa 1-variantda poyasi-57 sm, bargi 10-dona, 2-variantda poyasi-52 sm, bargi 10 dona, 3-variantda poyasi-58 sm, bargi 11 ta, 4-variantda poyasi -55 sm, bargi 10 dona bo'lgan. 15-iyul 2020-yilda takroran kuzatuv olib borilganda o'simlik bo'yi

**Oqova suvlar bilan sug'organda, makkajo'xori (silos) iqtisodiy samaradorligi
(narxlar 1-yanvar 2023 yil hisobida, ming so'm)**

Variantlar	3 yillik oʻrtacha hosildorlik (s/ga)	Qoʻshimcha hosil ± (s/ga)	Makka-joʻxori (silos) hosilidan tushgan daromad (soʻm)	Jami ishlab chiqarish xarajatlari (soʻm)	Jumladan					Sof foyda, (soʻm)	Rentabellik darajasi (%)
					Mexanizatsiya xarajatlari, (soʻm)	Mineral oʻgʻitlar uchun, (soʻm)	Sugʻorish uchun sarflangan elektr energiyasi uchun, (soʻm)	Qoʻshimcha xarajatlar, (soʻm)	Hosilni oʻrish va tashishga ketgan xarajat, (soʻm)		
Makkajoʻxori ekini 3 yillik oʻrtacha natijalari											
Nazorat. CHDNSga nisbatan 70-70 % tartibda makkajoʻxorini oʻgʻitlab oqova suv bilan sugʻorish	527		15810000,0	10178294	1575000	5216794	112500	1440000	1834000	5631705	55,3
CHDNSga nisbatan 70-70 % tartibda makkajoʻxorini oqova suv bilan sugʻorish	517	-10	15510000,0	4757500	1575000	0,0	112500	1210000	1860000	10752500	226,0
Nazorat. CHDNSga nisbatan 70-80 % tartibda makkajoʻxorini oʻgʻitlab oqova suv bilan sugʻorish	542		16260000,0	10275294	1575000	5216794	157500	1440000	1886000	5984705	58,2
CHDNSga nisbatan 70-80 % tartibda makkajoʻxorini oqova suv bilan sugʻorish	535	-7	16050000,0	4854500	1575000	0,0	157500	1210000	1912000	11195500	230,6

1-variantda poyasi - 120 sm, bargi 12 dona, 2-variantda poyasi - 114 sm, bargi 11-12 dona, 3-variantda poyasi - 121 sm, bargi 12 ta, 4-variantda poyasi - 117 sm, bargining soni esa 12 ta bo'lgan. O'rimdan oldingi makkajo'xori poyasining balandligi va barglarining soni 1-variantda 205 sm 15-dona, 2-variantda 190 sm 15-dona, 3-variantda 203 sm 16-dona, 4-variantda 201 sm 15-donani tashkil etdi.

Makkajo'xori (silos)dan ko'zlangan hosildorlikka erishildi. Tajriba davrida yerlarning meliorativ holati ham o'rganilib borildi. Yerosti sizot suvlari har dekadada kuzatilib, ularning tarkiblari ham tahlil qilindi. Ekidan yaxshi hosil olinganidan so'ng tajriba ishining samaradorligini iqtisodiy ko'rsatkichlar belgilab beradi. Makkajo'xori (silos)ning iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichi 2-jadvalda keltirilgan. Ushbu jadvalni tahlil qiladigan bo'lsak, o'rtacha 3 yillik hosildorlik 1-variantda 527 s/ga, 2-variantda 517 s/ga, 3-variantda 542 s/ga, 4-variantda esa 535 s/ga teng bo'lgan. 1-variantda sof foyda 5 mln 632 ming so'mni, 2-variantda 10 mln 753 ming so'mni, 3-variantda 5 mln 985 ming so'mni, 4-variantda 11 mln 196 ming so'mni ko'rsatdi. Variantlar o'rtasida eng yuqori

sof foyda bergan variant bu 2 va 4 variant. Buning sababi ushbu variantda tajriba tizimiga ko'ra o'g'it me'yori qo'llanilmaganligidir. Rentabellik darajasi ham birinchi variantga nisbatan ikkinchi variantda 170.7 % ga, uchinchi variantga nisbatan to'rtinchi variantda 172.4 % ga oshgani aniqlandi.

Xulosa. Iqtisodiy samaradorlik hosildorlikdan kelib chiqqan holda yillar davomida quyidagicha o'zgardi: oqova suv bilan sug'orilganda eng maqbul iqtisodiy samaradorlik 2020 yil va 2022 yillarda 2 va 4-variant bo'lib, 3 yillik o'rtacha hosildorlikdan kelib chiqqan holda 2-variantda sof foyda 10 mln 753 ming so'm, rentabellik 226 %, 4-variantda esa sof foyda 11 mln 196 ming so'm, rentabellik 230.6 % aniqlandi. Birinchi va uchinchi variantda mineral o'g'it berilganligi bois rentabellik 55.3; 58.2 % bo'ldi. Tajriba natijalaridan aniqlashimiz mumkinki oqova suvlardan maqsadli va samarali foydalanish qo'shimcha suvlarni iqtisod qilishga olib kelmoqda.

Zarina HAKIMOVA,

"TIQXMMI" Milliy tadqiqot universiteti

Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti assistenti.

ADABIYOTLAR

1. Esenmuratova M. "Oqova suvlarni tozalash usullari". Nukus, 2015.10-b
2. Feachem, R.G., D.J. Bradley, H. Garelick, and D.D. Mara. 1983. Sanitation and Disease: Health Aspects of Excreta and Wastewater Management. Chichester: John Wiley & Sons. 1983, 501p
3. Hillel, D. Salinity Management for Sustainable Irrigation: Integrating Science, Environment, and Economics. Washington, DC: World Bank. 2000. 130-136p. <https://doi.org/10.1596/0-8213-4773-X>
4. Jimenez, B. "Wastewater Reuse in Latin America and the Caribbean." In: Jimenez, B. and T. Asano, eds. "Water Reuse: An International Survey of Current Practice, Issues and Needs." London: IWA Publishing, 2008.177-195p.
5. Mahmudova N.I. Salohiddinov A.T. "Qishloq va yaylovlar suv ta'minoti." Toshkent-2002 140-b.
6. Bo'riev S.B., Xo'jiev S.O. "Разработка биотехнологических основ очистки загрязненных вод с водными растениями и использования их в сельском хозяйстве"// Qishloq xo'jaligida ekologik muammolar: Xalqaro ilmiy-amaliy konf. to'pl. -Buxoro, 2003. 418-419b.
7. M.I.Mustafayeva. Butun rossiya ilmiy – amaliy talabalar konferentsiyasining ilmiy maqolalar to'plami. 18-20 aprel 2018 yil. Yuriy Gagarin nomidagi Saratov davlat texnika universiteti.
8. www.agro.uz – O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi rasmiy sayti. <https://www.agro.uz/makkajo-xori/#1635005003332-4f1e46dd-c3c3>.

ТУПРОҚ НАМЛИГИ ЎЗГАРИШИНИНГ СУҒОРИШЛАР СОНИ ВА МЕЪЁРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Қарши чўли – республиканинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, намлик етишмайдиган, ёгингарчилик, иссиқлик ва қурғоқчиликнинг нотекис тақсимланган зонаси ҳисобланади. Бу табиий ҳодисаларнинг барчаси қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш шароитида етиштиришни талаб қилади. Ушбу мақолада кузги бугдойни суғориш меъёрлари ва тупроқ намлиги ҳақида олиб борилган тадқиқот натижалари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: суғориш, меъёр, ЧДНС, тупроқ, иқлим, нав, об-ҳаво, кузги бугдой, қурғоқчилик.

Аннотация. Каршинская степь расположена в южной части республики, где часто наблюдаются недостаточность влаги, атмосферных осадков, высокая температура и засуха. Всё это требует выращивания сельско-хозяйственных культур при орошении. В статье приведены результаты научного исследования а также нормы полива и влажности почвы при выращивании озимой пшеницы.

Ключевые слова: полив, нормы, ППВ, почва, климат, сорт, погода, озимые пшеницы, засуха.

Abstract. The Karshi steppe is located in the southern part of the republic, where there is often a lack of moisture, less precipitation, high temperatures and drought. All this phenomenon requires the cultivation of agricultural crops with irrigation. The article presents the results of a scientific study on the norms of irrigation and soil moisture when growing winter wheat.

Keywords: watering, norms, FPV, soil, climate, variety, weather, winter wheat, drought.

Кириш. Дунё миқёсида иқлим ўзгариши сўнгги пайтларда бугдой етиштирувчи деҳқонлар учун жиддий муаммога айланди. Бу тез-тез қурғоқчил йилларда ва мавсум давомида об-ҳаво шароитида кескин ўзгаришларда ўзини намоён қилади [1].

Кузги бугдой ривожланиш фазалари бўйича намликка бўлган талаби ўсимликнинг униб чиқиш тупланиши даврида 3%, тупланиш-найчалаш даврида 22%, найчалаш-гуллаш даврининг бошланишида 40%, дон шаклланиш даврида 33% ва пишиш даврида 2% бўлади [2].

Тупроқ намлиги етарли ва барқарор бўлмаган жойларда қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий омилларидан бири-суғоришдир. Ҳозирги кунда дунёда 270 миллион гектардан ортиқ майдон суғорилади, шундан суғориладиган ерлар дунё озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизини таъминлайди, бу эса қишлоқ хўжалиги майдонларининг атиги 18 фоизини ташкил этади.

Суғориш режимини тўғри бошқарилмаслиги - тупроқ унумдорлигини, пасайишига, натижада дон ҳосилдорлиги ва сифати талаб даражасида бўлмаслиги, бугдой уни, нон ва қандолат маҳсулотларининг техник талабларга жавоб бермаслигига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги сектори дунёдаги чучук сув истеъмолининг тахминан 70 фоизини ташкил қилади, аммо кўплаб мамлакатларда сувдан фойдаланиш самарадорлиги 50 фоиздан кам. Аҳолининг, ҳамда эҳтиёжларнинг ўсиб бориши 2050 йилга келиб глобал қишлоқ хўжалиги сувларига бўлган эҳтиёжнинг 50 фоизга ошиши кутилмоқда. Дунёнинг кўп жойларида сув танқислиги ва сув сифати муаммолари келажакда озиқ-овқат хавфсизлиги ва экологик барқарорликка жиддий таҳдид солмоқда.

Тупроқ таркибидаги намлик ўсимликлар орқали ўзлаштирилади ва буғланишга сарфланади. Шунинг учун тупроқ намлиги доим ўзгарувчандир.

Кузги бугдой экиладиган далаларда тупроқ намлиги шудгорлашдан олдин, экишдан кейин ва ўсув давридаги суғоришлардан олдин аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, шудгорнинг сифати кўп жихатдан тупроқ намлигига боғлиқ бўлади. Тупроқ таркибидаги намлик ЧДНС 65-70% бўлганда ерни сифатли шудгорлаш мумкин.

Кузги бугдой навларини ўсув даврида эса суғоришлар ва атмосфера ёгинлари ҳисобига тупроқ таркибидаги намлик захираси 16-18% гача кўтарилади, тупроқнинг бундай намлиги ўрганилган навларни ўсув фазаларини меъёрга ўташини ва етарлича ҳосил тўплашини таъминлайди.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, “Суғориладиган ва лалмикор майдонларда қаттиқ бугдойнинг ташқи муҳит омилларга чидамли манба ва навлар яратиш ҳамда етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги №ҚХ-А-ҚХ-2018-083 амалий лойиҳаси доирасида Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани Я.Омонов худудида бажарилган. Тадқиқотларда қаттиқ бугдойнинг Крупинка маҳаллий Зилол ва Насаф навлари 3 қайтариқда ҳар бир майдончанинг кенглиги 180 м² дан қилиб белгиланган.

Таҳлил ва натижалар. Тупроқнинг чегаравий дала нам сифими – ўсимликларни сув билан таъминловчи ва суғориш меъёрларини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Тупроқнинг чегаравий дала нам сифими кўп жихатдан тупроқ турига, механик таркибига, минерал ва органик моддаларнинг миқдори ва сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ бўлади. Тупроқ таркибида қанчалик органик моддалар ва гумус миқдори кўп бўлса ва унинг механик таркиби оғир бўлса чегаравий нам сифими юқори бўлади, аксинча органик моддалар ва гумус миқдори кам бўлиб, механик таркиби енгил тупроқларда унинг миқдори камайд. Шунинг учун ҳар бир тупроқ контурида тупроқнинг чегаравий дала нам сифимини аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Тажриба майдонида тупроқнинг чегаравий нам сифими тадқиқотнинг бошланиш даврида (3 м х 3 м) ромларга сув қуйиш усули билан аниқланди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, тупроқнинг 0-110 см қатламида ўртача ЧДНС 21,8% ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич тупроқнинг тузилишига ва механик таркибига ҳос бўлиб, кузги бугдойни суғориш меъёрларини аниқлаш учун асосдир.

Тажриба майдонини суғоришдан олдинги тупроқ намлиги. Тажрибада суғориш ишлари вариантларда белгиланган суғоришлар тартибига асосан тупроқ намлигини ҳисобга олган

Тажриба майдонида тупроқнинг чегаравий дала нам сиғими (ЧДНС, %)

Намуна олинган қатлам, см	Идишнинг оғирлиги, г			Нам тупроқнинг соф оғирлиги, г (в=б-а)	Тупроқнинг абсолют қуруқ оғирлиги, г (д=г-а)	Тупроқдан бугланиб кетган сув оғирлиги, г (е=в-д)	Максимал дала нам сиғими (тупроқ оғирлигига нисбатан)
	Бўш (а)	Нам тупроқли (б)	Абсолют қуруқ тупроқли (г)				
0-10	22,35	107,10	89,48	84,75	67,13	17,62	26,25
10-20	21,92	114,78	96,11	92,86	74,19	18,67	25,17
20-30	25,30	107,69	91,43	82,39	66,13	16,26	24,59
30-40	22,27	106,60	92,14	84,33	69,88	14,45	20,68
40-50	25,89	108,43	93,98	82,55	68,09	14,45	21,23
50-60	21,96	102,14	87,45	80,18	65,50	14,69	22,43
60-70	21,64	81,64	71,33	60,01	49,70	10,31	20,74
70-80	21,50	88,19	77,19	66,69	55,70	11,00	19,75
80-90	22,14	87,57	76,77	65,44	54,64	10,80	19,77
90-100	22,45	95,79	84,01	73,34	61,55	11,78	19,14
100-110	22,09	90,53	79,09	68,44	57,00	11,44	20,08
Ўртача							21,80

ҳолда, Чипполетти сув ўлчаш воситаси (ВЧ-50) ёрдамида сув сарфи ҳисобга олинди ва суғориш ишлари ўтказилди.

Кузги бугдой ўсув даврининг найчалаш, бошоқлаш, гуллаш ва пишиб етилиш даврларида атмосфера ёгинлари сувга бўлган талаб учун етарли бўлмайди. Шу туфайли юқорида келтирилган ўсув даврларида сувга бўлган талаби жуда юқори даражада бўлади.

Шунингдек, ёгин миқдори суғориш муддатларини белгилашда асосий омил ҳисобланиб, 2018 йилда ёгингарчилик миқдорининг ўртача кўп йилликка нисбатан ўта кам (120,1 мм) бўлиши, суғоришдан олдинги тупроқ намлигига ўз таъсирини кўрсатди.

ЧДНС 65-70-60% вариантда суғоришлар сони 4 мартани, мавсумий суғориш меъёри 4249 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1062,3 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 70-75-65% вариантда суғоришлар сони 5 мартани, мавсумий суғориш меъёри 5277 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1055,4 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 75-80-70% вариантда эса суғоришлар сони 6 мартани, мавсумий суғориш меъёри 6312 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1052,0 м³/га ни ташкил этди. 2019 йилда ҳам суғоришдан олдинги тупроқ намлигига ёгин миқдори (336,7 мм) таъсир этгани ҳолда, ЧДНС 65-70-60% вариантда суғоришлар сони 3 мартани, мавсумий суғориш меъёри 2994 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 998,0 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 70-75-65% вариантда суғоришлар сони 4 мартани, мавсумий суғориш меъёри 3967 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 991,8 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 75-80-70% вариантда эса суғоришлар сони ҳам 4 мартани ташкил этиб, мавсумий суғориш меъёри 3822 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 955,5 м³/га ни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2020 йилда ҳам суғоришдан олдинги тупроқ намлигига ёгин миқдори (297,0 мм) таъсир этгани ҳолда, ЧДНС 65-70-60% вариантда суғоришлар сони 3 мартани, мавсумий суғориш меъёри 2967 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 989,7 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 70-75-65% вариантда суғоришлар сони ҳам 3 мартани, мавсумий суғориш меъёри 2929 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 976,3 м³/га ни ташкил этди.

ЧДНС 75-80-70% вариантда эса суғоришлар сони ҳам

4 мартани ташкил этиб, мавсумий суғориш меъёри 3810 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 952,5 м³/га ни ташкил этди.

2019 ва 2020 йиллардаги ёгин миқдорининг кўп йиллик меъёр даражасидан юқори бўлганлиги ва бир бирига яқин кўрсаткичига (336,7 мм-297 мм) эга бўлганлиги суғориш учун сув сарфини ва суғоришлар сонини 2018 йилгига нисбатан кам бўлганлиги кўзатилади.

Ўртача уч йиллик ўртача таҳлилларга кўра, ЧДНС 65-70-60% вариантда мавсумий суғориш меъёри 3404,0 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1016,6 м³/га, ЧДНС 70-75-65% вариантда мавсумий суғориш меъёри 4057,7 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 1017,8 м³/га, ЧДНС 75-80-70% вариантда эса мавсумий суғориш меъёри 4648,0 м³/га, ўртача 1 сув сарфи 986,7 м³/га ни ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал.

Бахорги ўсув давридаги суғоришлар сони, муддати ва меъёрлари, м³/га (2018-2020 йй.).

№	Вариантлар	Мавсумий суғориш меъёри, м³/га	Ўртача сув сарфи, м³/га
1	Фон+ЧДНС 65-70-60%	3404	1016,6
2	Фон+ЧДНС 70-75-65%	4057,7	1007,8
3	Фон+ЧДНС 75-80-70%	4648	986,7

Хулоса. Суғориш муддатини белгилашда суғоришдан олдинги тупроқ намлигини аниқлаш ўта муҳим саналади.

Суғориш сонини ортиши ва суғоришлар оралиғидаги даврининг қисқариб бориши қаттиқ бугдой ҳаётчанлигини оширади. Аксинча, суғориш сонининг камайиши ва суғоришлар оралиғидаги даврининг узайиб бориши ўсимлиқнинг ривожланиш босқичларининг қисқаришига олиб келади. Тупроқдаги намлик миқдори кузги қаттиқ бугдойнинг ривожланиш жараёнига бевосита таъсир этиб, кузги қаттиқ бугдой навларини суғориш тартибини тўғри белгилаш, ривожланишнинг кейинги даврларида тупроқда намлик миқдорининг юқори бўлиши пишиш жараёнининг кечикишига, ҳосил структурасининг тўлиқ шаклланишига олиб келади.

Ойбек АМАНОВ, к/х.ф.д., профессор,
Аброр ШОЙМУРАДОВ, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Ғуломжон УЗАҚОВ, к/х.ф.ф.д., катта илмий ходим,
Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Аманов О.А., Узақов Ғ.О. “Ғаллачиликда эрта баҳорги тadbirlar”. // “Агро илм” журнари. 2-сон, 5-7 бетлар, 2022 йил.
2. Аманов А., Зиядуллаев З., Узақов Ғ “Кузги бошоқли дон экинлари уруғларини сифатли тайёрлаш, экиш ҳамда кузги парваришлаш бўйича” тавсиянома Қарши насаф наشريёти 2014 йил 25-26 бетлар.
3. Атабаева Х.Н., Азизов Б.М. Буғдой. Тошкент-2008.
4. Бобомирзаев П.Х. “Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ буғдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш” Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент-2017.
5. <https://propozitsiya.com/oroshenie-kak-faktor-ustoychivogo-urozhaya>
6. <https://euroasia-science.ru/selskoxozyajstvennye-nauki>
7. <https://www.iaea.org/ru/temy/upravlenie-vodnymi-resursami-v-selskom-hozyaystve>

УО’Т: 631.4;631.6.

SHARQIY FARG‘ONA SUG‘ORILADIGAN TUPROQLARINING AGROFIZIKAVIY XOSSALARI VA MELIORATIV HOLATI

Annotatsiya. Maqolada Farg‘ona vodiysi Andijon viloyati agrolandshafilarida o‘tkazilgan tuproq-tadqiqot natijalari keltirilgan. Tuproqlarning suv-fizik va meliorativ xususiyatlari o‘rganilgan. Aniqlanishicha, sug‘orma dehqonchilik sharoitida turli agrotekhnika tadbirlari o‘tkazilishi natijasida tuproqlarning suv-fizik xususiyatlari doimiy o‘zgarib turadi. Tuproqlarning meliorativ holatiga ko‘proq antropogen omillarning ta‘siri kuzatiladi.

Калим сўзлар: гидроморф тупроқлар, ётқиқиқлар, ўтлоқи, ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи-бўз, механик таркиб, шўрланиш даражаси, гумус, тупроқ айирмаси, балл бонитети, кадастр гуруҳи, унумдорлик даражаси.

Аннотация. В статье приводятся результаты почвенно-изыскательских работ в агроландшафтах Андижанской области Ферганской долины. Изучены водно-физические и мелиоративные свойства почв. Установлено, что в условиях орошаемого земледелия при различной агротехнике динамически изменяются водно-физические свойства почв. Наиболее существенно сказываются антропогенные факторы на мелиоративном состоянии почв.

Ключевые слова: Гидроморфные почвы, луговая почва, лугово-аллювиальная почва, лугово-сероземные почвы, механический состав, степень засоления, гумус, почвенная разность, балл бонитет, кадастровая группа, плодородие, качественная оценка.

Abstract. The results of the work happens to In article coveerring as vertical zone, so and width area topsoil Fergansky valleys. The Studied morphogenetic, agricultural chemistry and physico-chemical characteristic of ground. It Is Installed that in different natural- anthropogenous condition soil-forming process and evolution of ground occurs the miscellaneous a rate.

Keywords: hydromorphic soil, meadow soil, meadow-alluvial soils, meadow serozem soils, mechanical composition, salinity level, humus, soil differences, bonitet score, cadastral group, fertility, qualitative assessment.

Kirish. Farg‘ona vodiysi sharqiy qismi tuproqlarining suv-fizik va meliorativ holatlarini, o‘zgarishlar tasnifini va ta‘sirini aniqlash, salbiy jarayonlar kuzatilganda ularning oldini olish chora-tadbirlarini ishlab chiqish dolzarb masalalardandir. Andijon viloyati Farg‘ona vodiysining sharqiy qismida joylashgan. Shimoliy-sharq va janubi-sharqdan Farg‘ona va Pomir-Oloy tizmalari, g‘arbdan Markaziy Farg‘ona tekisligi o‘rab turadi. Tog‘ tizmalaridan oqib kelayotgan daryolar viloyatning asosiy suv manbalari bo‘lib hisoblanadi. Viloyat hududida balandlik mintaqalari chegaralari quyidagi geomorfologik rayonlarga ajratiladi: yoyilmalar bilan geokimyoviy bog‘langan pasttog‘liklar, adirlar, adirorti cho‘kmalar, tog‘oldi tekisliklar, daryolarning past terrasalari, cho‘l zonasida Markaziy Farg‘ona tekisligi [2,5].

Tuproqlarning paydo bo‘lishida, uning genetik qatlamlarida har xil mineral, organik elementlarning to‘planishi yoki harakatlanishida ikkilamchi minerallarning vujudga kelishi va boshqa jarayonlarda tuproq tarkibidagi suvning roli juda kattadir. Tuproq tarkibidagi suv va unda erigan tuzlarning harakatlanish tezligi, to‘planishi, bug‘lanishi va shunga o‘xshash jarayonlar, turli mexanik tarkibli tuproq-grunt profilida o‘ziga xos xarakterga ega

bo‘ladi. Tuproqning fizik-mexanik xossalari uning faqat mexanik va struktura tarkibiga hamda namligiga emas, balki ko‘pgina kimyoviy xossalari, tuproqning mayda dispers qismi va kationlar tarkibiga ham bog‘liqdir.

Andijon viloyati tuproqlarining tuproq paydo qiluvchi ona jinslari: delyuvial-prolyuvial, prolyuvial-allyuvial, allyuvial va qatlamli allyuvial-prolyuvial yotqiziqlardan tashkil topgandir. To‘q tusli bo‘z, tipik bo‘z, och tusli bo‘z, o‘tloqi va o‘tloqi soz tuproqlarning mexanik tarkibi og‘ir va asosan o‘rta hamda qisman yengil mexanik tarkibga ega bo‘lsa, cho‘l zonasi tuproqlari qum, qumloq, yengil qumloq va ba‘zan o‘rta qumloqlardir [6]. Kimyoviy tahlil natijalariga ko‘ra, to‘q tusli bo‘z tuproqlarni mexanik tarkibida 0,1-0,05 mm. li o‘rta chang zarrachalarining miqdorlari o‘rtacha 20,0-48% (haydov qatlamida), haydalma qatlamining ostida 30-59%; tipik bo‘z tuproqlarning mexanik tarkibida 26-35% (haydalma qatlam), pastki qatlamlarda 30-43%; och tusli bo‘z tuproqlarda 22-32%, pastki qatlamlarda 30-50%; bo‘z o‘tloqi tuproqlarni mexanik tarkibida (haydov) 25-50%, (pastki qatlamlarda) 40-50; Cho‘l zonasi tuproqlarida o‘rta chang zarrachalar miqdori (haydalma qatlamda) – o‘rtacha 7-20%, pastki qatlamlarda 25-30% ni tashkil

etadi. Tuproqlarning hajm og'irligi (zichligi) haydalma qatlamidagi oziq moddalar va suvni, o'simliklarining ehtiyojiga yetarli yoki kamligini, dehqonchilikda qo'llanilayotgan agrotekhnika va meliorativ tadbirlar darajasini belgilash imkonini yaratadi.

Tadqiqot materiallari va uslubi. Andijon viloyati hududlarida o'tkazilgan tadqiqotlar, sug'oriladigan tuproqlarning zamonaviy suv-fizik va meliorativ holatini, tabiiy hamda antropogen omillar ta'sirida o'zgarishni aniqlash maqsadida bajarilib, tadqiqotlar Respublikamizda qabul qilingan so'nggi nashrdagi mukammallashtirilgan uslubiyatlar asosida o'tkazildi [1,3,4].

Tahlil va natijalar. O'rganilgan tuproqlarda asosiy fizik xossalardan hajm og'irligiga doir quyidagi ma'lumotlar aniqlandi. Marhamat tumanidagi tipik bo'z tuproqlarini hajm og'irligi 0-28 sm qatlamida 1,26-1,38 g/sm³, 28-51 sm qatlamda 1,30-1,42 g/sm³ ni, Andijon tumani tipik bo'z tuproqlarida hajm og'irligi 0-27 sm qatlamida 1,37-1,46 g/sm³ ostki qatlamida 1,28-1,44 g/sm³; Jalaquduq tumanidagi eskidan sug'oriladigan och tusli bo'z tuproqlarini haydov qatlamida 1,35-1,60 g/sm³, haydov ostida 1,36-1,53 g/sm³; Paxtaobod tumani eskidan sug'oriladigan o'tloqi-bo'z tuproqlari haydov qatlamida 1,27-1,55 g/sm³, haydov ostida 1,26-1,5 g/sm³; Bo'z tumani yangidan sug'oriladigan o'tloqi tuproqlari haydov qatlamida 1,41-1,62 g/sm³ ni, haydov ostida 1,39-1,49 g/sm³ ni; Shahrixon tumani eskidan sug'oriladigan o'tloqi saz tuproqlari haydov qatlamining zichligi 1,51-1,65 g/sm³, haydov ostki (30-54 sm) qatlamida 1,56-1,64 g/sm³; Baliqchi tumani eskidan sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarini hajm og'irligi haydov qatlamida 1,49-1,62 g/sm³ ni, haydov ostida 1,41-1,71 g/sm³; Ulug'nor tumani yangidan sug'oriladigan o'tloqi tuproqlarini haydov qatlamida 1,28-1,54 g/sm³, haydovosti qatlamida 1,34-1,56 g/sm³ ni tashkil etadi [6]. Tuproqlarning hajm og'irligi mexanik va minerologik tarkibiga, gumus(chirindi) miqdoriga, strukturasiga, qovushmasi hamda ishqalanish darajasiga bog'liq bo'lib, serchirindi, donador strukturali va g'ovak qovushmali qatlamlarni hajm og'irligi yengilroq bo'ladi. Yuqoridagi ma'lumotlardan ko'rinib turibdiki, viloyatda tarqalgan bo'z tuproqlarga nisbatan, sug'oriladigan o'tloqi va o'tloqi saz tuproqlarining haydov qatlami hajm og'irligi ortgan (Baliqchi, Ulug'nor va Shahrixon tumanlari), bu o'z navbatida qishloq xo'jaligi ekinlarini rivojlanishiga salbiy ta'sir etadi.

Viloyatdagi daryo yoyilmalarining chekkalarida, yoyilmalar o'rtasidagi pastlik yerlarda, tog'osti qiyaliklarida va qadimgi quruq o'zanlar o'rnidagi qumli va soz tuproqli cho'llarda sho'rlangan tuproqlar uchraydi. Hudud iqlimining quruqligi, yog'ingarchilikning kamligi va bug'lanishning yuqoriligi sababli, tuproqlarning yuqori qatlamida suvda eriydigan tuzlar faol yig'iladi. Shuning uchun, tog'oldi hududlarining quyi qismida sug'oriladigan dehqonchilikni rivojlantirish uchun tuproqosti gruntlarida hozirgi yoki qadimgi qoldiq sho'rlanish mavjudligi va qayta sho'rlanish havfi borligini e'tiborga olmoq zarur. Bunday tuproqlar, daryolarning qadimgi deltalar va yuqori terrassalari hamda grunt suvlari sekin oqib chiqib ketadigan tog'osti qiyaliklarida uchraydi. Andijon viloyatida sug'oriladigan yerlarning sho'rlanish darajasi ma'lumotiga

asosan: jami sug'oriladigan ekin yerlarini 73637 gektar kuchsiz sho'rlangan, 36214 gektar o'rtacha sho'rlangan, 15881 gektar kuchli sho'rlangan. O'rganilgan tuproqlarida olib borilgan dala va laboratoriya tahlillari asosida sizot suvlarining minerallashganligi o'rganilganda, sizot suvlarining sathi va kimyoviy tarkibi turlicha ekanligi kuzatildi.

Sug'oriladigan yer maydonlarida sizot suvlarining kuz faslidagi chuqurligi quyidagicha: Bo'z tumani yangidan sug'oriladigan o'tloqi tuproqlarda yerosti suvlari sathi o'rtacha 0,97-1,45 m, Shahrixon tumani eskidan sug'oriladigan o'tloqi saz tuproqlarida 0,75-1,48 m, Ulug'nor tumanidagi yangidan sug'oriladigan o'tloqi tuproqlarida 1,20-1,45 m va Baliqchi tumani eskidan sug'oriladigan o'tloqi allyuvial tuproqlarida o'rtacha 1,0-1,15 metrdan sizot suvlari chiqmoqda. Ularning kimyoviy tarkibi, sho'rlanish darajasi va sho'rlanish tiplari ham turlicha ekanligi aniqlandi. Tuproqlarni kimyoviy natijalarini tahlil qilganimizda yuvilgan (sho'rlanmagan), kam sho'rlangan va o'rtacha sho'rlangan tuproqlarni ko'proq uchratamiz. Tabiiy sharoitda tuproqlarni sho'rlanishi, sho'rhoklarni vujudga kelishiga iqlim sharoiti, ona jinsning tarkibi, sizot suvlarni joylanishi hamda sizot suvlarining kollektor va zakkash tizimlari orqali oqimi to'liq ta'minlanmaganligi sabab bo'ladi.

Tog'lardan tekislik tomon sizot suvlari minerallashuvi kuchsiz va o'rtacha minerallashganga tomon ortib boradi. Sizot suvlarining yuqori qatlamlariga yaqinlashuvi eritmadan kalsiy karbonat va magniyni cho'kmaga tushishi gips va arziqni hosil bo'lishi aniqlandi, bu holat qadimgi allyuvial tekisliklar, konus yoyilmalari oralig'idagi pastliklar va botiqlarda kuzatiladi. Gips qatlamlari yer usti suvlarini sizib o'tish darajasini yomonlashtiradi, natijada sho'r yuvish ishlari qiyinlashadi. Gipsli tuproqlar Ulug'nor, Shahrixon, Baliqchi va Bo'z tumanlarida uchraydi. Andijon viloyatida gipsli tuproqlarning umumiy maydoni 26141,0 gektarni tashkil qiladi. Shundan 15034,0 gektar kuchsiz, 9291,0 gektar o'rtacha va 1816,0 gektar kuchli gipslashgan tuproqlardan iborat.

Xulosa. Xulosa qilib aytish mumkinki, keyingi 30-40 yillar mobaynida dehqonchilikni rivojlanishi natijasida, tog'osti tekisliklari va konus yoyilmalarida, sug'oriladigan bo'z tuproqlarning katta qismi, sizot suvlarining irigatsiyali-saz rejimi ta'sirida, bo'z-o'tloqi va o'tloqi tuproqlarga tadrijiy o'zgardi. Tog'osti tekisliklari quyi qismi va yoyilmalarni chekka joylarida sizot suvlari sekinlik bilan yerning yuqori qismi (1-3 m) ga yaqinlashgani natijasida, tuproq hosil bo'lishini yarimgidromorf va gidromorf sharoitini vujudga kelganligi tadqiqotlarimizda aniqlandi. Bunday hududlarda grunt suvlari sathining kritik chuqurlikda (2,5-3,0 m) turishini ta'minlash maqsadga muvofiqdir.

Sherali MANSUROV,

b.f.f.d., katta ilmiy xodim,

Qishloq xo'jaligida bilim va innovatsiyalar milliy markazi,

Nodirjon ABDURAXMONOV,

b.f.d., professor,

Tuproqshunoslik va agrokimyoviy tadqiqotlar instituti,

Bunyod MAMARAXIMOV,

q.x.f.d., katta ilmiy xodim,

Qishloq xo'jaligida bilim va innovatsiyalar milliy markazi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasida yer monitoringini yuritish uslubi. Toshkent, 2003
2. R. Qo'ziev, V.Ye. Sektimenko, A.J.Ismonov. O'zbekiston Respublikasi tuproq qoplamlari Atlasi. Toshkent, 2010, 46 b.
3. Arinushkina Ye.V. Tuproqlarning kimyoviy tahlillari bo'yicha qo'llanma. Moskva., MDU, 1962, 491 b.
4. R.Qo'ziev, N.Abduraxmonov, A.Ismonov va boshqalar. Yer kadastrini yuritish, tuproq xaritalarini tuzish va tuproq tadqiqot izlanishlari ishlarini o'tkazish bo'yicha yo'riqnoma. Toshkent, 2009, 52 b.
5. O'zbekiston tuproqlari. II-jild. Toshkent, 1957, 326 b.
6. Andijon viloyatining qishloq xo'jaligiga yaroqli yerlarida monitoring tadqiqotlari. 2010 y. (hisobot).

OLTINGUGURT SAQLOVCHI O'G'ITLAR SAMARADORLIGI

Annotatsiya. Samarqand viloyati o'tloqi bo'z tuproqlar sharoitida kuzgi bug'doyning o'sishi, rivojlanishi va hosildorligiga oltingugurt saqlovchi o'g'itlarning samaradorligi o'rganilgan. Oltingugurt saqlovchi o'g'itlar N180K90 fonida qo'llanilganda kuzgi bug'doyning "Bezostaya-100" navidan yuqori (91-96 s/ga) hosil olingan.

Kalit so'zlar: Oltingugurt, o'tloqi bo'z tuproq, kuzgi bug'doy, "Bezostaya-100", nav, hosildorlik.

Аннотация. Изучение эффективности серосодержащих удобрений на рост, развитие и продуктивность озимой пшеницы в условиях луговых сероземов Самаркандской области. Более высокая урожайность (91-96 ц/га) получена от сорта озимой пшеницы Безостая-100 при внесении серосодержащих удобрений на фоне N180K90.

Ключевые слова: Сера, лугово-сероземная почва, озимая пшеница, «Безостая-100», сорт, продуктивность.

Abstract. The effectiveness of sulfur containing fertilizers on the growth, development and productivity of winter wheat in the conditions of the meadow gray soils of Samarkand region was studied. A higher yield (91-96 t/ha) of winter wheat «Bezostaya-100» was obtained when sulfur-retaining fertilizers were used against the background of N180K90.

Key words: Sulfur, meadow gray soil, winter wheat, "Bezostaya-100", variety, productivity.

Kirish. Oltingugurt - aminokislotalar, oqsil, vitaminlar, «B» guruh darmondorilar va fermentlar tarkibiga kirib, uglevodlar, moy kislotalari sintezida katta rol o'ynaydi. O'simliklar tarkibida oltingugurt organik va mineral shaklda uchraydi [1, 2].

Oltingugurtli mineral o'g'itlar ishlab chiqarilmaydi. Asosiy oltingugurt saqlovchi o'g'itlar va birikmalar quyidagilar: suvda yaxshi eriydigan o'g'itlar ammoniy sulfat, kaliy sulfat, kalimag va kalimagneziya va magniy sulfat misol bo'lsa, suvda qiyin eriydigan yoki erimaydigan o'g'itlar esa gips, oddiy superfosfat va sof oltingugurt hisoblanadi [3, 4]. Hozirgi kunda kompleks o'g'itlar olish texnologiyasi jarayonida oltingugurt qo'shib yangi tipdagi mineral o'g'itlar ishlab chiqarilmoqda.

Asosiy qishloq xo'jalik ekinlari 1 tonna (10 sentner) hosil to'plash uchun quyidagi miqdorda oltingugurt talab qiladi: bug'doy 3,0-3,2; arpa 3,0-4,1; suli 1,8; makkajo'xori 1,5-2,7; no'xat 4,0-15,0; beda 1,6-13,0; qand lavlagi 0,4; kartoshka 0,5-1,20; piyoz va karam 1,2-1,3; g'oz'a 1,0-6,8 kg [5].

Oltingugurtli o'g'itlarni birinchi navbatda donli ekinlar, shuningdek, don dukkakli, kungaboqar va kartoshka ekinlari oqsil va xantal moyi beradigan ekinlar uchun juda foydali hisoblanadi hamda kuzgi shudgor ostiga solish maqsadga muvofiqdir. Oltingugurt saqlovchi o'g'itlar qo'llanilganda tuproqdagi ortiqcha ishqoriylikni kamaytiradi, neytrallaydi, qiyin eruvchi fosfatlarning o'zlashtirilishini oshiradi, Ca, K, Mg, Fe larning eruvchanligini oshishiga olib keladi [6].

Respublikamizning turli tuproq-iqlim sharoitlaridan tuproq unumdorligini oshirish, qishloq xo'jalik (donli, don - dukkakli, moyli, sabzavot va kartoshka) ekinlaridan yuqori va sifatli hosil yetishtirishda oltingugurt saqlovchi o'g'itlarni qo'llash usuli, me'yori va muddatlarini o'rganish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.


Tadqiqot materiallari va uslub. Zarafshon vodiysining sug'oriladigan o'tloqi, o'tloqi-bo'z, bo'z-o'tloqi va tipik bo'z tuproqlar unumdorligini oshirish, donli, don-dukakli va sabzavot ekinlarini o'sishi, rivojlanishi, hosildorligi va hosil sifatiga oltingugurt saqlovchi o'g'itlar samaradorligini o'rganish bo'yicha ilmiy tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

Dala tajribasi Samarqand viloyati Oqdaryo tumani Samarqand agroinnovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar instituti o'quv tajriba xo'jaligining o'tloqi-bo'z tuproqlari sharoitida olib borilmoqda. Dala tajribasi o'tkazilgan maydon tuprog'i mexanik tarkibi o'rta qumoq, madaniylashgan, eskidan sug'oriladigan tuproq hisoblanadi. Tuproqning haydov qatlamida gumus miqdori - 1,15 %, Pastki qatlamlarda chirindi va ozuqa moddalar nihoyatda kamayib boradi. Yalpi azot - 0,112 %, yalpi fosfor - 0,124 %, yalpi kaliy - 2,3 % ni tashkil etadi. Harakatchan azot va fosfor bilan kam, almashinuvchan kaliy bilan o'rtacha ta'minlangan. $N-NH_4$ - 9,5,

$N-NO_3$ - 12,4, harakatchan fosfor - 15,7, almashinuvchan kaliy - 218 mg/kg ni tashkil etadi. Tuproq muhiti reaksiyasi - 7,3 ga teng. Tuproqning hajmiy massasi 1,31 g/sm³, solishtirma massasi esa 2,6 g/ sm³ ga teng.

Dala va laboratoriya tahlillari agrokimyoda umumqabul qilingan standart uslublar asosida olib borilmoqda.

Tahlil va natijalar. Oltingugurt saqlovchi o'g'itlarni qo'llash kuzgi bug'doyning o'sishi va rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatish bilan birga hosildorligini oshishiga ham olib keldi. Olingan ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, 2022 yil o'g'itsiz - nazorat variantida o'rtacha 41,5 s/ga hosil olingan bo'lsa, NK variantida olingan hosil 74,2 s/ga tashkil etdi. Oltingugurt saqlovchi o'g'itlar qo'llanilgan variantlarda nazoratga nisbatan 49,3 - 54,6 s/ga qo'shimcha hosil yetishtirildi. Eng yuqori hosil 96,1 s/ga N180K90 fonida PS-agro o'g'iti qo'llanilgan variantda aniqlandi va nazorat variantiga nisbatan 54,6 s/ga, N180K90 variantiga nisbatan esa 21,9 s/ga qo'shimcha hosil olindi. PS-agro o'g'iti qo'llanilgan variantda Superfosfat va Suprefos NS qo'llanilgan variantlar bilan deyarli bir xil hosil olindi, ular orasidagi farq tajriba xatosi ichida bo'lganligi aniqlandi (1-rasm).



1-rasm. Qo'llanilgan o'g'itlarning kuzgi bug'doy hosildorligiga ta'siri, 2022 yil.

Oltingugurt saqlovchi (Superfosfat, Suprefos NS va PS-agro) o'g'itlar qo'llanilganda kuzgi bug'doy hosildorligiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan bo'lib, keyingi tadqiqotlar ularning sifat ko'rsatkichlarini o'rganish bo'ladi.

Xulosa qilib aytganda, Samarqand viloyati Oqdaryo tumani o'tloqi bo'z tuproqlar sharoitida N180K90 fonida oltingugurt saqlovchi (Superfosfat, Suprefos NS va PS-agro) o'g'itlarni 120 kg/ga qo'llash orqali tuproq oziq rejimini yaxshilash va kuzgi bug'doyning "Bezostaya-100" navidan 91 - 96 s/ga hosil yetishtirish mumkin.

Mansur MASHRABOV,
q.x.f.f.d. (PhD), dotsent,
Muxlisa ISMOILOVA,
talaba,

Samarqand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar instituti.

ADABIYOTLAR

1. Абзалов А., Эргашев А., Хамраев М. "Значение серы в получении экологически чистого продукта растений". Орол денгизи хавзасининг саҳроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами, Тошкент-2002. Б. 240-242.
2. Абрамян С.А., Галстян А.Ш. Регулирование активности ферментов серного обмена в почве. Ж. "Почвоведение" 1986. № 9, Б.61-69.,
3. Авилова А.А., Бочарникова Е. Влияние активированного угля и микроорганизмов-деструкторов на скорость биоремедиации различных типов почв, загрязнённых сырой нефтью Материалы Международной научной конференции XV Докучаевские молодежные чтения "Почва как природная биогеохимическая мембрана" Санкт-Петербург 2012. Б. 143-144.
4. Аристархов А.Н. Баланс серы по регионам страны. Ж. «Химия в сельском хозяйстве», М., 1987. № 9, С. 41-44.,
5. Афендулов К.П., Рыбалкина А.В. Поступление серы с атмосферными осадками и ее потери из почв при вымывании. Ж. «Агрохимия», 1985. №5, С. 19.,
6. Никитишин В.И., Дмитрикова Л.К. Круговорот и баланс серы в земледелии. Ж. «Агрохимия», 1983. № 9. С. 113.

UO'T: 528.7

IQLIM O'ZGARISHINING TUPROQ DEGRADATSIYASIGA EHTIMOLIY TA'SIRINI BAHOLASH

Annotatsiya. Global iqlim isishi qurg'oqchil mintaqalarda suv taqchilligini yanada kuchaytirib, tuproq degradatsiyasi xavfini oshiradi va oziq-ovqat xavfsizligi uchun jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Ushbu maqolada Xorazm viloyati iqlim ma'lumotlari va MODIS sun'iy yo'ldosh NDVI tasvirlari asosida Earth Engine API platformasidan foydalanib, tuproq degradatsiya xavfi tahlil qilingan. Sersuv davrlar, suv taqchil davrlar va degradatsiya xavfi kuchli, o'rta, kam bo'lgan hududlarning oshib borishi hududiy tahlil qilingan. Iqlim o'zgarishi tendentsiyasining davom qilishi Amudaryo suv manbasida zaxiralarning kamayishiga olib kelib, tuproq degradatsiyasi xavfi kuchli bo'lgan maydonlar 30% dan oshishi mumkin.

Kalit so'zlar: iqlim o'zgarishi, tuproq degradatsiyasi, Earth Engine API, NDVI, MODIS, o'simlik biomassasi.

Аннотация. Глобальное потепление, вероятно, усугубит нехватку воды в засушливых регионах, усугубит вероятность деградации почвы и будет иметь серьезные последствия для продовольственной безопасности. На основе климатических данных Хорезмской области и изображений NDVI со спутника MODIS данное исследование было проведено для определения риска деградации почв с использованием платформы API Earth Engine. Интегрируя климатические данные и временные ряды NDVI, включая год воды и годы дефицита, был проведен пространственный анализ, чтобы определить, какие годы были подвержены высокому, среднему и низкому риску деградации. Если текущая тенденция изменения климата сохранится, запасы воды Амударьи могут быть истощены, а площади с высоким риском деградации почвы могут приблизиться к 30%.

Ключевые слова: Изменение климата, деградация почв, API Earth Engine, NDVI, MODIS, растительная биомасса.

Abstract. Global warming likely intensifies water scarcity in arid regions, exacerbate the probability of soil degradation, and have major consequences for food security. Focusing on Khorezm region climate data and MODIS satellite NDVI images, this research was conducted to determine the risk of soil degradation using the Earth Engine API platform. Integrating climatic data and time-series NDVI, including water year and scarcity years, spatial analyses were performed to determine which years were at high, medium, and low risk of degradation. If the current climate change trend continues, reserves in the Amudarya water supply may be depleted, and areas at high risk of soil degradation may approach 30%.


Key words: climate change, soil degradation, API Earth Engine, NDVI, MODIS, crop biomass.

Kirish. Iqlim o'zgarishi natijasida sodir bo'ladigan ko'plab tuproq xossalari o'zgarishini hisoblash mumkin bo'lib, ko'plab ilmiy asoslari topilgan [1]. Bunday o'zgarish hudud va landshaft sharoitlariga qarab ba'zi joylarga ijobiy boshqa joylarga salbiy ta'sir qiladi. Tuproqshunos olimlarning hisob-kitoblariga ko'ra tuproqdagi organik uglerodning kamayishi tuproq agregatligi va umumiy hosildorlik ko'rsatkichlarining sezilarli pasayishiga olib kelishi aniqlangan [2]. Biroq, tuproqning hosil bo'lishi va uning xossalari shakllanishi qanchalik uzoq davr davom qilsa, tuproq xossalari o'zgarishi ham juda sekin davom qiladigan jarayondir. Ko'p yillik ob-havo ma'lumotlarining tahliliga ko'ra o'rta harorat ko'rsatkichining oshib borayotganligi ma'lum bo'lib, biroq haroratning bu o'zgarishi tendentsiyasi tuproq xossalari o'zgarishini prognoz qilish uchun juda ham kamlik qiladi. Chunki tuproq genezisi va boshqa xossalari shakllanishi yuzlab va minglab yillar davom qiladigan jarayondir. Ammo, shuni ta'kidlash joizki, iqlim omillari yer yuzasida tuproqlarning shakllanishida asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. Umuman tuproq

tarkibidagi organik uglerodning o'zgarishi kuzatilib turadigan jarayon bo'lib, natijasi ko'plab salbiy oqibatlarga olib kelib, bular: tuproq strukturasi o'zgarishi, tuproqning eroziyaga moyilligi, zichlashuvi, infiltratsiya jadalligi, suv eroziyasining kuchayishi va o'simlikda ozuqa moddalari aylanishining intensivlashuviga sabab bo'lishi mumkin [3]. Ushbu tadqiqotning maqsadi, Xorazm viloyati iqlim o'zgarishi sharoitida o'rta aniqlikka ega bo'lgan MODIS sun'iy yo'ldosh ma'lumotlari va geoinformatsion algoritmlar asosida yerlarning degradatsiyaga uchrash ehtimolini baholashdan iborat.

Tadqiqot materiallari va uslublari. Iqlim o'zgarishi bo'yicha olib borilgan tadqiqotlarga ko'ra ob-havo ko'rsatkichlari ancha o'zgaruvchan bo'lib, bu o'z navbatida umumiy bug'lanishning oshishi, suv taqchilligi va qurg'oqchilikka sabab bo'lishi mumkin. Shuningdek, iqlim o'zgarishi oqibatlari hisoblangan qurg'oqchilik tuproq fizik va hidrologik xossalari ta'sir qiladi. Shuningdek, tuproq fizik va kimyoviy xossalari o'zgarishi kuzatilsa, pedosfera barqarorligi va uning sifatiga ham ta'sir o'tkazishi mumkin.

Markaziy Osiyo, shu jumladan, Quyi Amudaryo mintaqasi ko'p yillik (1970-2022 yy.) o'rtacha harorat ma'lumotlari tahlili, uch xil tendensiyaning namoyon qiladi (1-rasm). Unga ko'ra kam o'zgarish (1970-1997 yy.), keskin ko'tarilish (1998-2010 yy.) va ko'tarilish nisbatan kamayganligi (2011-2022 yy.) kuzatildi [4]. Mintaqa o'rtacha yillik harorat ko'rsatkichi tendensiyasiga ko'ra deyarli 2°C ko'tarilgan. Global iqlim o'zgarishi tadqiqotlariga ko'ra Amudaryo daryosi kabi muz va qordan to'yinish manbasiga ega daryo havzalari ma'lum muddat sersuv bo'lib, keyinchalik suv taqchilligi kuchayishini ta'kidlashadi. Suv taqchilligi Quyi Amudaryo mintaqasida 2001, 2008 va 2011 yillar sezilarli kuzatilgan. O'rtacha harorat ko'rsatkichining oshishi, evapotranspiratsiya jadalligini oshirib, o'simlikning suvga bo'lgan talabini yanada kuchaytiradi va tuproq degradatsiya xavfini keltirib chiqaradi [5].




1-rasm. Xorazm viloyati o'rtacha harorat tendensiyasi bo'yicha iqlim o'zgarishi.

Tadqiqot natijalari. Ushbu tadqiqotda, iqlim o'zgarishi va tuproq degradatsiya xavfi biologik xilma-xillikka salbiy ta'sir qilib, yer komponentlarining ekotizim xizmatlarini ko'rsatish imkoniyatlariga ta'sir qilib, yerlarning degradatsiyaga uchrash xavfini kuchaytiradi. Aholining ko'payishi, oziq-ovqat va boshqa ekotizim xizmatlariga bo'lgan talabning oshib borishiga sabab bo'lib, ayniqsa suvga bo'lgan talabni yanada kuchaytiradi [6]. Binobarin, barcha ekotizim xizmatlarini boshqarishga mos keladigan, shuningdek, degradatsiyaga uchragan qishloq xo'jaligi yerlarini tiklash imkonini beradigan barqaror qishloq xo'jaligi ishlab chiqarish tizimlarini rivojlantirish zarurligini ko'rsatadi.

Sun'iy yo'ldosh kunlik ma'lumotlari (MODIS) asosida hisoblangan o'simlik biomassa ko'rsatkichi har sakkiz kunlik maksimal qiymat ko'rsatkichi asosida aniqlandi. NDVI mavsum (mart-avgust) bo'yicha maksimal ko'rsatkichi Google Earth Engine API platformasida 2001, 2010 va 2020 yillar tahlil qilindi (2-rasm). Qishloq xo'jalik ekin maydonlari ekin konturlari GIS ma'lumotlar ba'zasiga asosan zonal statistik tahlil qilish uslubida aniqlandi. Yer usti biomassasi hududiy-davriy tahlil

natijalariga ko'ra sersuv davr (2010)da suv taqchil davr (2001) ga nisbatan viloyat hududning barcha joylarida o'zgarish katta bo'lganligini ko'rsatgan. Sersuv davrlar (2010-2020)dagi kam o'zgarish Amudaryo daryosiga yaqin bo'lgan hududlarda kuzatilganligini ko'rish mumkin. Shuningdek, shartli ravishda suv ta'minotiga nisbatan degradatsiya xavfi kuchli bo'lgan maydonlar 2001, 2010 va 2020 yillarda mos ravishda 30, 23 va 20 foiz kuzatilganligini ko'rish mumkin. Tadqiqot ma'lumotlari ekin dala konturi GIS ma'lumotlar ba'zasiga asosan zonal statistik tahlil qilinishiga qaramay, sun'iy yo'ldosh MODIS spectral ma'lumotlarining o'rtacha aniqlik darajasi bilan belgilanib, natijalarning aniqligiga ta'sir qiladi. Juda yuqori hududiy va davriy aniqlikdagi natijalarga erishish uchun MODIS va Sentinel-2 spektral ma'lumotlarini birlashtirgan holda tahlil



qilish zarur deb hisoblaymiz.

2-rasm. Yer yuzasining o'simlik bilan qoplanish darajasiga ko'ra tuproq degradatsiya darajasi.

Xulosa. Ko'p yillik iqlim ma'lumotlari va MODIS sun'iy yo'ldosh ma'lumotlarini GIS texnologiyalari orqali tahlil qilish hudud tuproqlarining degradatsiya xavfi darajasini baholash imkoniyatini ta'minlaydi. Degradatsiya xavfi o'rta bo'lgan hududlar vaqt o'tishi bilan va global iqlim isib borishiga muvofiq kamayib borishini, degradatsiya xavfi kam bo'lgan hududlarning oshib borishi hisobiga to'g'ri kelganligi bilan izohlash mumkin. Xalqaro iqlim o'zgarishi dasturi IPCC RCP2.6, 4.5 va 8.5 senariylariga asosan Markaziy Osiyo mintaqasida iqlim o'zgarishi tendensiyasi davom qilishi, Amudaryo suv manbasida zaxiralarning kamayishi va Afg'onistondagi Balx viloyati yillik suv olish hajmi 10 kub. km bo'lgan "Qo'shtepa" kanal qurilish loyihasi ko'ra kelajakda degradatsiya xavfi darajasi o'rta va kuchli bo'lgan maydonlarga katta e'tibor qaratilishi lozimligini xulosa qilish mumkin.

**Murodjon SULTANOV, doktorant (PhD), dotsent,
Navbahor JUMANIYAZOVA, PhD,
Temur MATQURBONOV, tayanch doktorant,
UrDU.**

ADABIYOTLAR

1. R.Lal, M.Suleimenov, B.A.Stewart, D.O.Hansen, and P.Doraiswamy, Climate Change and Terrestrial Carbon Sequestration in Cyentral Asia, vol. 1. 2007.
2. A.Akramkhanov, C.Martius, I.Rudenko, J.P.A.Lamers, and P. L. G. Vlek, "Cotton, water, salts and soums: Economic and ecological restructuring in Khorezm, Uzbekistan," Cotton, Water, Salts Soums Econ. Ecol. Restruct. Khorezm, Uzb., vol. 9789400719, no. January 2016, pp. 1-419, 2012, doi: 10.1007/978-94-007-1963-7.
3. M.Sultanov, M.Ibrakhimov, A.Akramkhanov, C.Bauyer, and C.Conrad, "Modelling End-of-Season Soil Salinity in Irrigated Agriculture Through Multi-temporal Optical Remote Sensing, Environmental Parameters, and In Situ Information," PFG - J. Photogramm. Remote Sens. Geoinf. Sci., vol. 86, no. 5-6, pp. 221-233, 2018, doi: 10.1007/s41064-019-00062-3.
4. T.Osokova, N.Gorelkin, and V.Chub, "Water resourcyes of Cyentral Asia and adaptation measures for climate change," Environmental Monitoring and Assessment, vol. 61, no. 1. pp. 161-166, 2000, doi: 10.1023/A:1006394808699.
5. B.Tischbein et al., "Water Management in Khorezm: Current Situation and Options for Improvement (Hydrological Perspective)," Cotton, Water, Salts Soums Econ. Ecol. Restruct. Khorezm, Uzb., vol. 9789400719, pp. 1-419, 2012, doi: 10.1007/978-94-007-1963-7.
6. C.Conrad, "Remote sensing based modeling and hydrological measurements to assess the agricultural water use in the Khorezm region (Uzbekistan)," PhD Dissertation. University of Wuyerzburg (in German), 2006.

G'O'ZA QATOR ORALARIGA DONLI EGINLAR URUG'INI EKADIGAN QURILMA

Annotatsiya. Mazkur maqolada g'o'za qator oralariga kuzgi bug'doy ekishning hozirgi kundagi holati, kamchiliklari va ularni bartaraf etish maqsadida ishlab chiqilgan ekish agregatining umumiy tuzilishi va texnologik ish jarayoni keltirilgan.

Kalit so'zlar: ekish texnologiyasi, ekish apparati, tup soni, ekish chuqurligi, urug' ekish usuli, urug' o'tkazgich, soshnik, gryadil.

Аннотация. В данной статье представлено состояние посева озимой пшеницы между рядами хлопчатника, его недостатки, а также общая структура и технологический процесс работы посадочного агрегата, разработанный с целью их устранения.

Ключевые слова: технология посадки, посадочный аппарат, количество растений, глубина посадки, способ посадки семян, семяпровод, сошник, грядиль.

Abstract. This article presents the current state of planting winter wheat between cotton rows, its shortcomings and the general structure and technological work process of the planting unit developed in order to eliminate them.

Key words: planting technology, planting apparatus, number of plants, planting depth, method of planting seeds, seed tube, opener, row.

Kirish. Kuzgi bug'doydan mo'l va sifatli hosil yetishtirishda uni optimal muddatlarda ekish muhim ahamiyatga ega. Viloyatimizda paxta hosilini yig'ishtirib olish, kech 10-20 noyabrda tugallanadi va bunday muddatda ekilgan kuzgi bug'doy hosildorligi keskin pasayadi. Kuzgi bug'doyni ekish kechikib ketishining oldini olish maqsadida u g'o'za qator oralariga ekiladi. G'o'za qator oralariga bug'doy yetishtirish texnologiyasi ochiq maydonlarda kuzgi bug'doy yetishtirish texnologiyasidan keskin farq qiladi.

Kuzgi bug'doyni g'o'za qator oralarida yetishtirishda yer haydalmaydi, tekislanmaydi, chizellanmaydi va boshqa agrotekhnika tadbirlarida ham farqlar bor. Shuning uchun g'o'za qator oralarida kuzgi bug'doy yetishtirishda energiya, resurslar tejiladi, yetishtirilgan don tannarxi nisbatan past bo'ladi.

G'o'za qator oralariga kuzgi bug'doy ekishning kamchiliklari ham bor. Kuzgi bug'doy g'o'za qator oralariga ekilganda urug'lar bir tekis tarqalmaydi, pushta va egat ichidagi urug'lar turli chuqurliklarga tushgani uchun har xil muddatlarda, qalinlikda unib chiqadi, natijada turli yoshdagi, mahsuldorligi har xil o'simliklar paydo bo'ladi. Bu esa hosildorlikka, don sifatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi.

Yuqorida keltirilgan kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida urug'larni yo'l-yo'l usulda ekadigan yangi mashina loyihalandi. Bu mashina qator oralariga urug'larni ratsional taqsimlashi hisobiga, mehnat sarfini kamaytiradi va hosildorlikni oshiradi hamda mavjud mashinalarga taqqoslaganda bir qator afzalliklarga ega:


– ekish aniqligi va tezligi yuqori;

- mashina tuzilishi konstruktiv jihatdan sodda;
- mehnat va yoqilg'i sarfi kam;
- mashina ishchi organlarini rostlash oddiy.

Tahlil va natijalar. Loyihalangan mashina quyidagi tartibda ishlaydi: Mashina rama 1 ga o'rnatilgan taqish mexanizmi 2 yordamida agregatlanadi. Harakat jarayonida pichoq 8 tuproq qatlamini vertikal tekislikda H_0 chuqurlikda qirqadi, keyin panjasimon soshnik 9 tuproq qatlamini gorizontal tekislikda H_1 chuqurlikda va V kenglikda ishlov berish bilan bryo'la urug' uchun ariqcha ochib ketadi. Tayanch g'ildirak 4 dan harakat olib aylanadigan ekish apparati 5 dan urug'lar urug' o'tkazgich 6 ga keyin esa urug'taqsimlagich 14 orqali panjasimon soshnik 9 ga tushadi va ishlov berilgan kengligi V ga teng yuza bo'ylab taqsimlanadi. Mashinaning texnologik sxemasi 1-rasmda keltirilgan.


Mashina ishchi qismlarini N_1 , N_2 , N_3 , N_5 chuqurliklarga rostlashda tutqichlarni mahkamlash mexanizmi 12, 13 va ekish chuqurligini rostlash mexanizmi 3 dan foydalaniladi. Panjasimon soshnik 9 bilan panjasimon ag'dargich 10 o'rtasidagi L masofa esa tutqichlarni mahkamlash mexanizmi 12, 13 ni brus 15 da siljitish yo'li bilan rostlanadi.

Loyihalangan soshnikning tuzilishi va ish jarayoni. Soshnikning umumiy ko'rinishi 2-rasmda keltirilgan bo'lib, u quyidagi qismlardan, ya'ni tutqich 2 ga mahkamlangan strelkasimon panja 1, urug' o'tkazgich 3, urug' o'tkazgich tutqichi 4, cheklagich 5, cheklagich tutqichi 6, rostlash teshiklari 7,8,9, urug' o'tkazgich



1-rasm. Urug'larni yo'l-yo'l usulda ekadigan mashinaning texnologik sxemasi.

1-rama; 2-taqish mexanizmi; 3-ekish chuqurligini rostlash mexanizmi; 4-harakat beruvchi tayanch g'ildirak; 5-urug' bunker ekish apparati bilan birgalikda; 6-urug' o'tkazgich; 7-harakat uzatish mexanizmi; 8-pichoq; 9-panjasimon soshnik; 10-panjasimon ag'dargich; 11-tutqich; 12,13-tutqichlarni mahkamlash mexanizmi; 14-urug'taqsimlagich; 15-brus; 17,16-bo'ltlar.



a) old ko'rinishi, b) yuqoridan, 2-rasm. Loyihalangan soshnikning umumiy ko'rinishi.

1-strelkasimon panja; 2-tutqich; 3-urug'o'tkazgich; 4-urug'o'tkazgich tutqichi; 5-cheklagich; 6-cheklagich tutqichi; 7,8,9-rostlash teshiklari; 10-urug'o'tkazgich joylashishini rostla-gich xamut; 11-xamut bolti; 12-ko'mish disk; 13-vilka; 14-pales; 15-shtok; 16-disk o'qi; 17-prujina; 18-disk tutqichi; 19-kronshteyn; 20-yo'naltiruvchi vtulka; 21-disk chuqurligini rostlash vinti.

joylashishini rostlagich xamut 10, xamut bo'lti 11, ko'mish diski 12, vilka 13, pales 14, shtok 15, disk o'qi 16, prujina 17, disk tutqichi 18, kronshteyn 19, yo'naltiruvchi vtulka 20, disk chuqurligini rostlash vinti 21 dan tuzilgan.

Soshnik quyidagi tartibda ishlaydi: tutqich 2 ga o'rnatilgan strelkasimon panja 1 tuproqni yumshatish bilan bir vaqtda urug' uchun ariqcha ham ochib ketadi. Ochilayotgan ariqcha belgilangan o'lchamlardan katta bo'lmasligi uchun maxsus cheklagich 5 o'rnatilgan. Ekish apparatidan kelayotgan urug' urug' o'tkazgich 3 orqali o'tib, urug' uchun ochilgan ariqchaga tushadi. Ko'mish disklari 12 urug'ni to'liq ko'milishini ta'minlab beradi. Ko'mish disklari 12ni bir tekis ishlashi uchun tutqich 18 o'rnatilgan. Tut-

qichning uchiga yo'naltiruvchi vtulka 20, shtok 15 va prujina 17 mahkamlangan. Prujina bikirligi disk chuqurligini rostlash vinti 21 orqali rostlanadi.

Xulosa. Taklif etilayotgan qurilmani ekinlarning urug'ini yo'l-yo'l usulda ekishda qo'llab, ekish sifatini yaxshilash, mehnat sarfini va amortizatsiya xarajatlarini kamaytirish mumkin. Buning natijasida hosildorlikni oshirish va umumiy xarajatlarni kamaytirish imkonini tug'iladi.

**Ismoil ERGASHEV, t.f.d., professor,
Tal'at XAYITOV, katta o'qituvchi,
Alisher BEKNAZAROV, assistant,
SamDVMCHBU.**

ADABIYOTLAR

1. Shoumarova M. Sh., Abdullaev T. A. Qishloq xo'jalik mashinalari. - Toshkent: O'qituvchi, 2002. 424 b.
2. Листопад Г.Е. и др. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М.: Агропромиздат, 1986.
3. Ergashev I.T., Hayitov T.A., Beknazarov A.J. «Fўza qator oralariga buғдой экиш агрегатининг умумий қаршилигини ҳисоблаш». "Agro ilm" jurnali. №4 son, 2022.
4. Hayitov T.A., Beknazarov A.J. «Bug'doy ekish va o'g'it sepish mashinasi texnologik ish jarayonini asoslash» Eurasian journal of academic research. 2023.

УЎТ: 631.316.4

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЧИЗЕЛ-КУЛТИВАТОР МОСЛАМАСИ ТЕКИСЛАГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН КЎП ОМИЛЛИ ТАЖРИБАЛАРНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация. Мақолада кенг қамровли чизел-култиваторга ишлаб чиқилган дала юзасини текислайдиган ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қиладиган мослама текислагичи параметрларининг мақбул қийматларини асослаш бўйича ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: кенг қамровли чизел-култиваторга мослама, мосламанинг текислагичи, текислагичнинг параметрлари, параметрларнинг мақбул қийматлари, ҳаракат тезлиги, текислагичнинг қамраш кенглиги, баландлиги ва тупроқ сурувчи пластинанинг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги.

Аннотация. В статье приведены результаты многофакторных экспериментов по обоснованию оптимальных значений параметров выравнивателя приспособления к широкозахватному чизель-культиватору для выравнивания поверхности поля и создания мелкокомковатого слоя почвы.

Ключевые слова: приспособление к широкозахватному чизель-культиватору, выравниватель приспособления, параметры выравнивателя, оптимальные значения параметров, скорость движения, ширина захвата, высота, и угол установки к направлению движения почвосдвигающей пластины выравнивателя.

Abstract. The article presents the results of multifactorial experiments to substantiate the optimal values of the parameters of the plate leveler; developed for a comprehensive chisel cultivator for leveling the field surface and creating a finely cloddy layer of soil.


Key words: adaptation to a comprehensive chisel cultivator; leveler of the device, parameters of the leveler, optimal parameter values, speed of movement, working width, height, and installation angle to the direction of movement of the soil-shifting plate of the leveler.

Кириш. Ҳозирги даврда Республикамизда ерларга асосий ва экиш олдида ишлов беришда МХ-255, Т 7060, АХИОН-950С, АХИОН-850, РУМА, Т 7.315 каби юқори қувватли тракторлар кенг қўлланилмоқда. Аммо улар ерларга экишдан олдин ишлов беришда кўп ҳолларда ҳўжаликларда мавжуд бўлган ЧКУ-4 ва ҳўжаликларнинг ўзларида тайёрланган ясама чизел-култиваторлар ва бошқа шунга ўхшаш машиналар билан ишлатилиб келинмоқда. Лекин бу чизел-култиваторларнинг қамраш кенглиги кичиклиги (3-4 м) сабабли улар юқорида кўрсатиб ўтилган юқори қувватли тракторларни тўлиқ юкланиш билан ишлашини таъминлай олмайди. Натижада, ерларга экишдан олдин ишлов беришга ортиқча меҳнат, ёнилғи ва бошқа харажатлар сарфланмоқда.

Таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда ҚХМИТИда юқори қувватли тракторлар билан ишлатиш учун кенг қамровли чизел-култиватор ишлаб чиқилди [1,2]. У ўрта ва ўнг ҳамда чап ён секциялардан ташкил топган бўлиб, ён секциялар марказий секция билан шарнирли боғланган ва гидроцилиндрлар воситасида иш ҳолатидан транспорт ҳолатига ва транспорт ҳолатидан иш ҳолатига ўтказилади. Лекин ишлаб чиқилган кенг қамровли чизел-култиватор қўлланилганда далалар юзасини текислаш ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қилиш учун борона ва мола-текислагич билан қўшимча ишлов берилади. Бу тупроқни ортиқча зичланиши, меҳнат ва бошқа харажатларни, шу жумладан, ёнилғи сарфини ортишига олиб келади. Шулардан келиб чиққан ҳолда ерларни бирийола

экишга тайёрлашни таъминлаш мақсадида кенг қамровли чизел-култиваторга дала юзасини текислайдиган ва унда майин тупроқ қатламини ҳосил қиладиган мослама (кейинги ўринларда мослама) ишлаб чиқилди.

Ўтказилган илмий-техник адабиётлар ҳамда патент-информацион материаллар таҳлили асосида кенг қамровли чизел-култиваторга мослама текислагичлар ва планкали ғалтакмолалардан ташкил топган этиб ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Мослама билан жиҳозланган кенг қамровли чизел-култиваторнинг схемаси
1-рама; 2-юмшаткич панжа; 3-ўқёйсимон панжа;
4-таянч ғилдирак; 5-параллелограмм механизм;
6-текислагич; 7-планкали ғалтакмола.

Текислагичлар кенг қамровли чизел-култиваторнинг ҳар бир юмшаткич панжасининг орқаси (изи)га, ғалтакмолалар эса унинг ҳар бир секциясига алоҳида ўрнатилади. Текислагичлар параллелограмм механизмлар, ғалтакмолалар эса тортқилар воситасида кенг қамровли чизел-култиваторнинг рамаси билан шарнирли боғланган.


Иш жараёнида мосламанинг текислагичлари кенг қамровли чизел-култиваторнинг юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларидан ҳосил бўлган бўйлама дўнгликларни эгтарларга суриб дала юзасини текислайди, ғалтакмолалари эса тупроқни талаб даражасида зичлайди ва дала юзасида майин тупроқ қатламини ҳосил қилади.

Ушбу мақолада мослама текислагичининг параметрларини асослаш бўйича ўтказилган кўп омилли тажрибаларнинг натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти ва усули. 2-расмда мослама текислагичининг схемаси ва асосий параметрлари келтирилган. У параллелограмм механизм 1, унга устун 2 ёрдамида ўрнатилган текислагич 3 ва унинг ўнг 4 ва чап 5 тупроқ сурувчи пластиналаридан ташкил топган.

1-жадвалда мослама текислагичининг тадқиқ этилган параметрлари, уларнинг белгилашлари, ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари келтирилган.

Кўп омилли тажрибалар Хартли-4 режаси бўйича [3] ўтказилди. Бунда баҳолаш мезони сифатида дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши (Y_1), тупроқнинг уваланиш даражаси (Y_2), яъни ўлчами 25



2-расм. Мослама текислагичининг схемаси
1-параллелограмм механизм; 2-устун,
3-текислагич,
4,5- ўнг ва чап тупроқ сурувчи пластиналар.

мм.дан кичик бўлган тупроқ фракцияларининг миқдори ҳамда текислагичнинг тортишга қаршилиги (Y_3) олинди ва бу мезонлар О'зДст 3412:2019 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари", О'зДст 3193: 2017 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш" [4, 5] бўйича аниқланди.

Таҳлил ва натижалар. Кўп омилли тажрибаларда олинган маълумотларга ҚХМИТИнинг тажриба-синов бўлимида ишлаб чиқилган "PLANEXP" дастури бўйича ишлов берилди. Бунда дисперсиянинг бир хиллигини баҳолашда Кохрен критериясидан, регрессия коэффицентларининг қийматини баҳолашда Стюдент критериясидан, регрессион моделларнинг адекватлигини баҳолашда Фишер критериясидан фойдаланилди [3] ва қуйидаги регрессия тенгламалари олинди.

- дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши бўйича (Y_1 , см):

$$Y_1 = +1,175 + 0,250X_1 - 0,040X_2 + 0,027X_3 - 0,060X_4 + 0,445X_1^2 - 0,010X_1X_2 + 0,000X_1X_3 + 0,010X_1X_4 + 0,025X_2^2 - 0,015X_2X_3 + 0,013X_2X_4 + 0,068X_3^2 + 0,015X_3X_4 + 0,022X_4^2; \quad (1)$$

- тупроқнинг уваланиш даражаси бўйича (Y_2 , %):

$$Y_2 = +78,634 + 1,606X_1 + 1,170X_2 + 0,485X_3 + 1,998X_4 - 0,611X_1^2 - 0,8753X_2^2 + 0,346X_2X_3 - 0,680X_2X_4 - 0,736X_3^2 - 0,518X_3X_4 - 0,623X_4^2; \quad (2)$$

- текислагичнинг тортишга қаршилиги бўйича (Y_3 , N):

$$Y_3 = +79,814 + 4,453X_1 + 4,748X_2 + 0,967X_3 + 4,548X_4 - 0,885X_1^2 + 0,475X_1X_2 + 0,337X_1X_3 - 0,475X_1X_4 - 1,182X_2^2 - 0,637X_2X_3 + 0,000X_2X_4 + 1,368X_3^2 - 1,388X_3X_4 + 1,468X_4^2. \quad (3)$$

(1)-(3) регрессия тенгламаларининг ҳамда улар бўйича қурилган график боғланишларнинг (3-5-расмлар) таҳлили шуни кўрсатадики, барча омиллар баҳолаш мезонларига сезиларли таъсир кўрсатган.




Мослама текислагичининг қамраш кенглиги ортиши билан (3-расм) дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши олдин камайган, кейин ортган, тупроқнинг уваланиш даражаси ва текилагичнинг тортишга қаршилиги эса қавариқ парабола қонунияти бўйича ортган.

Мослама текислагичининг баландлиги ортганда (4-расм) дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши олдин камайган ва кейин деярли ўзгармаган, тупроқнинг уваланиш даражаси олдин ортган, кейин эса ўзгармай қолган, текислагичнинг тортишга қаршилиги ҳам баландлик ортиши билан ортган, лекин унинг ортиши тортишга қаршиликнинг ортиш жадаллигининг камайишига олиб келган.

Текислагич тупроқ сурувчи пластинасининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги ортиши билан (5-расм) дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши ботиқ парабола қонунияти билан ўзгарган, яъни у олдин камайган, кейин ортган, тупроқнинг уваланиш даражаси олдин ортган, кейин камайган, текислагичнинг тортишга қаршилиги олдин камайган, кейин ортган;



Иш тезлигининг ортиши дала юзасидаги нотекисликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши камайишига, тупроқнинг уваланиш даражаси ва тортишга қаршиликнинг ортишига олиб келган.

Параметрларнинг талаб даражасидаги иш сифатини кам энергия сарфлаган ҳолда таъминлайдиган қийматларини аниқлашда (1)-(3) регрессия тенгламалари ПК «Pentium IV» компютерида Excel дастурини «ечимни қидириш» (поиск решения) амали бўйича 6-8 км/ҳ тезликлар учун биргаликда ечилди [3, 6]. Бунда дала юзасидаги нотекисликлар баланд-






1,2,3-мос равишда ҳаракат тезлиги 6,7 ва 8 km/h бўлганда

3-расм. Мослама текислагичининг қамраш кенглигини Y_1 , Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири.



1,2,3-мос равишда ҳаракат тезлиги 6,7 ва 8 km/h бўлганда.

4-расм. Мослама текислагичи баландлигининг Y_1 , Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири.



1,2,3-мос равишда ҳаракат тезлиги 6,7 ва 8 km/h бўлганда.

5-расм. Мослама текислагичи тупроқ сурувчи пластиналарининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагининг Y_1 , Y_2 ва Y_3 мезонларга таъсири.

ликларининг ўртача квадратик четланиши, яъни Y_1 мезон 2 см дан катта бўлмаслиги, тупроқнинг уваланиш даражаси, яъни Y_2 мезон 75 фоиздан кам бўлмаслиги ҳамда Y_3 мезон

минимал қийматга эга бўлиши шартлари қабул қилинди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Демак, 6-8 km/h ҳаракат тезликлариди кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаш учун мослама текислагичининг қамраш кенглиги 112-128 mm, баландлиги 55-62 mm, унинг тупроқ сурувчи пластинасининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги 30° бўлиши лозим. Омилларнинг ушбу қийматларида дала юзасидаги нотекикликлар баландликларининг ўртача квадратик четланиши $\pm 1,12$ - $\pm 1,31$ см ни, тупроқнинг уваланиш даражаси 75,73-79,04 фоизни, текислагичнинг тортишга қаршилиги 71,28-84,06 N ни ташкил этади.

1-жадвал.

Параметрларнинг ўзгариш оралиқлари ва сатҳлари

№	Параметрлар ва уларнинг ўлчов бирлиги	Параметрларнинг				
		қодланган белгилари	ўзгариш оралиғи	сатҳлари		
				қуйи (-1)	асосий (0)	юқори (+1)
1	Мослама текислагичининг қамраш кенглиги B_p , mm	X_1	25	100	125	150
2	Мослама текислагичининг баландлиги H_p , mm	X_2	20	40	60	80
3	Мослама текислагичи тупроқ сурувчи пластинасининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги γ , °	X_3	5	25	30	35
4	Иш тезлиги V , km/h	X_4	1	6	7	8

2-жадвал.

Мослама текислагичи параметрларининг мақбул қийматлари

X_4		X_1		X_2		X_3	
Қодланган	Натурал	Қодланган	Натурал	Қодланган	Натурал	Қодланган	Натурал
-1	6	0,126	128,140	-0,240	55,200	0,062	30,309
0	7	-0,419	114,534	0,025	60,496	0,059	30,295
1	8	-0,524	111,913	0,125	62,508	-0,025	29,878

Хулоса. Ўтказилган тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари бўйича 6-8 km/h ҳаракат тезликларда кам энергия сарфлаган ҳолда талаб даражасидаги иш сифатини таъминлаш учун мослама текислагичининг қамраш кенглиги 112-128 mm, баландлиги 55-62 mm, унинг тупроқ сурувчи пластинасининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчаги 30° бўлиши лозим.

Абдусалим ТЎХТАҚҶЗИЕВ, т.ф.д., профессор,
Бобир РАЖАБОВ, таянч докторант,
ҚХМИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Тўхтақўзиев А., Ўсаров М., Набихўжаева Н. Юқори қувватли тракторларга кенг қамровли чизел-култиваторлар // Иқтисодиёт тармоқларини таъмин-ловчи фан, таълим ҳамда модернизациялашган энергия ва ресурстежамкор технологиялар, техника воситалари: муаммолар, ечимлар, истиқболлар республика илмий-техник анжумани. – Жиззах, 2016. -225-228 б.

2. Тўхтақўзиев А., Мансуров М., Назаров А. Кенг қамровли чизел-култиватор // Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида

бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари: Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами. – Қарши, 2018. – Б. 128-131.

3. Аугамбаев М., Иванов А.З., Терехов Ю.И. Основы планирования научно-исследовательского эксперимента. –Ташкент: Ўқитувчи, 1993. – 336 с.

4. O'zDSt 3412:2019 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Тупроқ юзасига ишлов берувчи машиналар ва қуроллар. Синов дастури ва усуллари" // Расмий нашр. – Тошкент, 2019. – 52 б.

5. O'zDSt 3193:2017 "Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Машиналарни энергетик баҳолаш усули"//Расмий нашр.–Тошкент, 2017. – 21 б.

6. Мельников С.В., Алешкин В.Р., Рошин П.М. Планирование эксперимента в исследованиях сельскохозяйственных процессов. Ленинград.: Колос, 1980, 168 с.

УЎТ: 631.315.4

ЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИДА КўНДАЛАНГ ПОЛЛАРНИ БУЗАДИГАН МОСЛАМА СЕКЦИЯСИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИНИНГ ТУРИ ВА ТАРКИБИНИ АСОСЛАШ

Аннотация. Мақолада пахтачилик культиваторига ишлаб чиқилган ўза қатор ораларидаги кўндаланг полларни бузадиган мосламанинг тузилиши ҳамда иш органларининг тури ва таркибини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: ўза қаторлар оралари, кўндаланг пол, кўндаланг полларни бузиш учун мослама, мосламанинг тузилиши, тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари.

Аннотация. В статье приведено устройство приспособления к хлопковому культиватору для разрушения поперечных палов в междурядьях хлопчатника, а также результаты исследований по обоснованию типа и состава его рабочих органов.

Ключевые слова: междурядье хлопчатника, поперечный пал, приспособление для разрушения поперечных палов, устройство приспособления, результаты экспериментальных исследований.

Abstract. The article contains the construction and experimental results to justify the type and composition of its working parts of the device for cotton cultivator of the deformation of transverse pawls in between cotton rows.

Key words: between cotton rows, transverse pawl, the device for deformation of transverse pawls, device structure, results of experimental studies.

Кириш. Республикамиз пахтачилик ҳудудларидаги суғориладиган ерлар табиий-иқлим ва тупроқ шароитлари, тупроқнинг механик таркиби, унга ишлов бериш технологияси ва қўлланиладиган машиналарнинг турлари, уларга қўйилган агротехник талабларга кўра уч минтақага бўлинган. Учинчи минтақага қиладиган тупроғи шўрланган Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида пахта етиштириш даврида ўза қатор ораларида бўйлама ва кўндаланг поллар олинадиган ва улар орқали ўза майдонлари кичик бўлақларга бўлиниб, бостириб суғорилади. Чунки ушбу ҳудудларда экинларни бостириб суғориш усулини қўллабгина улардан етарли даражада ҳосил олиш мумкин. Акс ҳолда, яъни экинлар бостириб суғорилмаса тупроқ шўрининг дала юзасига кўтарилиши натижасида ўсимликларнинг ривожланиши ёмонлашади (ҳаттоки уларнинг қуриб қолиш ҳолатлари кузатилади), ҳосилдорлик пасаяди [1, 2].

Кўндаланг поллар ҳар суғоришдан олдин ҳосил қилинадиган ва суғоришдан кейин ўза қатор ораларига ишлов беришдан олдин бузилади. Чунки улар бузилмаса культиватор иш органларининг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарор ишлаши таъминланмайди, ишчи органларга юкланиш ортади ва натижада уларнинг деформацияланиши ва синиши кузатилади. Шу сабабли ҳар бир суғоришдан кейин тупроқ етилиши биланоқ кўндаланг поллар бузиб ташланади ва шундан кейин қатор ораларига культиватор билан ишлов берилади. Бугунги кунга қадар кўндаланг полларни олиш ҳамда бузиш кўл кучи билан бажарилиб келинмоқда ва бу пахта таннархининг

ошишига сабаб бўлмоқда.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ТИҚХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида ҚХМТИ билан ҳамкорликда пахтачилик культиватори учун ўза қаторлари орасидаги кўндаланг полларни бузадиган мослама ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган мослама бешта секциядан ташкил топган бўлиб, улардан марказий секция трактор лонжеронларига ўрнатилган олдинги рамага, қолган секциялар эса пахтачилик культиваторининг олдинги рамаларига параллелограмм механизмлар воситасида ўрнатилган ҳамда уларнинг грядиллари кўндаланг полларни бузиш учун мўлжалланган иш органлари ва таянч ғилдирақлар билан жиҳозланган.

Ишлаб чиқилган мослама билан жиҳозланган пахтачилик культиватори қўлланилганда кўндаланг полларни бузиш ўза қатор ораларига ишлов бериш билан бирга амалга оширилади.

Тадқиқот материаллари ва услуби: Ушбу мақолада ўза қаторлари ораларидаги кўндаланг полларни бузадиган мосламанинг секцияларига полларни бузиш учун ўрнатиладиган иш органларининг тури ва таркибини асослаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган. Бунда иш органларининг қуйида келтирилган вариантлар бўйича солиштирма синовлари ўтказилди (1-расм):


1-вариантда кўндаланг полларни бузадиган мослама секцияларининг грядилига КХУ-4Б универсал пахтачилик культиваторининг қамраш кенлиги 260 ва 150 мм бўлган ясси кесувчи панжалари поғонасимон ўрнатилган (1,а-расм).

Бунда қамраш кенглиги 260 мм бўлган ясси кесувчи панжа юқори ярусга ва ҳаракат йўналиши бўйича қамраш кенглиги 150 мм бўлган ясси панжадан олдинда, қамраш кенглиги 150 мм бўлган ясси кесувчи панжа эса пастки ярусга ва қамраш кенглиги 260 мм бўлган ясси кесувчи панжадан орқада жойлаштирилган бўлиб, улар орасидаги тик масофа 12 см ни, бўйлама масофа эса 20 см ни ташкил этган;

2-вариантда кўндаланг полларни бузадиган мослама секцияларининг грядилига КХМ-4 пахтачилик култиватор-оziқлантиргичнинг қамраш кенглиги 267 ва 150 мм бўлган ўқёйсимон панжалари поғонасимон ўрнатилган (1,б-расм). Бу ерда ҳам қамраш кенглиги катта, яъни 267 мм бўлган ўқёйсимон панжа юқори ярусга ва олдинда, қамраш кенглиги 150 мм бўлган ўқёйсимон панжа эса пастки ярусга ва орқада жойлаштирилган бўлиб, улар орасидаги тик ва бўйлама масофалар мос равишда 12 ва 20 см ни ташкил этган;

3-вариантда кўндаланг полларни бузадиган мослама секцияларининг грядилига КХУ-4Б универсал пахтачилик култиваторининг қамраш кенглиги 260 ва 150 мм бўлган ясси кесувчи панжалари 1-вариантдаги каби поғонасимон ўрнатилган бўлиб, уларнинг орқасидан эса 20 см масофада 60 см ли гўза қаторлари ораларида суғориш ариқларини очадиган эгачокчи ўрнатилган (1,в-расм). Унинг асосий вазифаси ясси кесувчи панжалар томонидан юмшатирилган кўндаланг пол тупроғини олдинга суриш ва ёйиб кетишдан иборат;

4-вариантда кўндаланг полларни бузиш учун мослама секцияларининг грядилига КХМ-4 пахтачилик култиватор-оziқлантиргичнинг қамраш кенглиги 267 ва 150 мм бўлган ўқёйсимон панжалари 2-вариантдаги каби поғонасимон ўрнатилган бўлиб, уларнинг орқасидан ўқёйсимон панжалар томонидан юмшатирилган тупроқни олдинга суриш ва ёйиш учун 3-вариантдаги каби эгачокчи жойлаштирилган (1,г-расм).




1-расм. Кўндаланг полларни бузадиган секция иш органларини мослама секциясининг грядилига жойлаштириши

1-кўндаланг пол, 2-грядил, 3-қамров кенглиги 260 мм ли ясси кесувчи панжа, 4-қамров кенглиги 150 мм ли ясси кесувчи панжа, 5-қамров кенглиги 267 мм ли ўқёйсимон панжа, 6-қамров кенглиги 150 мм ли ўқёйсимон панжа, 7-эгачокчи, 8-таянч ғилдирак

Иш органларининг юқорида таъкидланган вариантларини ишлаб чиқишда кўндаланг полларни бузиш мавжуд пахтачилик култиваторларининг иш органлари қўлланиб амалга оширилиши ҳамда бунда материал-энергиятежамкорлик таъминлиниши асос қилиб олинди.

Гўза қаторлари орасидаги кўндаланг полларни бузадиган мослама иш органларининг тури ва таркибини асослаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Фурқатжон Сафоев” фермер хўжалигининг далаларида О'zDSt 3090:2016 «Қишлоқ хўжалик техникасини синаш. Чопиқ экинларига ишлов берувчи машина ва қуроллар. Агротехник баҳолашни синов усуллари» [3] бўйича ўтказилди. Бунда турли вариантдаги иш органлари МТЗ 80Х чопиқ трактори ва КХУ-4Б универсал пахтачилик култиваторидан ташкил топган чопиқ агрегатига ўрнатилган кўндаланг полларни бузадиган мослама секцияларига жойлаштирилди.

Таҳлил ва натижалар. Тажрибаларда кўндаланг полнинг бузилмасдан олдинги, бузилгандан кейинги ҳамда мавжуд суғориш эгати тубининг профиллари олинди ва улар асосида кўндаланг полнинг бузилиш тўлиқлиги аниқланди ҳамда улардаги тупроқнинг уваланиш сифати ўрганилди.



— кўндаланг полнинг бузилмасдан олдинги профили, — кўндаланг полнинг бузилгандан кейинги профили, — кўндаланг полнинг ишлов берилган қатлами тубининг профили, — суғориш эгати тубининг профили,

2-расм. Кўндаланг полнинг профиллари.

1-кўндаланг полнинг бузилган ва иш органлари томонидан олдинга сурилган қатлами, 2-полнинг уваланган, лекин иш органлари томонидан олдинга сурилмасдан қолиб кетган тупроқ қатлами, 3-полнинг бузилмасдан қолган қатлами.

Жадвал.

Турли иш органлари ўрнатилган кўндаланг полларни бузадиган мосламанинг вариантлар бўйича иш кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Иш органлари таркиби			
		1-вариант	2-вариант	3-вариант	4-вариант
1	Кўндаланг полнинг бузилиш даражаси, %	68,2	72,4	92,4	95,1
2	Тупрокнинг уваланиш сифати, %				
	≥ 50 mm	23,1	18,4	17,2	14,8
	50-25 mm	34,5	31,2	30,8	28,3
	≤ 25 mm	43,4	50,4	62,0	67,9

Ўтказилган тажрибаларнинг натижалари 2-расм ва жадвалда келтирилган.

Хулоса. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан кўриниб турибдики, 4-вариант иш органларида бошқа вариантларга нисбатан кўндаланг полнинг бузилиш тўлиқлиги ва тупроқнинг уваланиш сифати юқори бўлган. Ушбу натижалар асосида кўндаланг полларни бузиш учун 4-вариант, яъни поғонасимон ўрнатилган қамраш кенглиги 267 mm ва 150 mm бўлган ўқёйсимон панжалар ва уларнинг ортидан ўрнатилган эгачиқдан ташкил топган иш органлари танлаб олинди ҳамда кейинги тадқиқотлар шу асосида ўтказилди.

Абдусалим ТҲУТАҚҶЗИЕВ,
т.ф.д., профессор,
Ҳамид ОЛИМОВ,
т.ф.ф.д. (PhD), доцент, докторант,
ҚХМИТИ.

АДАБИЁТЛАР

- Олимов Ҳ.Ҳ. Ғўза қатор ораларида сув ва энергиятежамкор бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмасининг илмий-техник ечимлари // Монография. – Бухоро, Дурдона, 2021. 60 б.
- Тўхтақўзиев А. Олимов Ҳ.Ҳ. Ғўза қатор ораларидаги кўндаланг полларни бузиш жараёнини механизациялаштириш // “Юқори самарали қишлоқ хўжалиги машиналарини яратиш ва техника воситаларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг инновацион ечимлари” мавзусидаги Халқаро илмий-техник конференцияси материаллар тўплами. // Гулбаҳор, 2022. – Б. 168-170.
Avazbek YO'LDOSHEV, talaba,
"TIQXMMI" MTU.

ADABIYOTLAR

1. Xabarina D.S., Tishaninov I.A. Analiz primeneniya bespilotnix letatelnix apparatov (BPLA) razlichnogo tipa v selskom xozyaystve // Nauka bez granits. 2021. №4 (56).
2. F.S. O'rinov "Havo hujumidan mudofaa vositalari: quruqlikdagi qo'shinlarning jangovar salohiyatini oshirishda asosiy tayanch sifatida" (Rossiya va Ukraina qurolli mojarosi kontekstida) // O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi xabarlari/ ilmiy axborot jurnali. – 3(41)/2022. 69-75 b.
3. Abduraxmonov Sh.X., Abduraxmonova Sh.A., Yunusov A.A. Parallel boshqarish tizimlari va undan samarali foydalanish// "Agroilm" ilmiy-amaliy jurnal. 1 (89) -son 2023y. –B. 109-110.
4. Kamilov F. B., Zamonaviy uchuvchisiz uchish apparatlari qo'llanilish sohalarini tahlil qilish // Yosh Tadqiqotchi Jurnali. 2023y. -B 106-115.
5. I. Toshmatova. Katta shoulardan qishloq xo'jaligigacha "Yangi O'zbekiston" gazetasining 03.11.23-y, 229-soni

UO'T: 621.311

SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI

Annotatsiya. Shamol turbinasi pichoqlari orqali F maydonidan o'tadigan shamol oqimi, Sanoat shamol elektr stantsiyasi qurilmasi, shamol turbinasiga asoslangan elektr ta'minoti tizimining ishlash printsipini tahlil qilish. Ikkilamchi energetika resurslar hisoblash usulini o'rganish.

Kalit so'zlar: shamol energiyasi, shamol turbinasi, afzalliklari, shamol tezligi, shamol oqimi.

Аннотация. Поток ветра через поле F через лопасти ветряной турбины, устройство промышленной ветроэнергетической установки, анализ принципа работы системы электроснабжения на базе ветряной турбины. Изучение методики расчета вторичных энергоресурсов.

Ключевые слова: ветроэнергетика, ветряная турбина, преимущества, скорость ветра, ветровой поток.

Annotatsion. Wind flow through the field F through the wind turbine blades, Industrial wind power plant equipment, Analysis of the principle of operation of the power supply system based on the wind turbine. Studying the method of calculating secondary energy resources.

Key words: wind energy, wind turbine, advantages, wind speed, wind flow.


Kirish. Shamol energetikasi atmosferadagi havo massalarining kinetik energiyasini elektr, mexanik, termal yoki boshqa xalq xo'jaligida foydalanishga yaroqli energiyaga aylantirishga ixtisoslashgan energiya sohasidir. Xususan, elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun shamol generatorlari (shamol elektr stantsiyasi yoki qisqa vaqt ichida shamol turbinasi) ishlatiladi[1]. Bir necha kW quvvatiga ega shamol turbinalari Yevropada, AQSHda va dunyoning boshqa qismlarida ishlab chiqariladi. Ushbu zavodlarning aksariyati bitta energiya tizimida ham, avtonom rejimda ham elektr energiyasini ishlab chiqarish uchun ishlatiladi. Shamol energiyasining asosiy afzalliklari: dizaynning soddaligi va ularning ishlashining soddaligi; muqobil energiya manbai mavjudligi[2]. Kamchiliklari shamol yo'nalishi va kuchining nomuvofiqligini; uzoq vaqt tanaffus qilish ehtimoli va natijada energiya saqlab qo'yish uchun ehtiyoj paydo bo'lishi;

hududlarni begonalashtirish va an'anaviy landshaftlarni o'zgartirish.

Shamol turbinalarini uch toifaga bo'lish mumkin: sanoat, tijorat va maishiy (xususiy foydalanish uchun), shamol turbinalarini pichoqlar soni, materiallar bo'yicha, aylanish o'qi va vint pichoqlari bo'yicha tasniflanadi[5]. Shamol turbinalarining asosiy elementlari quyidagilardir: uzatmalar bilan ustunga mahkamlangan vetroturbina va pichoqlar va elektrogenerator[4]. Shamol turbinalarining uchta asosiy turi mavjud: •vertikal aylanish o'qli («karusel» -rotarli («Savonius rotori»), «pichoqli» - ortogonal-Darier rotori);

• Gorizontal o'qli aylanma harakat (qanotli). Ular oz sonli pichoqlar bilan birga tezligi yuqori bo'ladi va ko'p sonli pichoqlar bilan sekin aylanuvchan bo'lib, samaradorligi 40% gacha bo'ladi[6].


• Barabanli va rotorli shamol turbinalari.



1.1-rasm. Sanoat shamol elektr stantsiyasi qurilmasi

1. Asos; 2. Quvvat shkafi, quvvat kontaktorlari va boshqaruv zanjiri; 3. Minora; 4. Narvon; 5. Burilish mexanizmi; 6. Gondola; 7. Elektr generatori; 8. Shamol yo'nalishini va tezligini kuzatish tizimi (anemometr); 9. Tormoz tizimi; 10. Uzatish; 11. Pichoqlar; 12. Pichoqning burilish burchagini o'zgartirish tizimi; 13. Qopqoq

Tahlil va natijalar. Shamol turbinasiga asoslangan elektr ta'minoti tizimining ishlash printsipti quyidagicha amalga oshiriladi: olingan elektr energiyasi batareyalarga ulangan batareya zaryadini boshqarish moslamasiga beriladi (odatda 24 V kuchlanishsiz). Keyin inverter ($= 24 \text{ V} \rightarrow \sim 220 \text{ V } 50 \text{ Hz}$) orqali u yukga ulanadi (1.1-rasm).



1.2-rasm. Shamol turbinalariga asoslangan elektr ta'minoti tizimining ishlash printsipti.

Shamol turbinasi pichoqlari orqali F maydonidan o'tadigan shamol oqimi energiyaga ega:

$$E = (m \cdot w^2) / 2, \text{ J}, \quad (1.1)$$

Bu yerda, w - shamol tezligi, m / s ,

m – birlik vaqt ichida F maydon orqali oquvchi havo massasi.

U quyidagicha aniqlanadi:

$$m = \rho \cdot w \cdot F, \text{ kg} / \text{s}, \quad (1.2)$$

Bu yerda ρ havo zichligi, kg / m^3 quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$\rho = P / RT \quad (1.3)$$

bu yerda, P - atmosfera bosimi, Pa,

$R = 287 \text{ J} / \text{kg} - \text{gaz doimiysi}$.

T – Absolyut harorat, K.

F maydoni pichoq uzunligi bo'yicha aniqlanadi: $F = \pi \cdot L^2$.

Shunga ko'ra, shamol turbinasi tomonidan ishlab chiqilgan elektr energiyasi quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$N = (\eta_T \cdot \eta_e \cdot \rho \cdot \pi \cdot L^2 \cdot w^3) / 2, \text{ W}, \quad (1.4)$$

bu erda, η_T - shamol turbinasining samaradorligi (0,25-0,35 orasida o'zgarib turadi),

η_e - shamol generatori va konvertorining elektr samaradorligi (0,70-0,85 orasida o'zgarib turadi).

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, kelajakda elektr energiyasiga bo'ladigan talab oshishini e'tiborga oladigan bo'lsak, qayta tiklanuvchi energiya manbalariga talab ortadi bunda bizga yaqindan yordam beradigan qayta tiklanuvchi energiyasi sifatida shamol va quyosh energiyasidan foydalanish yaqindan yordam beradi. Shamol stansiyasining foydali ish koeffitsiyentlarini oshirishda o'rnatiladigan hududni to'g'ri tanlash katta ro'l tutadi. Shamol generatorlarining konstruksiyasini o'zgartirish orqali foydali ish koeffitsiyentini oshirishimiz mumkin. Shamol tuganmaydigan tabiiy resurs bo'lgani uchun, shamol energiyasi tuganmas, chunki har doim energiya tug'diradigan manba mavjud. Shamol turbinalari yuz yil davomida ishlab turishi mumkin, chunki ularni boshqarish uchun doimo shamol mavjud bo'ladi. Shamol energiyasi barcha qayta tiklanadigan energiyalardan eng toza hisoblanadi, chunki u hech qanday chiqindi chiqarmaydi, shuning uchun uni ishlab chiqarish ifloslanishga olib kelmaydi, ekotizimlarga ta'sir qilmaydi yoki global isishga hissa qo'shmaydi. U zaharli chiqindilarning biron bir turini ishlab chiqarmagani va bundan tashqari, baxtsiz hodisa sodir bo'lgan taqdirda ham o'limga olib keladigan xavf tug'dirmasligi sababli, uni ishlab chiqaruvchilar uchun ham, shamol turbinalari yonida bo'lganlar uchun ham eng katta xavfsizlikni ta'minlaydigan energiya manbalaridan biri hisoblanadi. Nisbatan, shamol energiyasi bozorda qazilma yoqilg'iga nisbatan elektr energiyasini iste'mol qilish narxini pasaytiradi. Bu ularning samaradorligini oshirish uchun ishlab chiqilgan texnologik yutuqlar tufayli ularning ishlab chiqarish xarajatlari tobora kamayib borishi bilan bog'liq. Garchi dunyoda shamol energetikasi doimiy ravishda o'sib bormoqda, chunki u mavjud bo'lgan elektr energiyasining eng samarali va yashil manbalaridan biri hisoblanadi, ammo shuni ham yodda tutish kerakki, u e'tiborga olinishi kerak bo'lgan ba'zi kamchiliklarni keltirib chiqaradi. Ushbu kamchiliklar orasida quyidagilar ajralib turadi: Shamol turbinalari parklari juda ko'p bezovta qiluvchi shovqinlarni keltirib chiqaradi, shuning uchun ular bu noqulaylikni keltirib chiqarmaslik uchun odatda aholi punktlaridan uzoqda quriladi. So'nggi paytlarda ular ishlab chiqaradigan shovqin ifloslanishini sezilarli darajada kamaytirgan turbinalar yaxshilandi. Shamol zichligi past bo'lganligi sababli, haqiqatan ham foydali energiya ishlab chiqarish uchun bir vaqtning o'zida ishlaydigan shamol turbinalarining yuqori kontsentratsiyasi talab qilinadi. Bu energiyani to'plab bo'lmaydi, shuning uchun uni ishlab chiqaradigan elektr energiyasini darhol iste'mol qilish kerak. Shu sababli hozirgi kungacha shamol energiyasini boshqa energiya turlarining o'rnini bosuvchi deb hisoblash mumkin emas. Shuning uchun shamol stansiyasini katta quvvatli qilib loyihalasak, o'zini oqlashi ancha yuqori bo'ladi.

Sarvarbek RUSTAMOV, stajor o'qituvchi,

Baxodir BALTABOYEV, stajor o'qituvchi,

Zafar RADJAPOV, stajor o'qituvchi,

Urganch davlat universiteti fakultetlararo

umumtexnika fanlari kafedrasida,

Abror PARDAYEV, assistent,

"Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti" Milliy tadqiqot universiteti assistenti.

ADABIYOTLAR

1. Xoshimov F.A., Taslimov A.D. Energiya tejamkorligi asoslari. O'quv qo'llanmasi. – T.: "Voriz", 2014 – 192 bet.
2. Yunusov T.Yu. "Energiya ishlab chiqarishning bugungi kuni va kelajagi". Toshkent, "Fan va texnologiya", 2012 y.
3. Блинов Ю.И., Васильев А.С., Никаноров А.Н. и др. Современные энергосберегающие электротехнологии. Учебное пособие – СПбГЭТУ. Издательство «ЛЕТИ», 2001. – 564 с.
4. Рощина С.И. Энергетический менеджмент. Москва./ВлГУ. 2014 г.
5. Ламакин Г.Н. Основы менеджмента в электроэнергетике. Тверь. 2006.
6. Wayne C. Turner. Energy management. USA 2021. 752 p.

УЎТ: 623.013.166.021

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА НОҚУЛАЙ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАНИШ

Аннотация. Бугунги кунда ишлаб чиқаришдаги барча ноҳуш ҳолатлар бартараф этилиши мумкин бўлган сабаблар оқибатида пайдо бўлади. Бу каби сабабларни бартараф этиш учун иш берувчилар томонидан мавжуд қонунларни бузилишига ва меҳнат жамоаси манфаатларини суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик керак. Шунинг билан биргаликда ишчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига, технологиялардан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя қилиш кераклигини доимо эсда тутишлари талаб этилади.

Калит сўзлар: бахтсиз ҳодиса, жароҳатланиш, касб касалликлари, физик, кимёвий, биологик, психофизиологик, ишлаб чиқариш, машина, механизм, пахта, чанг, титраш, санитария, гигиена.

Аннотация. Сегодня все неприятные ситуации на производстве происходят по причинам, которые можно устранить. В целях устранения таких причин работодатели не должны допускать нарушений действующего законодательства и злоупотребления интересами трудового коллектива. Поэтому работники всегда должны помнить о соблюдении правил охраны труда и требований безопасности при использовании технологий.

Ключевые слова: несчастный случай, травма, профессиональные заболевания, физические, химические, биологические, психофизиологические, производство, машина, механизм, хлопок, пыль, вибрация, санитария, гигиена.

Abstract. Today, all unpleasant situations in production occur due to causes that can be eliminated. In order to eradicate such reasons, employers should not allow violations of existing laws and abuse of the interests of the labor team. Therefore, workers must always remember to comply with labor protection rules and safety requirements when using technologies.

Key words: accident, injury, occupational diseases, physical, chemical, biological, psychophysiological, production, machine, mechanism, cotton, dust, vibration, sanitary, hygiene.

Кириш. Ишлаб чиқариш жараёнларида ноқулай шароитларнинг юзага келиши, бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши, ишловчиларнинг касб касалликларига учрашига сабаб иш ўринларининг тўғри ташкил этилмаганлигидадир. Ишлаб чиқариш муҳитида юзага келувчи физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик омиллар ишловчиларнинг жисмоний, ақлий, руҳий томонлама таъсир этиб ишловчиларнинг толиқиш, қувватсизланиш, асабийлашиш, жароҳатланиш, турли хил касалланиш каби ҳолатларга сабаб бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг физикавий ноқулай омиллари қуйидагича намоён бўлади:

- ҳаракатланаётган машиналар ва механизмлар;
- ишлаб чиқариш ускунасининг қўзғалувчан қисмлари;
- иш зонаси ҳавосининг юқори чангланганлиги ва газланганлиги;
- ускуналар, материаллар сиртларининг юқори ёки паст ҳарорати;
- иш зонаси ҳавосининг юқори ёки паст ҳарорати;
- иш жойида шовқиннинг юқори даражаси;
- титрашнинг юқори даражаси;
- иш зонасидаги юқори ёки паст барометрик босим ва унинг тез ўзгариши;
- ҳавонинг юқори ёки пастки намлиги;

- ҳавонинг юқори ёки пастки ҳаракати;
- иш зонасида ионлаштирувчи нурланишларнинг юқори даражаси;
- электр магнети нурланишининг юқори даражаси;
- электр майдонининг юқори кучланганлиги;
- магнит майдонининг юқори кучланганлиги;
- табiiй ёритилишнинг етарли эмаслиги;
- иш зонасининг етарли ёритилмаганлиги;
- деталлар, асбоблар, ускуналар сиртларидаги ўткир қирралар, ғадир-будирликлар;
- иш жойининг ер сиртига нисбатан анча юқорида жойлашганлиги ва вазнсизликлар.

Ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ноқулай омиллари турли агрегат ҳолатидаги ўткир моддалар: ацетон, бензол ва бошқа эрувчилар, метан, карбонат ангидрид, ацетилен, бўёқлар, эмаллар, дори воситалари ва бошқа кимёвий моддалар ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришдаги кимёвий ноқулай муҳитдаги зарarli омиллар инсонга таъсир этиш ҳолати қуйидагиларда намоён бўлади.

Инсон организмга таъсир этиш йўли бўйича - нафас олиш органлари орқали;

Ошқозон-ичак йўли, тери ва қўзнинг шиллиқ қавати орқали.

Ишлаб чиқариш муҳитининг биологик ноқулай омиллари патоген микроорганизмлар бактериялар, вируслар, оддий кўзқоринларда намоён бўлади.

Психофизиологиклар ақлий юкланганликнинг ўта юқорилиги, меҳнатни монотонлиги каби омиллар таъсир этганида ишловчилар иш қобилиятининг пасайишини, чарчоқликни, руҳий зўриқишни, толиқишларни ҳис қиладилар.

Бу каби омиллар инсоннинг меҳнат фаолияти ишлаб чиқариш шароитларининг маълум муҳитида юзага келади ва у санитар-гигиеник талабларга риоя қилинмаганда одамнинг ишлаш қобилияти ва соғлиғига номақбул таъсир кўрсатиши мумкин. Инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига номақбул таъсир этадиган ҳодисаларга хавф дейилади.

Асосий қисм. Ишловчиларга номақбул шароитларнинг таъсири жароҳатланиш ёки бошқа беҳосдан соғлиқнинг тез ёмонлашуви, хатто, ўлимига олиб келувчи ишлаб чиқаришнинг хавфли омили ҳисобланади. Номақбул таъсири касалланишга ёки иш қобилияти пасайишига ва кейинги авлодлари соғлиғига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган муҳит ва меҳнат жараёнлари ишлаб чиқаришнинг зарарли омили юзага келади.

Хавфли ёки зарарли омилнинг таъсири оқибатида содир бўлган ҳодисага бахтсиз ҳодиса унинг оқибатида одам организи терисининг шикастланиши ва ундаги функцияларнинг бузилишига жароҳат дейилади.

Зарарли меҳнат шароитлари таъсирида касб касалликларининг сурункали чанг бронхити, титраш касаллиги, ўткир моддалар билан заҳарланишларни келиб чиқади.

Сонли тавсифига ва таъсирининг давомийлигига кўра ишлаб чиқаришнинг меҳнат шароитлари зарарли ва хавфли омиллари даражаси бўйича тўртта синфга бўлинади: 1-синф – оптимал меҳнат шароитлари; 2-синф – руҳсатли меҳнат шароитлари, функционал четланиш келтириб чиқаради, аммо регламентланган дам олишдан кейин организм нормал ҳолатга қайтади; 3-синф – меҳнат шароитлари, гигиеник нормаларидан ортиқ кейинги авлодларга ноқулай таъсир этувчи ишлаб чиқаришнинг зарарли омиллари мавжудлиги билан тавсифланади.

4-синф – хавфли (экстремал) меҳнат шароитлари, ишлаб чиқариш омилларининг шундай даражаси билан тавсифланадиган, уларнинг таъсири иш сменаси мобайнида ҳаёт учун хавф солади, ўткир касб жароҳати оғир шакли юқори таваккалининг вужудга келиш жараёнлари кузатилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларида бахтсиз ҳодисалар натижасида тан жароҳатини олишлари қуйидаги хавфли омиллар сабабли юзага келади: корхоналарда технологик ускуналарни ҳаракатга келтирувчи электр токи ва электр қурилмалардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаганлигида;

технологик машиналарни ҳаракатланувчи ишчи қисмлари шеткалар, қозиқлар, тишли барабанлар, шнеклар, валлар,

аррали валлар ва уларни ҳаракатлантирувчи қисмлари хавфсизлиги таъминланмаганлигидан;

корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари талаблари бузилганлигида;

45 градусдан юқори ҳароратда қиздирилган сиртлар ва агрессив таъсир этувчи кимёвий моддалар билан ишлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганлигида;

Ўриндиқнинг суянчиқлар билан жиҳозланмаганида ва нарвонлардан фойдаланишда содир бўлиши мумкин.

Инсон саломатлиги ва ҳаёт учун доимий ёки вақти-вақти билан хавф содир бўладиган ҳудуд хавфли зона деб аталади. Мисол учун, пахта тозалаш заводларида хавфли зона пахта ғарамидан 3 - 4 м масофагача доимий хавфли зона мавжуд - пахта ғарами қулаб кетиши мумкин;

лентали транспортер остида, ғарам бузгич стреласининг иш зонаси остида, машиналар юритмалари яқинида ҳам хавфли зона бўлади;

дориланган уруғли чигитни қопларга солиш жойида зарарли чанг чиққанлиги сабабли, хавфли зона ҳосил бўлиб, ишловчиларнинг жароҳат олиши касалланишларига сабаб бўлади.

Хулоса. Ҳимояловчи ва сақловчи воситалар ишловчини хавфли зонага тушиб қолишини ҳамда хавфли ва зарарли омилларнинг олди олинишига ва аварияли ҳолатларнинг юзага келтирувчи сабабларни бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, ҳар қандай ускунага хавфсиз хизмат кўрсатиш имконини беради;

ҳимояловчи ва сақловчи воситаларга машинанинг ҳаракатланувчан ёки тегиб кетиш хавфи бўлган қисмларини ёпувчи, юқори ва паст ҳароратда ҳам зарарли чанглар ва нурланишлар таъсиридан ишловчиларни жароҳатланиш ва зарарланишларидан ҳимояловчи чегараловчи ёпгичлар, тўсгичлардан фойдаланиш шарт;

механизмларни хавфсиз ишга туширувчи ва тўхтатувчи мосламалар, яъни машина ишчи қисмларининг зудлик билан тўхтатилишини таъминлаш учун электродвигателни электр занжирига тескари улаб айлантириш ҳамда динамик тормозлаш усуллари қўлланилади;

ускуналарнинг юқорида жойлашган қисми ва деталларига хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлайдиган қурилмалар буларга иш майдонлари ва нарвонлар;

хавфларни бартараф этувчи қурилма ва асбоблар билан кучли ҳимояланиш ишлаб чиқаришда юзага келадиган бахтсиз ҳодисалар, касбий касалликлар, иш қобилиятининг йўқолиши, иш унумдорлигининг пасайиши бу – корхонанинг иқтисодий самарадорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Нурмамат РАЖАБОВ,
қ.х.ф.ф.д (PhD), доцент,
Гулноза МУРТАЗАЕВА,
т.ф.ф.д (PhD),

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.
2. Муртазаева Гулноза. Нишабли даладарда жойлашган интенсив боғларда сув эрозиясини келтириб чиқарадиган омиллар. AGRO ILM. 6-сон [85], 2022. ISSN 2091-5616. 2022 йил, 72-74-бетлар.
3. Скворцов Е.А. Сельскохозяйственные роботы в системе воспроизводственных процессов// Аграрный вестник Урала. 2015. № 3. С. 89–93.
4. Ҳайдаров Т., Хожиев А., Ражабов Н. Қишлоқ ва сув ҳўжалигида жароҳатланиш ҳамда касбий касалланиш сабаблари ва уни камайтириш йўллари// Агроиқтисодиёт. 2020 йил, Махсус сон, 19-22-б.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚИШЛОҚ ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНТИРАДИ? ЎЗБЕКИСТОН УЧУН САБОҚЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда халқаро тажрибадан фойдаланишни мазмунли ўрганиш акс этади.

Калим сўзлар: қишлоқ тараққиёти, ижтимоий инфратузилма, турмуш даражаси, хорижий тажриба, соғлиқни сақлашдан фойдаланиш имконияти, барқарор ривожланиш, қишлоқ имкониятларини кенгайтириш.

Аннотация. Данная статья представляет собой содержательное исследование использования международного опыта развития социальной инфраструктуры для повышения качества жизни сельских жителей.

Ключевые слова: развитие села, социальная инфраструктура, уровень жизни, зарубежный опыт, доступность здравоохранения, устойчивое развитие, расширение прав и возможностей села.

Abstract. This article delves into the insightful exploration of leveraging international experiences in social infrastructure development to enhance the quality of life for rural residents.

Keywords: rural development, social infrastructure, standard of living, foreign experience, healthcare access, sustainable development, rural empowerment

Кириш. Қишлоқларни ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш бутун дунёда ҳукуматлар учун асосий масала ҳисобланади. Хорижий тажрибадан фойдаланиш қимматли маълумотларнинг тақдим этилиши ва қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради. Ушбу мақолада қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси сифатини яхшилаш учун ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда халқаро тажрибадан самарали фойдаланиш кўриб чиқилади.

Асосий соҳалар қуйдагича:

Таълим ва кўникмаларни ривожлантириш. Инновацион ўқитиш усуллари қўлланиладиган Финляндия каби мамлакатлардаги таълим тизимларини таҳлил қилиш қишлоқ мактабларига мослаштирилган ёндашувни илҳомлантириши мумкин. Германиядаги касбий таълим дастурларида кўриниб турганидек, кўникмаларни ривожлантириш ташаббуслари қишлоқ ёшларига ишга жойлашиш учун амалий кўникмаларга эга бўлиш имкониятини бериши мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш имконияти. Канаданинг сайёр соғлиқни сақлаш бўлинмалари ёки Австралианинг оммавий ахборот воситалари орқали соғлиқни сақлаш хизматларини ўрганиш чекка қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишни таъминлаш стратегиялари ҳақида хабардор қилиши мумкин.

Инфратузилма ва коммуникациялар. Юқори тезликдаги интернет ҳатто қишлоқ жойларида ҳам мавжуд бўлган Жанубий Корея каби мамлакатларда инфратузилма ривожланишини ўрганиш рақамли тафовутни бартараф этишга ёрдам беради. Швед моделларидан илҳомланган йўл тармоғини яхшилаш қишлоқ жойлари ва шаҳар марказлари ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаши мумкин.

Жамият ҳаётидаги фаол иштирок. Янги Зеландиядаги жамоат ташаббусларида ва Норвегиядаги иштирокчи бошқарув моделларида кўриниб турганидек, қишлоқ аҳолисининг жамиятда фаол иштироки уларда жамиятга кераклик ҳиссини уйғотади.

Муаммолар ва мослашиш. Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий чекловлар ёки Ҳиндистон каби бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган маданий тенгсизликлар каби бошқа мамлакатлар дуч келадиган муаммоларни тушуниш жуда муҳимдир.

Бутун дунёдаги муваффақиятли моделларни ўрганиш ва мослаштириш орқали қишлоқ жойлари ижтимоий инфратузилмада сезиларли яхшиланишларни кўришлари мумкин. Маҳаллий инновациялар ва жамоатчилик иштироки билан биргаликда хорижий тажрибадан намуна сифатида фойдаланиш таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ аҳолиси учун умумий ҳаёт сифатини яхшилашга йўл очиши мумкин. Мамлакатлар қишлоқларни барқарор ривожлантириш йўлида янада ўзаро ҳамкорликни кучайтириб, бир-биридан тажриба ўрганар экан, бу соҳада вужудга келадиган иқтисодий муаммоларни тезда бартараф этиш мумкин бўлади.

Адабиётлар шарҳи. “Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилманинг қиёсий таҳлили: глобал истикбол”. Ушбу тадқиқот турли мамлакатларнинг қишлоқ жойларидаги ижтимоий инфратузилма тизимларини таққослаб, қишлоқ турмуш даражасини оширишнинг муваффақиятли стратегиялари ҳақида тушунча беради [1].

“Қишлоқ жамоаларида таълим ташаббуслари: глобал тажрибани ўрганиш”. Дунё бўйлаб қишлоқ жойларидаги таълим дастурларини ўрганувчи ушбу тадқиқот шунга ўхшаш шароитларда таълимнинг кириб боириши ва сифатини сезиларли даражада яхшилаган инновацион усулларга қаратилган [2].

Узоқ ҳудудларда соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти: Халқаро амалий тадқиқотлар бутун дунё бўйлаб чекка ҳудудларда соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишнинг қиёсий таҳлили бўлиб, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишни самарали яхшилашга ёрдам берган муваффақиятли тадбирлар ва сиёсатларни ўрганади [3].

“Қишлоқ ландшафтларини барқарор ривожлантириш: бутун дунёнинг илғор тажрибалари”. Барқарор ривожланиш моделларини ўрганувчи ушбу тадқиқот қишлоқ муҳити ва турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатган яшил инфратузилма ечимларини таъкидлайди [4].

Тадқиқот материаллари ва услуги. Ушбу тадқиқотда фойдаланилган методология қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий тажрибадан фойдаланиш бўйича халқаро амалий тадқиқотлар ва илмий мақолаларни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва қиёсий таҳлил қилишни ўз ичига олди. Тадқиқотда турли манбалардан маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва синтез қилиш учун тизимли ёндашув қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Турли халқаро амалий тадқиқотлар таҳлили қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва турмуш даражасини яхшилаш учун фойдаланиладиган бир қанча умумий тенденциялар ва самарали стратегияларни аниқлади. Ушбу стратегиялар таълим, соғлиқни сақлаш, санитария ва жамиятни ривожлантириш соҳасидаги ташаббусларни қамраб олди. Қишлоқ жойларида арзон ва сифатли таълим аҳолининг малакасини ва иш билан таъминлаш имкониятларини сезиларли даражада яхшилади. Финляндия ва Канада каби мамлакатлар ўзларининг мустақкам қишлоқ таълим тизимлари орқали саводхонлик даражасини оширди ва қишлоқ ёшлари имкониятларини кенгайтди, бу эса яшаш имкониятларини яхшилашга олиб келди.

Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тенгсизликларни бартараф этиш учун етарли соғлиқни сақлаш муассасалари ва сайёр соғлиқни сақлаш бўлимлари муҳим аҳамиятга эга. Норвегия ва Австралиядоғига ўхшаш соғлиқни сақлаш моделларининг жорий этилиши соғлиқни сақлаш натижаларининг яхшиланишига, ўлим кўрсаткичларининг пасайишига ва қишлоқ аҳолисининг умр кўриш давомийлигининг ошишига олиб келди.

Санитария ва тоза сув. Тоза сувдан фойдаланиш ва тегишли санитария шароитлари қишлоқ аҳолиси саломатлиги учун жуда муҳимдир. Швеция ва Япония каби мамлакатлардаги санитария дастурлари қишлоқ жойларда сув орқали юқадиган касалликларни камайтириб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, тадқиқотда қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда хорижий тажрибадан фойдаланиш чуқур ўрганилди. Халқаро амалий тадқиқотларни чуқур қиёсий таҳлил қилиш орқали ушбу тадқиқот бир нечта асосий ғояларни аниқлади:

1. Энг яхши тажрибаларни аниқлаш. Турли ҳудудлардаги муваффақиятли тадбирларни ўрганиб, тадқиқот ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича илғор тажрибаларни аниқлади.

2. Муаммолар ва ечимлар. Қиёсий таҳлил ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда дуч келадиган умумий муаммолар, масалан, ресурслар чекланганлиги, маданий тенгсизликлар ва бошқарув муаммолари аниқланди.

3. Имкониятларни кенгайтириш ва барқарорлик. Муваффақиятли лойиҳалар жамиятнинг имкониятларини кенгайтириш ва барқарор амалиётга урғу беради. Маҳаллий аҳолини қарор қабул қилиш жараёнларига жалб қилган ва ўз-ўзига ишонадиган жамоаларни яратишга қаратилган ташаббуслар узоқ муддатли ижобий натижаларни кўрсатди.

4. Келажақ учун йўналишлар. Келажаққа қараб, тадқиқот янги технологиялар ва иқлим ўзгариши каби глобал муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ўзгарувчан ландшафтини янада чуқурроқ ўрганишни тавсия қилади. Бундан ташқари, мамлакатлар ўртасида билим алмашиш платформаларининг аҳамияти таъкидлаб ўтилди, бу мамлакатларга бир-бирининг муваффақиятлари ва муваффақиятсизликларидан доимий равишда ўрганиш имконини беради.

Асосан, ушбу тадқиқот халқаро тажрибадан фойдаланиш қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани қандай қилиб сезиларли даражада яхшилаш мумкинлигини ҳар томонлама тушуниш имконини беради. Турли глобал ташаббуслардан сабоқ олиб, мамлакатлар қишлоқнинг янада самарали, маданий жиҳатдан сезгир ва барқарор ривожланишига йўл очиб, охир-оқибат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишга олиб келиши мумкин.

Муниса АЛИМОВА, катта ўқитувчи,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Patel A. and Lee S. (2019), International Journal of Rural Development. 38(4), 487-501.
2. Kim, H., and Garcia, M. (2020), Journal of Educational Research. 12(1), 56-72.
3. Wang, L., & Johnson, R. (2018).), Global Journal of Health. 58(3), 301-318.
4. Anderson, K., & Brown, D. (2021). Magazine about sustainable development and environment. 15(2), 201-217.

ARDUINO – QISHLOQ XO‘JALIGI BO‘YICHA EKSPERIMENTLAR UCHUN SAMARALI YORDAMCHI DASTUR

Annotatsiya. Ushbu tadqiqotda asosiy e'tibor Arduino texnologiyasini qishloq xo'jaligi sinovlari va ularni ko'rgazmalarda namoyish etishga qaratilgan. Kompyuterlar va ultrazamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari kundalik hayotimizning ajralmas qismiga aylanib borayotgan raqamli dunyoda ular qishloq xo'jaligi sohasida ham tobora keng qo'llanilib bormoqda. Shunga qaramay, qishloq xo'jaligida bu texnologiyadan foydalanish cheklangan resurslar; qisman foydalanish asnosida ketmoqda. Bu esa qishloq xo'jaligi sohasida rivojlangan dunyodan ortda qolish sabablaridan biri hisoblanadi. Ushbu vaziyatni yaxshilash uchun samarali strategiyalardan biri zamonaviy kompyuter texnologiyalaridan, xususan, Arduino texnologiyasidan foydalanish hisoblanadi.

Kalit so'zlar: Arduino, qishloq xo'jaligi, raqamlashtirish, axborot texnologiyalari.

Аннотация. В этом исследовании основное внимание уделяется демонстрации технологии Arduino на сельскохозяйственных испытаниях и выставках. В цифровом мире, где компьютеры и ультрасовременные информационно-коммуникационные технологии становятся неотъемлемой частью нашей повседневной жизни, они все чаще используются в сфере сельского хозяйства. Тем не менее, использование этой технологии в сельском хозяйстве основано


на ограниченности ресурсов и частичной утилизации. Это одна из причин отставания развитого мира в области сельского хозяйства. Одной из эффективных стратегий улучшения этой ситуации является использование современных компьютерных технологий, в частности технологии Arduino.

Ключевые слова: Arduino, сельское хозяйство, цифровизация, информационные технологии.

Abstract. In this study, the main focus is on the demonstration of Arduino technology in agricultural trials and exhibitions. In the digital world, where computers and ultra-modern information and communication technologies are becoming an integral part of our daily life, they are increasingly being used in the field of agriculture. Nevertheless, the use of this technology in agriculture is based on limited resources and partial utilization. This is one of the reasons for lagging behind the developed world in the field of agriculture. One effective strategy to improve this situation is the use of modern computer technology, in particular Arduino technology.

Keywords: Arduino, agriculture, digitization, information technology.

Kirish. Zamonaviy qishloq xo'jaligi tajribalarida avtomatlashtirish muhim rol o'ynaydi, chunki tajribaning muntazam jihatlar kompyuter moduli dasturi tomonidan to'liq yoki qisman bajarilishi mumkin. Ushbu avtomatlashtirilgan yondashuv ma'lumotlarni yig'ish, hisoblash, grafik tasvirlash va hatto katta ma'lumotlarni qayta ishlash kabi vazifalarni o'z ichiga oladi. Avtomatlashtirilgan qishloq xo'jalik eksperimentlari sohasida inqilob qilgan mashhur texnologiyalardan biri bu Arduino platformasidir. Arduino mikrokontrollerlari Tmega-328 atrofida qurilgan [1] va qulay apparat va dasturiy muhitni ta'minlaydi. U Windows, MacOS va Linux operatsion tizimlari ishlaydi, bu uni ko'p qirrali va keng foydalanish imkonini beradi. Devid Kushnerning so'zlariga ko'ra, u "o'z davrining eng ta'sirli harakati" bo'ldi degan edi. [3] Hozirgi vaqtda Arduino nafaqat qishloq xo'jaligida, balki Internetda narsalarning Interneti (IoT) va robototexnika [4] kabi turli sohalarida qo'llanilmoqda va juda ko'p foydali loyihalar amalga oshirilmoqda. [2]



1-rasm. Ulanish sxemasi.

Tahlil va natijalar. O'simliklarni aqlli sug'orish. Bunda 3 ta alohida turli xil o'simliklarni namlik sensori yordamida sug'orish amalga oshirilgan. Bunda ishlash prinsipi quyidagicha: namlik sensori — namlik yetarli bo'lmaganda rele avtomatik holatda nasosni ishga tushiradi. Bunda tajribani kuzatish va boshqarish uchun Arduino IOT Cloud platformasidan (internet tarmog'i orqali kuzatish uchun agar faqat sug'orish uchun bo'lsa Arduinoga

kompyuter orqali C++ yoki Python dasturlash tili yordamida kod yozish ham mumkin, natijalarni ko'rish uchun LCD display ulash mumkin) foydalandik. Suv nasoslarini yoqib o'chirish uchun maxsus Time Scheduler vidjetidan foydalandik. Tajribada 3 ta past kuchlanishli nasoslar (3.5-5V), 3 ta rele modullari (3.5-5V), 3 ta tuproq namlik sensori (FC-28-C), 1 ta quvvat Manbai (5V), micro USB kabel, o'tkazgichlar, simlar uchun plata, plastik quvur, suv idishi ishlatildi. Nasoslar Arduino platasiga ulangan o'rni orqali boshqariladigan 5V quvvat manbai bilan quvvatlanadi. (Quyosh panelini ham ulash mumkin shunda doimiy quvvat manbaiga ega bo'ladi.) Sensorlar analog pinlar orqali Arduinoga ulangan. Ushbu sxema nasosni Arduino platasiga ulashning oddiy usuli hisoblanadi. Namlik kamayganda nasoslar 5 V bilan ta'minlanadi va nasos ishlay boshlaydi. O'chirilgan paytda nasoslar quvvatga ega bo'lmaydi. Bu usul ham arzon, sozlash oson, boshqarish qulay.

Xulosa. Yuqoridagi tajriba Arduinodan foydalanishning afzalliklariga ega edi, bu bizga nafaqat tejamkor bo'lish g'oyasini berdi, balki bizga aniq natijani berdi. Chiqishni LCD displayda yoki Arduino platformasidan ko'rish mumkin. Ochiq manbali Arduino mikrokontrollerlari va tegishli sensorlar kabi arzon va innovatsion yechimlar mutaxassislar uchun qishloq xo'jalik tajribalariga yondashuvimizni tubdan o'zgartirdi. Biz Arduino mikrokontrollerga asoslangan ishlab chiqish platalarining integratsiyasi an'anaviy sug'orish usulidan ancha samarali, tejamkorligiga qat'iy ishonamiz. Bundan tashqari, global foydalanish imkoniyati ortib borishi bilan Bluetooth va Wi-Fi kabi texnologiyalar orqali mikrokontrollerga asoslangan uskunani ushbu qurilmalarga ulash osonlashmoqda. Ushbu ulanish real vaqt rejimida monitoring va onlayn ma'lumotlarni tahlil qilish uchun yo'l ochadi, chunki arzon mikrochipga asoslangan uskunalar hamma joyda mavjud bo'lgan smartfonlar bilan muammosiz birlashtirilishi mumkin. Bundan tashqari, 3D bosib chiqarish va boshqa qo'shimchalar ishlab chiqarish texnikasi tez sur'atlar bilan rivojlanishi fototranzistorlar kabi qurilmalarni prototiplash yanada tejamkor bo'lib borayotganligi sababli, arzon, ko'p qirrali asboblarni ishlab chiqish jarayoni tezlashadi.

Dilmurod YUSUPOV, o'qituvchi,
Maftuna RAXMATULLAYEVA, talaba,
TATU Nurafshon filiali.

ADABIYOTLAR

1. Tasbaltayevich, Y. D., & Akbarjon o'g'li, T. A. (2023). ARDUINO QURILMALARIDAN KENG FOYDALANISH HAMDA TARG'IB QILISH. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 19(7), 148-150.
2. Nair, S., & Thakor, S. Arduino and its Utility for Physics Experimentation and Demonstrations.
3. Kushner, D. (2011). The making of arduino. IEEE spectrum, 26, 1-7.
4. Araújo, A., Portugal, D., Couceiro, M. S., & Rocha, R. P. (2015). Integrating Arduino-based educational mobile robots in ROS. Journal of Intelligent & Robotic Systems, 77, 281-298.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШ ВА УНИ ПРОГНОЗЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада, республикамызда 2001-2022 йилларда етиштирилган донли экинлар ҳажмининг таҳлили ва унинг модели ишлаб, чиқилди ҳамда ушбу модел асосида 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган давр прогнозлаштирилди.

Калит сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, донли экинлар, регрессия тенгламаси, динамик қаторлар, факторлар, модел, истиқбол, прогноз, техника-технологиялар, илгор технологиялар, илмий ишланмалар, селекция, самарадорлик.

Аннотация. В статье анализируются объемы выращивания зерновых культур в стране в 2001-2022 годах и его модель, и на основе этой модели прогнозируется период с 2022 по 2025 год.

Ключевые слова: Сельское хозяйство, зерновые культуры, уравнение регрессии, динамический ряд, факторы, модель, перспектива, прогноз, приемы-технологии, передовые технологии, научные разработки, селекция, эффективность.

Abstract. The article analyzes the volume of cultivation of grain crops in the country in 2001-2022 and its model, and based on this model, the period from 2022 to 2025 is predicted.

Key words: Agriculture, grain crops, regression equation, time series, factors, model, perspective, forecast, techniques-technologies, advanced technologies, scientific developments, selection, efficiency.

Кириш. Маълумки, ҳар бир мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси, энг аввало аҳолининг яшаши учун зарур бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаганлик даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади. Бунда донли экинлардан олинадиган ун, гуруч, нон маҳсулотлари, макарон, ёрма ва бошқа маҳсулотлар алоҳида ўрин тутати.

Республикамыз аҳолиси дунёда донли маҳсулотларини ўртача меъёрдан кўпроқ истеъмол қилувчи мамлакатлар қаторига киради. Бунга асосан, бизнингча, миллий урф-одатларимиздаги донли экинлардан олинадиган маҳсулотлари истеъмолининг юқорилиги сабаб бўлмоқда. Шунинг учун аҳолининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда донли экинларни етиштиришни прогнозини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Қишлоқ хўжалигида донли экинлар етиштиришни прогнозлашда моделлаштиришнинг тўғри чиқиқли регрессия усулидан фойдаланилди. Ушбу усул донли экинларни етиштиришнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир даражасини баҳолаш имконини, қишлоқ хўжалигида донли экинлар етиштиришни ривожлантириш истиқболларини белгилаб беради.

Таҳлил ва натижалар. Республикамызда 2001-2022 йилларда етиштирилган донли экинлар ҳажмини таҳлил қилар эканмиз, 2002 йилда Республикамызда 5954,4 минг тонна донли экинлар етиштирилган бўлса, 2022 йилга келиб 7672,7 минг тонна етиштирилди, 2001 йилга нисбатан 2022 йилда 128,9 % га ошганлигини кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Республикамызда етиштирилган донли экинлар ҳажми, минг тонна

2001 йилдан 2008 йилгача бўлган даврда донли экинлар етиштириш ҳажми ўсиш кузатилган бўлса, 2009-2012 йилларда донли экинлар етиштириш ҳажми эса пасайганлигини кўришимиз мумкин. 2013 йилдан 2022 йилгача Республикамызда донли экинлар ўсиш кузатилди.

Донли экинларни етиштиришнинг истиқбол параметрларини аниқлашда натижавий кўрсаткич билан омиллар ўртасидаги боғланишнинг шакли ва зичлигини аниқлаш имконини берадиган статистик прогнозлаштиришнинг корреляцион-регрессион таҳлилни самарали қўллаш мумкин. Мазкур таҳлилнинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборотларни тўплаш ва уларни бирламчи қайта ишлаш;
- регрессия тенгламасини тузиш;
- омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини баҳолаш ва регрессия тенгламасини текшириш;
- регрессия тенгламаси ёрдамида донли экинларни етиштириш кўрсаткичларини прогнозлаштириш.

Регрессион таҳлилда бир омилли чиқиқли регрессия тенгламасининг кўриниши қуйидагича бўлади.

$$\tilde{Y} = b_0 + b_1 X$$

b_1 ва b_2 параметрларини аниқлашда қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаймиз.

$$b_1 = \frac{n \sum_{i=1}^n X_i Y_i - (\sum_{i=1}^n X_i) (\sum_{i=1}^n Y_i)}{n \sum_{i=1}^n X_i^2 - (\sum_{i=1}^n X_i)^2}$$

$$b_0 = \frac{\sum_{i=1}^n Y_i}{n} - b_1 \frac{\sum_{i=1}^n X_i}{n}$$

Бунда, n – тенглама ҳажми, X_i – қадамдаги кузатиш, Y_i – i -чи қадамдаги кузатиш қиймати.

b_1 ва b_2 параметрларини аниқлаш учун 2001-2022 йилгача республикамызда етиштирилган донли экинлар ҳажмидан фойдаланиб, қуйидаги 1-жадвал маълумотларини ишлаб чиқамиз. Демак, юқоридаги жадваллардан фойдаланган ҳолда b_1 ва b_2 параметрларининг қийматини аниқлаймиз.


$$b_1 = \frac{21 \cdot 1632273,2 - 231 \cdot 142850,4}{21 \cdot 3311 - 231^2} = 79,12$$

$$b_0 = \frac{142850,4}{21} - 79,12 \cdot \frac{231}{21} = 5932,13$$

Динамик қаторлар ва донли экинларни етиштириш ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи қуйидаги моделни ишлаб чиқдик.

$$\hat{Y}_n = 5932,13 + 79,12 * X$$

Ушбу модел орқали донли экинларни етиштиришнинг 2023 йилдан 2025 йилгача бўлган даврини прогноزلаштирамиз (2-расм).



2-расм. Донли экинлар прогнози, минг тонна

Республикада донли экинларни етиштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида ушбу донли экинларни етиштиришни прогноزلаш ҳамда истиқболлини белгилаб бериш билан бирга унга таъсир этувчи факторлар билан ҳам аниқланади. Бу факторларнинг таъсир

даражалари донли экинларни етиштиришнинг истиқболдаги самарадорлигига ижобий таъсир натижаларини аниқлаш имконини беради.

Хулоса. Республикада 2023 йилдан 2025 йилларда донли экинларни етиштириш прогноз кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз, 2022 йилда республикада 7672,7 минг тонна донли экинлар етиштирилган бўлса, 2025 йилга бориб донли экинларни етиштириш 7910,0 минг тоннани ташкил этмоқда, яъни 237,3 минг тоннага ортиши прогноз қилинмоқда. Лекин донли экинларни етиштириш 2025 йилга ошиш кузатилган билан бирга, шу навбатда аҳолининг сони ҳам ошиши кузатишини ҳисобга олган ҳолда донли экинларни етиштириш бўйича республикада қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- донли экинларни ривожлантириш бўйича илмий ишланмалар, селекция ишлари ва уруғчилик ҳамда илғор технологияларни жорий қилишга йўналтирилган чора-тадбирларга давлат томонидан молиявий ва моддий ёрдам кўрсатиш;

- уруғчилик тизимида нав оригинаторлари ва илмий-тадқиқот институтлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий қилиш.

Дилфуза ТАЛИПОВА,

“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети
катта ўқитувчиси.

АДАБИЁТЛАР

1. Махмудов Н.М., Асқарова М.Т., Умаров И.Ю. Макроиқтисодий таҳлил ва прогноزلаш. Дарслик.- Т.: “Фан ва технология”, 2014. – 157 б.
2. И.С.Абдуллаев “Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланишининг прогноزلаш усуллари”.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. №4, июль-август, 2018 йил.
3. www.stat.uz

УЎТ: 623.013.166.021

СОЯ ЕТИШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада, Соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар илмий ишларини чуқур илмий ўрганилиб, атрофлича таҳлил қилиниб, уни такомиллаштириш бўйича таклифлари берилди.

Калит сўзлар: Соя, соя экинлари, такрорий экин, соя навлари, ҳосилдорлик, техник-технологиялар, агротехника тадбирлар, илм-фан, кадрлар, кредит ресурслари, ташкилий-иқтисодий механизмлар.

Аннотация. В статье научно изучены и всесторонне проанализированы научные работы зарубежных и отечественных ученых по совершенствованию организационно-экономических механизмов выращивания сои, а также даны предложения по его совершенствованию.

Ключевые слова: Соя, посевы сои, повторный урожай, сорта сои, продуктивность, технико-технологии, агротехническая деятельность, наука, кадры, кредитные ресурсы, организационно-экономические механизмы.

Abstract. The article scientifically studied and comprehensively analyzed the scientific work of foreign and domestic scientists on improving the organizational and economic mechanisms of soybean cultivation, and also made proposals for its improvement.

Key words: Soybeans, soybean crops, re-harvest, soybean varieties, productivity, technical technologies, agrotechnical activities, science, personnel, credit resources, organizational and economic mechanisms.

Кириш. Дунё миқёсида соя муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши, қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларининг янада кенгайтириш ва юқори сифатли маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлашни тақозо этмоқда. “Дунё бўйича бугунги кунда 122

млн гектар майдонда соя парваришланиб, йилига 362 миллион тоннадан зиёд соя дони олинмоқда, жумладан, Бразилия 37 млн, АҚШ 31 млн, Аргентина 18 млн, Ҳиндистон 11 млн, Хитой 9 млн, Ўзбекистонда 31.0 минг гектар очиқ майдонда соя экилиб 32,4 минг тонна соя дони етиштирилади”. Аммо,

аҳолининг кундан-кун соя оқили ва мойига бўлган талаби ортиб бориши натижасида янада оқил ва мой миқдори юқори бўлган соя ўсимлигига нисбатан ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда.

Соядан саноат корхоналарида озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари газламалар, сунъий ўғитлар ва дори-дармонлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шунинг учун мамлакатимизда соя ўсимлигини етиштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда соя навларини етиштириш ва улардан озиқ-овқат ҳамда қайта ишлаш саноатида фойдаланиш учун технологик хусусиятларини ўрганиш ва илмий асослаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича хорижий ва маҳаллий олимлар илмий ишларини чуқур илмий ўрганилиб, атрофлича таҳлил қилинди. Соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари, бунда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда соя ўсимлигини етиштириш ва аҳолининг соя мойига бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йилда республикада биринчи марта 12 минг гектардан ортиқ майдонга соя экилиб, 14 минг тонна соя дони етиштирилди ва ушбу хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига аҳолига 2 минг тоннадан ортиқ соя ёғи, паррандачилик корхоналарига 10 минг тонна юқори озуқали соя шроти етказиб берилди.

Соя навлари республикамизнинг барча вилоятларида асосий ва такрорий экишга мослашган ва етиштириш агро-техникаси ишлаб чиқилган. Маълумки, қишлоқ хўжалигида соя ўсимлигидан юқори ва барқарор ҳосил олиш учун соянинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни экиш ва парваришlash учун техника воситалари мавжуд. Соя уруғлари маккажўхори, сабзавот сеялкалари билан экилади. Фермерларда ҳеч қандай сеялка бўлмаса дон сеялкаларини созлаш ҳисобига экиш мумкин. Қатор ораларини ишлашда мавжуд техникалардан фойдаланилади, дони эса дон комбайнлари ёрдамида ўриб олинади.

Бу ўсимлик ўз биологик хусусиятига кўра, бошқа экинларга қараганда ер танламайди. Фермер ва деҳқонларимиз соядан фойдаланиши уларга яхшигина даромад келтириши мумкин [1]. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда соя экинини етиштириш нима беради:

- халқимиз дастурхонини озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотлари билан бойитади;
- чорва моллари ва паррандалар сифатли ва оқилга бой озуқа билан таъминланади;
- республика мой заводларига арзон, сифатли хомашё етказиб берилиб, уларнинг ишлаш муддати узаяди ва ўсимлик мойи четдан келтирилмайди;
- деҳқончиликда тупроқ унумдорлиги ошади ва қисқа муддатли алмашлаб экиш тизими вужудга келади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакат қишлоқ хўжалигининг ривожланиши биринчи навбатда, илмий салоҳиятдан фойдаланиш даражаси ва ишлаб чиқаришни илмий асосда илмий бошқариш, шунингдек қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда соя етиштиришнинг илмий йўналиши билан белгиланади. Илм-фан, илмий муассасалар, олимлар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатадиган ўзларининг янги ғоялари ҳамда фикр-мулоҳазалари билан боғлиқ ҳолда доим муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Н.Ф.Ёдгоров, Қ.Ҳ.Тўрақуловларнинг олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, 2-муддатда такрорий соя экилган вариантларда ҳосилдорлик гектарига 15,8–22,1 центнер оралиғида бўлиб, қайд қилинган энг юқори ҳосилдорлик (22,1 ц/га) кўчат қалинлиги гектарига (300 минг. дона/га) туп бўлган вариантда кузатилган бўлса, энг кам ҳосилдорлик (15,8 ц/га) кўчат қалинлиги гектарига 200 минг. дона/га туп бўлган вариантда, яъни 6,3 ц/га кам бўлганлиги олиб борилган тадқиқотларда аниқланган [3]. Қашқадарё вилоятининг суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги бугдойдан сўнг такрорий экин сифатида экилган соя экинида кўчат қалинлигининг ортиши ўсимлик вегетатив қисмининг ривожланишига ижобий таъсир қилади, аммо кўчат қалинлиги экиш меъёрдан ортиши ўсимлиكنинг генератив органлари, экинларнинг шоналаш давридан тўла пишиш давларига салбий таъсир қилади ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари сезиларли камайган.

У.Норкулов, О.Сотторовларнинг олиб борилган тажриба натижаларига асосланиб хулоса қилинганки, такрорий экин сифатида экилган соя экинини мавсум давомида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги тупроқнинг чегаравий нам сифмига нисбатан 70–80–60% бўлганда 5 марта суғориш ва ҳар галги суғориш меъёрлари 500–600 м³/га бўлишлиги 20,2 ц/га дон ҳосили олишни таъминлаган [4].

Россиялик олим И.А.Минакованинг олиб борган тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги вақтда турли қишлоқ хўжалиги корхоналарида соя ҳосилдорлигида катта фарқлар кузатилмоқда [5]. Улар нафақат табиий (табиий-иқлим) шароитлари, балки қишлоқ хўжалиги технологияси, қишлоқ хўжалиги маданияти, чорвачиликнинг мавжудлиги, механизаторлар ва чорвадорларнинг кадрлар билан таъминланиши, ташкилий-иқтисодий шароитлар билан ҳам белгиланади.

Шу билан бирга, Республика аграр соҳасида бозор муносабатларини жорий қилиниши соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигида соя етиштириш самарадорлигининг мавжуд таърифларини умумлаштириш ва уни илмий таҳлил қилиш ушбу мураккаб кўп қиррали тоифанинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Шундан келиб чиқиб, илмий муассасалар ва олимларнинг илмий изланишларини амалга ошириш, соя етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш зарур бўлади.

Ушбу мақсадларга эришишда соя етиштиришнинг қуйидаги ташкилий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш ва уни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир:

- юқори ҳосил берадиган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, табиатнинг тез ўзгарувчан ноқулай шароитларига бардош берадиган ва бозордаги талаб ўзгаришларига максимал даражада жавобгар берадиган соя навларини кўпайтириш ва ҳудудлар шароитига мослиги даражасини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш масаласини ҳал этиш;
- соя етиштиришда техника-технологияларни такомиллаштириш усулларида кенг фойдаланишни, шу жумладан, ҳудудларда соянинг хилма-хиллигини кенгайтириш керак.

Қишлоқ хўжалигида соя етиштириш йўналиши бўйича банк услубидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун, фермерларга мақсадли кредит ресурслари ажратиш зарур:

- соя етиштиришда фермер хўжаликларининг ишчи ходимларни касбий малакасини ошириб бориш, янги агротехника тадбирларини ўзлаштиришга қўмаклашиш, соя етиштиришни малакали ва тажрибали мутахассислар билан таъминлаш-

нинг иқтисодий асосларини такомиллаштириш зарур ва шунга ўхшаш бошқа муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиш.

Гулноза ТАШХОДЖАЕВА,
“ТИҚХММИ” МТУ ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Сулаймонов Б.А., Атабаева Х.Н., Тиллаев Р. ва бош. Соя экинни етиштиришни биласизми? (Қўлланма). – Тошкент, 2017.
2. Экономика сельскохозяйственного предприятия / Под ред. И.А. Минакова. – Москва.: Колос С, 2004. – 528 с.
3. Ёдгоров Н.Ғ, Тўрақулов Қ.Ҳ. Такрорий соя етиштириш агротехикасининг вегетация даври ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари. // “Бошоқли ва дуккакли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги, ер ва сув ресурсларини тежовчи етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш истиқболлари” Республика илмий-амалий конференция тўплами. Қарши-2020 й, 270–272-б.
4. Норкулов У, Сотторов О Такрорий экин сифатида экилган сояни суғориш тартиблари. // ТошДАУ “Мойли экинларни етиштириш ва қайта ишлаш: ҳозирги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари” мазусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Тошкент, 2018 й. 21 апрел. 187- б.
5. Минакова И.А. Экономика сельскохозяйственного предприятия / Под ред.– Москва.: Колос С, 2014. – 528 с.

УЎТ: 623.013.166.021

ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация. Мақолада, чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида чорвачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш масалари таҳлил қилиниб, хулосалар берилган.

Калим сўзлар: чорвачилик, чорвачилик тармоғи, чорвачилик маҳсулотлари, моддий-техника, ишлаб чиқариш, озуқа базаси, чорвачилик селекцияси, инновацион гоёлар, рағбатлантириш, инвестиция, кредит, жамгарма.

Аннотация. В статье анализируются вопросы повышения эффективности государственной поддержки отрасли животноводства на основе принятых нормативно-правовых документов по дальнейшему развитию отрасли животноводства и даются выводы.

Ключевые слова: животноводство, животноводство, продукция животноводства, материал и технология, производство, кормовая база, селекция скота, инновационные идеи, льготы, инвестиции, кредит, сбережения.

Abstract. The article analyzes the issues of increasing the efficiency of state support for the livestock industry on the basis of adopted regulatory documents on the further development of the livestock industry and provides conclusions.

Key words: animal husbandry, animal husbandry, animal products, material and technology, production, feed supply, livestock selection, innovative ideas, benefits, investments, credit, savings.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 25 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида айтилган пайтда мамлакатимизда чорвачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Аммо тармоқни модернизациялаш маълум бир йўналишларда амалга оширилиши кутилган натижани бераётганлиги оқибатида чорва моллари маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда. Истиқболда “... қорақўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилишини” айтиб ўтган эди.

Чорвачилик соҳасини жадал ривожлантириш, соҳада замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар қўламини

янада кенгайтириш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Албатта, чорвачилик соҳасидаги бу муаммоларни самарали ҳал этиш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш алоҳида энг муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот материаллари ва услуби. Республикаимизда чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш, соҳада замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича чорвачилик бўйича кластер тизимини жорий этиш, чорвачилик маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини ошириш ҳамда турларини кенгайтириш асосида аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, уларнинг амалга оширилиши атрофича таҳлил қилинди. Илмий тадқиқотлар республикамиз доирасида ўрганилиб, бунда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил ва синтез, кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда, Республикаимизда чорвачилик ихтисослаштирилган фермер хўжаликларининг

моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, харажатларни камайитириб, етиштириладиган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайиши ва сифати яхшиланиш бўйича бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Бу бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-120 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан чорвачилик соҳасида кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш ҳамда замонавий технология ва тажрибаларни қўллаш орқали чорвачилик соҳасини янги босқичга кўтариш ҳамда чорвачилик соҳасида фермер хўжаликлари, шунингдек, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналари ҳамда чорвачилик фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш вазибалари белгилаб берилди. Чорвачилик соҳасини жадал ривожлантириш, соҳада замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни йўлга қўйиш хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб этиш билан бирга ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Чорвачилик соҳасининг ички имкониятларини ошириш бўйича чора тадбирларнинг изчил амалга оширилиб борилаётганлиги, шунингдек, уларга давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатилиб келинаётганлиги чорва моллари бош сонининг кўпайишига, ички истеъмол бозорларини чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдиришга имкон яратди.

Бугунги кунда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 13 505,5 минг бошга етди, сигирлар 4 782,6 минг бошга, қўй ва эчкилар 23 441,9 минг бошга, отлар 267,3 минг бошга, паррандалар 94 170,8 минг бошга етди. Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 1 267,5 минг тонна гўшт, 5 288,3 минг тонна сут, 3 571,2 млн. дона тухум, 20,8 минг тонна қирқиб олинган жун, 961,9 минг дона қорақўл тери етиштирилди ва 46,5 минг тонна балиқ овланди (1-жавал).

1-жавал.

Барча хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони, минг бош

Турлари	Барча тоифадаги хўжаликлар	шу жумладан:		
		фермер хўжаликлари	деҳқон ва томорқа хўжаликлари	кишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
Йирик шохли қорамоллар	13505,5	930,2	12359,2	216,1
Шундан, сигирлар	4782,6	349,2	4 360,5	72,9
Қўй ва эчкилар	23441,9	3474,9	18423,4	1 43,6
Отлар	267,3	60,6	191,6	15,1
Паррандалар	94170,8	14160,4	50960,9	29049,5

Албатта, юқоридаги барча натижалар давлатимиз томонидан республикамизда чорвачиликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, замонавий, инновацион ғояларни татбиқ қилиш, чорвачилик селекцияси ва наслини яхшилаш, чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолини сифатли ва арзон экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар натижаси ҳисобланади.

Лекин, ҳозирги кунда давлат томонидан чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қарамасдан баъзи чорвачилик тармоғининг жадал ривожланишида бир қатор қуйидаги муаммолар мавжуд.

- чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида чет эл инвестицияларни жалб этиш ва уларга кафолат беришда ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда;

- чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш мақсадида давлат, тижорат банклари ва ташкил этилган жамғармалар ҳисобидан инвестицияларни жалб этишда тадбиркорлар ўртасида рақобат муҳитини ташкил этишда аниқ бир механизм йўқлиги сабабли инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси юқори эмас;

- чорвачилик соҳасини инновацион технологиялар билан қайта жиҳозлаш мақсадида тижорат банкларидан олинаётган кредитлар фоизи юқорилиги сабабли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари даромади ортиб боришининг имконини бермаяпти.

Хулоса. Чорвачилик соҳасида ўзаро узвий боғлиқлиги ву-жудга келиши чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайта ишлашни йўлга қўйишни таъминлаб, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга олиб келади. Шу билан бирга, чорвачилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, чорвачиликда замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш билан бирга маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келади. Олиб борилган тадқиқот натижалари, қуйидаги таклифларни шакллантириш учун асос бўлди.

- чорвачиликка жалб этилаётган чет эл инвестицияларига давлат томонидан 100 фоизлик кафолатлар бериш;

- давлат, тижорат банклари ва ташкил этилган жамғармалар ҳисобидан Чорвачиликка жалб қилинаётган инвестициялар бўйича тадбиркорлар ўртасида рақобат муҳитини ташкил этган ҳолда очиқ тендерлар ўтказиш;

- тижорат банкларидан томонидан чорвачилик соҳасини ривожлантириш учун тадбиркорлар томонидан олинаётган кредитлар фоизини Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси миқдоридан юқори қисmini давлат томонидан молиялаштиришни белгилаш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, Республикаимизда чорвачилик соҳасининг жадал ва самарали ривожланишида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий қийинчиликларини тезда ҳал қилишда ҳамда аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш, чорвачиликда замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш

ва тайёр чорвачилик маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга тўққинлик қилаётган қатор муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

Наргиза АКРАМОВА,

“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети ассистенти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25 январь 2020 йил. <https://uza.uz>
2. Садуллаев У.Н. Чорвачилик тармоғини модернизациялашда хорижий давлатлар тажрибаси ва уни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари // Агроиктисодиёт. 2019. №2, 71-73 б.
3. Хушматов Н.С., Абдуллаева С.С. “Деҳқон ва фермер хўжаликларида экологик тоза сут этиштириш ва бозорга таклиф этиш тизимини ривожлантиришдаги илмий-амалий масалаларга доир услубий тавсиялар” – Тошкент
4. www.stat.uz

BALIQCCHILIK SOHASIDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDAGI OMILLAR

Annotatsiya. Maqolada baliqchilikni rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning tutgan o‘rni, mamlakatimiz tomonidan sohani rivojlantirishdagi islohotlar va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari hamda uning tahlili Qoraqalpog‘iston Respublikasi misolida ko‘rib chiqilgan. Shuningdek, bugungi kunda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini, jumladan, baliq mahsulotlarini yetishtirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish yuzasidan ilmiy va amaliy takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, baliqchilik, intensiv usul, ishchi o‘rinlar.

Аннотация. В статье рассматривается роль малого бизнеса и частного предпринимательства в развитии рыбного хозяйства, реформы в развитии отрасли нашей страной и сельскохозяйственной продукции и ее анализ на примере Республики Каракалпакстан. Также сегодня прозвучали научно-практические предложения по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства в сфере выращивания сельскохозяйственной продукции, в том числе рыбной продукции.

Ключевые слова: малый бизнес и частное предпринимательство, продукция сельского хозяйства, рыболовство, интенсивный метод, рабочие места.

Abstract. The article examines the role of small business and private entrepreneurship in the development of fisheries, reforms in the development of the industry in our country and agricultural products and its analysis using the example of the Republic of Karakalpakstan. Also today, scientific and practical proposals were made for the development of small businesses and private entrepreneurship in the field of growing agricultural products, including fish products.

Keywords: small business and private entrepreneurship, agricultural products, fishing, intensive method, jobs.

Kirish: Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyat turlari hamda shakllariga berilgan ta’riflarni umumlashtirgan holda respublikaning milliy, an’anaviy, tarixiy jihatlari, aholini mentalitetini hisobga olgan holda baliqchilik tadbirkorligi tushunchasiga mualliflik yondashuvini keltirib chiqarmoqda: Baliqchilik tadbirkorligi - bu xususiy, jamoaviy, oilaviy va yakka shakldagi tadbirkorlik bo‘lib, asosan, baliq va baliq mahsulotlari yetishtirish, qayta ishlash, taqsimlash, sotish va yetkazib berish faoliyatlari bilan shug‘ullanuvchi tadbirkorlik subyektidir.

Tadqiqot uslubi: Ushbu tadqiqot uchun biz sifat va miqdoriy usullardan foydalandik.

Kichik biznes va tadbirkorlik faoliyat turlari va shakllariga berilgan ta’riflarni umumlashtirgan holda respublikaning milliy, an’anaviy, tarixiy jihatlari, aholining mentalitetini hisobga olgan holda baliqchilik tadbirkorligi tushunchasiga mualliflik yondashuvini keltirib chiqarmoqda: Baliqchilik tadbirkorligi - bu xususiy, jamoaviy, oilaviy va yakka shakldagi tadbirkorlik bo‘lib, asosan baliq va baliq mahsulotlari yetishtirish, qayta ishlash, taqsimlash, sotish va yetkazib berish faoliyatlari bilan shug‘ullanuvchi tadbirkorlik subyektidir[1].

Aholini oziq-ovqatga kundan-kun o’sib borayotgan talabini qondirish uchun qishloq xo‘jaligining boshqa tarmoqlari qatori

baliqchilik sohasini rivojlantirish ham hozirgi kunda asosiy masalalardan biri hisoblanadi. Respublikada baliqchilik tarmog‘ini jadal rivojlantirish, baliq mahsulotlari ishlab chiqarishning zamonaviy va innovatsion uslublarini joriy etgan holda hajmlarini oshirish, sohani tartibga solish bo‘yicha bir qator qonun hujjatlari qabul qilinib, ularning ijrosini sifatli va puxta ta’minlash choralarini ko‘rilmoqda. Shu bilan birga, intensiv usulda baliq yetishtirish bo‘yicha ishlarga yetarli darajada e’tibor qaratilyapti, hududlarda baliqchilik tarmog‘ini rivojlantirishda yuzaga kelayotgan muammolarni hal etish, baliqchilik xo‘jaliklarini qo‘llab-quvvatlash borasida olib borilayotgan ishlarni jadallashtirish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi. Baliqchilik xo‘jaliklariga birlashtirilgan suv havza maydonlaridan ilmiy yondashuv asosida samarali foydalanish, ularning meliorativ holatini yaxshilash, shuningdek, resurs tejankor texnologiyalar va innovatsiyalarni keng ko‘lamda joriy qilish ishlariga yetarlicha e’tibor berish, sun’iy suv havzalari hosildorligini oshirish uchun baliqchilik xo‘jaliklarining mineral o‘g‘itlarga bo‘lgan talabi to‘liq qondirish, mineral o‘g‘itni boshqa muqobil o‘g‘itlar bilan almashtirish bo‘yicha ilmiy-tadqiqot ishlarini olib borish, baliqni intensiv usulda yetishtirish, ovlash va qayta ishlash uchun zarur asbob-uskuna, anjom va mexanizmlarni mahalliy ishlab chiqarishni yo‘lga qo‘yish zarur. Tadbirkorlarning

ushbu faoliyat bilan shug'ullanishiga O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 6-aprel kungi "Baliqchilik tarmog'ini jadal rivojlantirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi va 2018-yil 6-noyabrdagi "Baliqchilikni yanada rivojlantirishga doir qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida tadbirkorlikni rivojlantirish to'g'risida"gi qarorlari asos bo'lmoqda. Shu sababli tadbirkorlar safi yildan-yilga ko'payib, xalq xo'jaligining turli sohalarida faoliyat ko'rsatmoqdalar va bu esa mamlakatimizda katta o'zgarishlarga sabab bo'lmoqda.

O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining ma'lumotlariga ko'ra, qishloq, o'rmon va baliq xo'jaliklari tomonidan yetishtirilgan maxsulot (xizmat)larning umumiy hajmi 2021-yilda 317 027,6 milliard so'mni, 2022-yilda esa 362 898,0 milliard so'mni tashkil qildi. 2022-yilda 2021-yilga nisbatan 103,6 foizga o'sish kuzatildi. Qoraqalpog'iston Respublikasi bo'yicha qishloq, o'rmon va baliq xo'jaliklari tomonidan yetishtirilgan mahsulot (xizmat)larining umumiy hajmi 2021-yilda 12 340,9 milliard so'mni, 2022-yilda esa 14 374,0 milliard so'mni tashkil qilib, 2022-yilda 2021-yilga nisbatan 103,3 foiz o'sish kuzatildi.

Hozirda aholining go'sht va go'sht mahsulotlariga bo'lgan talabining ortishi, o'z navbatida ushbu mahsulotlarning tannarxi oshib ketishiga sabab bo'lmoqda. Bu esa o'z navbatida aholi talabini qondirish maqsadida parranda va baliq mahsulotlari bilan ta'minlashni taqozo etadi. Buning yechimi sifatida parrandachilik va baliqchilik sohasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish va takomillashtirish zaruriyatini taqozo etadi. Bu esa o'z navbatida yangi ishchi o'rinlarning yaratilishi, mamlakatimiz bozorlariga baliq va baliq mahsulotlarining chiqarilishini oshishiga hamda narxlarning tushishiga sabab bo'ladi[2].

Qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi sohasi koronavirus pandemiyasi davrida iqtisodiyot tarmoqlari orasidagi eng kam zarar ko'rib faoliyat ko'rsatayotgan tarmoqlardan biridir.

Xalqimiz yetti xazinaning biri deb biladigan parrandachilik va baliqchilik bo'yicha ishga solinmagan imkoniyatlar ko'pligi, bu tarmoqlar aholini go'sht va tuxum bilan ta'minlash, oilalarga daromad manbai yaratishda muhim o'rin tutadi. Agrofirmalar tashkil etish orqali bu mahsulotlarni eksport qilish ham mumkin.

O'zbekistonda baliqchilik 1960-yilgacha asosan Orol dengizi havzasida amalga oshirilgan, yiliga 15000 tonnagacha baliq ovlangan. Orol dengizida suv sathi pasayib ketishi natijasida O'zbekiston baliq yetishtirish uchun boshqa suv havzalaridan foydalanmoqda. Natijada, Sovet Ittifoqi tomonidan import qilingan baliq mahsulotlarini hisobga olganda O'zbekistonda yillik jon boshiga hisoblangan iste'mol 10-12 kg tashkil qilardi[3]. Sovet Ittifoqi tarqab, O'zbekiston mustaqillikka erishgandan so'ng, baliqchilik sohasida iqtisodiy qiyinchilik tufayli ahvol yomonlashdi, natijada ovlangan baliqlar hajmi va turlari kamayib ketdi. O'zbekistonda 2007-yilgacha akvakulturani rivojlantirish ustuvor yo'nalishi bo'lmagani texnologiya, menejment, ta'lim va kreditga layoqatlilik borasida jiddiy kamchiliklarga olib keldi.

Aholi jon boshiga yillik baliq iste'moli 1 kg.dan kamayib ketgan. Orol Den-gizi quriy boshlashidan oldin Qoraqalpog'iston Respublikasi O'zbekiston Respublikasi baliqchilik sohasida muhim rol o'ynagan. Qoraqalpog'iston Respublikasi na-faqat O'zbekiston, balki qo'shni sobiq Sovet Ittifoqi davlatlarini

ham baliq va baliq mahsulotlari, jumladan baliq konservalari, muzlatilgan baliqlar bilan ta'minlagan.

Baliqlarning haddan tashqari ko'p ovlanishi yer yuzidagi milliardlab odamlar uchun protein manbai bo'lgan baliqlarni yo'q qilishga xavf solmoqda. Keng ko'lamli sanoat baliqchiligi hajmlarining ortishi, shuningdek baliq resurslardan foydalanish zarur darajada tartibga solinmaganligi ushbu muammoni yanada o'tkirlashtirmoqda[4].

O'zbekistonda 2022-yilda 3681 ta baliqchilik xo'jaliklari ro'yxatga olingan. Respublikada yetishtiriladigan baliqlarning eng katta ulushi sobiq ittifoq davrida tashkil qilingan xo'jaliklar hisobiga to'g'ri keladi. Kichik baliqchilik xo'jaliklari asosan suv bilan ta'minlash darajasi past bo'lgan, shu bilan birga qishloq xo'jaligi uchun yaroqsiz bo'lgan hududlarda faoliyat yuritishga majbur bo'lganliklari sababli, baliq yetishtirishdagi ulushlari past ko'rsatkichga ega. Shuningdek, kichik baliqchilik xo'jaliklariga urug'lar, ya'ni chavoq baliqlar 8 ta katta xususiy baliqchilik xo'jaliklarida yetishtirilib respublika bo'yicha tarqatilishi ham baliq yetishtirishni rivojlanishiga o'z ta'sirini ko'rsatmasdan qolmaydi.

Dudlangan baliq tayyorlash bilan asosan baliq yetishtiruvchilardan ovlangan baliqlarni sotib olib uy sharoitida shug'ullaniladi, undan so'ng mahalliy bozorlarga olib chiqib sotiladi.

Qoraqalpog'iston Respublikasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning umumiy holatini barcha hududlar va iqtisodiy tarmoqlarida ijobiy sur'atlar bilan rivojlanayotgan barqaror soha sifatida baholash mumkin. Mintaqa aholisi o'zining ishbilarmonligi va tashabbuskorligi bilan boshqa qo'shni davlatlar aholisidan ajralib turadi. Bu esa o'z navbatida mintaqaning asosiy raqobat ustunliklaridan biri hisoblanadi.

Tadbirkorlar imkoniyati va salohiyatidan samarali foydalangan holda baliq va baliq mahsulotlarini saqlash, transportirovka qilish, qayta ishlash va qadoqlash ishlarida zamonaviy texnologiyalarni qo'llash asosida eksportbop mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish muhimdir.

2022-yilda qishloq, o'rmon va baliqchilik xo'jaligi mahsulot (xizmat)lari hajmi o'tgan yilning mos davriga nisbatan 103,6 % ni, shu jumladan, dehqonchilik va chorvachilik, ovchilik va ushbu sohalarida ko'rsatilgan xizmatlar – 103,6 % ni, o'rmon xo'jaligi – 102,3 % ni, baliqchilik xo'jaligi – 101,9 % ni tashkil qildi.

Baliq ovlash ko'rsatkichlarini xo'jalik toifalari bo'yicha tahlil qilish jarayonida, ovlangan baliqlar hajmining asosiy qismi 76 648 t. yoki umumiy ovlangan hajmidan 43,2 % qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarda qayd etildi.

2023-yilning yanvar-sentyabr oylari natijalari bo'yicha baliq ovlashning eng kam hajmi 5 134 t. yoki umumiy ovlangan hajmidan 5,6 % dehqon va tomorqa xo'jaliklarida kuzatildi.

Xulosa: kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, shu jumladan? baliqchilik sohasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish hamda takomillashtirish masalalarini tadqiq etish dolzarb va zarur bo'lib, aholi turmush darajasi va farovonligini oshirishda muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Baxtiyar ASKAROV,

*Berdaq nomidagi Qoraqalpoq davlat universiteti
Iqtisodiyot kafedrası tadqiqotchisi.*

ADABIYOTLAR

1. Бўриев С.Б., Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т., Жалолов Э.Б. Яшил сувўтларини балиқчиликда қўллашнинг истиқболлари. Ўзбекистон шaroitida балиқчиликни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари халқaro миқёсidaги илмий-амалий анжуман материаллари. 2021 йил, 9-10 июль. 8-10 б.

2. Д.Р. Шохимардонов. Балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш. «Иқтисодий эркинлаштириш шaroitida қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари»

мавзусидаги илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. 12 ноябрь 2012 йил. 108-109 б.

3. O'zbekiston Respublikasida Qoraqalpog'istonning hududiy rivojlanish imkoniyatlarini tadqiqot qilish. Yakuniy hisobot qisqacha mazmuni. Yaponiya Xalqaro Hamkorlik Agentligi (JISA), 2011 yil fevral.

4. Хақбердиев П.С., Турсункулов А.Р. Балиқларнинг юкумли ва юкумсиз касалликлари. Самарқанд – 2010. 52 б.

5. Фискал стратегия 2023-2025 йиллар учун. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 93 б.

UO'T: 658.01

TADBIRKORLIK SUB'YEKTLARINING EKSPORT SALOHİYATINI OSHIRISHDA XALQARO SIFAT STANDARTLARINI JORIY ETISH

Annotatsiya. Ushbu maqolada tadbirkorlik sub'yektlarida zamonaviy xalqaro sifat standartlarini joriy etish zarurati, afzalliklari va imkoniyatlari tahlil etilgan. Shuningdek tadbirkorlik sub'ektlarida xalqaro sifat standartlarini joriy etish bosqichlari va samaradorligi tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: Sifat, standart, tadbirkorlik, xavfsizlik, brend, eksport, xarajat, samaradorlik, sertifikat.

Аннотация. В данной статье анализируются необходимость, преимущества и возможности внедрения современных международных стандартов качества в субъектах предпринимательства. Также были изучены этапы и эффективность внедрения международных стандартов качества в субъектах предпринимательства.

Ключевые слова: Качество, стандарт, предпринимательство, безопасность, бренд, экспорт, стоимость, эффективность, сертификат.

Abstract. This article analyzes the need, advantages and possibilities of introducing modern international quality standards in business entities. Also, the stages and effectiveness of the introduction of international quality standards in business entities were studied.

Key words: Quality, standard, entrepreneurship, safety, brand, export, cost, efficiency, certificate.

Kirish. So'nggi yillarda respublikada eksportni rag'batlantirish, importni optimallashtirish va umuman, muvozanatli tashqi savdoni ta'minlash bo'yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida 2023 yilning yanvar-sentabr oylarida mamlakatimizda tashqi savdo aylanmasi 44,7 milliard dollarni tashkil etdi va o'tgan yilning shu davriga nisbatan 22,1 foizga o'sdi yoki 8,1 milliard dollarga ko'pdir.

Mamlakatimizda tadbirkorlik sub'yektlarining eksport salohiyatini oshirish, mahsulotlar ishlab chiqarish va sotishni xalqaro andozalarga moslashtirish, xalqaro standartlardan keng foydalanish muhitini yaratish, muvofiqlikni baholash jarayonlariga zamonaviy uslublarni joriy qilish va xalqaro sifat standartlarini joriy etish va sertifikatlashtirish borasida salmoqli ishlar amalga oshirib kelinmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi Farmonida ham milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlashda Respublikaning eksport salohiyatini oshirish orqali 2026 yilda respublika eksport hajmlarini 30 milliard AQSH dollariga yetkazish maqsadi belgilangan bo'lib, unda tashqi bozor va xalqaro talablarga javob beradigan standartlarni joriy etish vazifasi qo'yilgan[1].

Ushbu vazifani amalga oshirish mexanizmi sifatida soha korxonalari faoliyatiga «Oeko-Teks», «Sedex», «BSI», «GOTS», «ISO 9001» va boshqa zamonaviy xalqaro standartlarni xorijiy bozorlardagi talablardan kelib chiqib eksportbop mahsulotlarni ishlab chiqaruvchi tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatiga joriy etish orqali, eksportyor korxonalar qamrovini to'liqligiga erishish belgilangan.

Tadbirkorlik sub'yektlarida xalqaro sifat standartlarini joriy

etish tartibi va bosqichlari qaysi xalqaro standartni joriy qilinishiga qarab, sifat standartining me'yoriy hujjatlarida berilgan tartib asosida amalga oshiriladi. Bunda tadbirkorlik sub'yektlari o'zining ishlab chiqarish ixtisoslashuvi, eksport hajmi, eksport maqsadi va imkoniyatiga qarab xalqaro sifat standartini mustaqil tanlaydilar.

Sifat standartini amalga oshirish uning muvaffaqiyatli qabul qilinishi va amal qilinishini ta'minlash uchun bir qator bosqichlar va mexanizmlarni o'z ichiga oladi. Tadbirkorlik sub'ektlarida sifat standartini joriy etish jarayonining umumiy tavsifi 1-rasmda keltirilgan.



1-rasm. Sifat standartlarini joriy etishning tadbirkorlik sub'yektlariga imkoniyatlari

Tadbirkorlik sub'ektlarida sifat standartini joriy etish jarayonining umumiy bosqichlarini ko'radigan bo'lsak, dastlab sifat standartini joriy etishni baholash va rejalashtirish, undan keyin manfaatdor tomonlarning ishtirokini ta'minlash, jarayonni amalga oshirish uchun moliyaviy, mehnat, texnologiya va bo'yicha o'qitish, zaruriy o'quv dasturlari bilan ta'minlash, sifat xujjatlarini ishlab chiqish,

sertifikatlashtirish va takomillashtirish va yakuniy bosqichda aloqa va xabar berish bo'lib, bunda sifat standartiga muvofiqligini rasmiy tan olish uchun akkreditatsiyalangan sertifikatlashtirish organi tomonidan sertifikatlashtirish, fikr-mulohazalar va moslashtirish orqali standartni doimiy takomillashtirish va talablariga doimiy amal qilish bosqichlaridan iborat[2].

Tadbirkorlik sub'yektlari faoliyatiga sifat standartlarini joriy etish bosqichlari

1-bosqich: Baholash va rejalashtirish	- Tadbirkorlik faoliyati, eksport maqsadi va imkoniyatiga qarab sifat standartini aniqlash; - korxona ichidagi sifat menejmentining joriy holatini baholash va mavjud amaliyotlar va standart talablari o'rtasidagi tafovutni aniqlash; - sifat standart talablarini qondirish uchun zarur bo'lgan bosqichlar, resurslar va vaqt jadvali bo'yicha amalga oshirish rejasini ishlab chiqish.
2-bosqich: Manfaatdor tomonlarning ishtirokini ta'minlash	- Amalga oshirish rejasini barcha manfaatdor tomonlarga, shu jumladan, xodimlar, rahbariyat, yetkazib beruvchilar va mijozlarga yetkazish va standartga rioya qilishning afzalliklarini ta'kidlash; - yangi sifat standartiga muvaffaqiyatli o'tishni ta'minlash uchun tashkilotning barcha darajadagi faol ishtirokini va majburiyatlarini rag'batlantirish.
3-bosqich: Resurs taqsimoti	- Jarayonni amalga oshirish uchun resurslarni taqsimlash (moliyaviy, mehnat, texnologiya va axborot kabi zarur resurslarni ajratish); - tadbirkorlik sub'yektida amalga oshirilishini nazorat qilish va kerakli o'zgarishlarni amalga oshirish uchun sifat standartlarini joriy etish guruhini yoki mas'ul shaxsni tayinlash.
4-bosqich: Xodimlarni o'qitish	- Tadbirkorlik sub'yektidagi sifat bo'yicha mas'ullar va mutaxassislarni sifat standart talablari va ularni joriy etish bo'yicha o'qitish, zaruriy o'quv dasturlari bilan ta'minlash. - xodimlarning sifat standartlari tizimidagi o'z rollarining muhimligini tushunishlari va o'zgarishlarni samarali amalga oshirishlari uchun malaka, ko'nikma va bilimlarni shakllantirish.
5-bosqich: Sifat hujjatlarini ishlab chiqish	- Sifat standartiga rioya qilish uchun zarur bo'lgan barcha jarayonlar, siyosat va amaliyotlarni qamrab olish uchun mustahkam hujjatlashtirish tartib-qoidalarini o'rnatish; - sifat bo'yicha qo'llanmalar, standart foydalanish tartib-qoidalarini, ish yo'riqnomalari va standart talab qiladigan boshqa hujjatlarini ishlab chiqish va saqlash.
6-bosqich: Sertifikatlashtirish va takomillashtirish	- Standartga muvofiqligini rasmiy tan olish uchun akkreditatsiyalangan sertifikatlashtirish organi tomonidan baholashga tayyorgarlik ko'ring. - sifatni boshqarish amaliyotlarini doimiy baholash, fikr-mulohazalar va moslashtirish orqali standartni doimiy takomillashtirish va talablariga doimiy amal qilish.
8-bosqich: Aloqa va xabar berish	- Tadbirkorlik sub'ektlarining sifat va mukammallikka sodiqligini tasdiqlash uchun tashqi manfaatdor tomonlarga, masalan, mijozlar, hamkorlar va nazorat qiluvchi organlarga sifat standartining muvaffaqiyatli joriy etilganligi va sertifikatlanganligi haqida xabar berish.

Tahlil va natijalar. Sifat standartlarini joriy etish tadbirkorlik sub'yektlarida ishlab chiqarayotgan mahsulot sifati va xavfsizligi oshiradi, ishlab chiqarish samaradorligini ortadi, mahsulot, jarayon va xizmatlar uchun uchun minimal sifat ko'rsatkichlarini belgilaydi, iste'molchilarning yuqori sifatli mahsulot va xizmatlardan qoniqlanishini oshiradi, xarajatlarni tejaydi va xatolarni kamaytirishga imkoniyat beradi (1-rasm).

Tadbirkorlik sub'yektlarida sifat standartlarini joriy etish tadbirkorlik sub'ektlariga ichki va tashqi bozorda bir qator muhim imkoniyatlarni beradi[3]. Jumladan:

1. Raqobatbardoshlikni oshirish. Sifat standartlariga muvofiq bo'lgan mahsulot yoki xizmatlar ko'proq mijozlarni jalb etishga va

ularning ishonchini qozonishga yordam beradi. Bu esa raqobatda ustunlik qozonishga imkon beradi.

2. Mijozlarning ishonchini qozonish. Standartlarga rioya qilgan holda mijozlarga sog'lom va ishonchli mahsulot yoki xizmatlar taqdim etish, mijozlarning ishonchini oshiradi va ularni qaytib murojaat etishga undaydi.

3. Xalqaro bozorga kirish. Xalqaro sifat standartlarga muvofiq mahsulot va xizmatlar taklif qilish orqali tadbirkorlik sub'yektlari xorijiy bozorlarda ham o'z o'rinlarini topishi mumkin.

4. Qonuniy talablarga rioya qilish. Sifat standartlari ko'pincha milliy va xalqaro qonun hujjatlariga mos kelishi bois, ularga rioya qilish orqali huquqiy muammolardan qochish mumkin.

5. Ichki samaradorlikni oshirish. Sifat standartlarini joriy etish ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlari samaradorligini oshiradi, resurslarni tejaydi va ish xatolarini kamaytirishga yordam beradi.

6. Xavflarni boshqarish. Standartlarga amal qiluvchi tadbirkorlik sub'yektlari xavflarni oldindan ko'rib chiqish va ularga oldindan chora ko'rish imkoniyatlariga ega.

7. Brend obro'sini oshirish. Sifat standartlarini joriy etish tadbirkorlik sub'yektining bozordagi obro'sini oshiradi va potensial investorlar va hamkorlar uchun jalb qilish imkoniyatini yaxshilaydi.

8. Jarayonlarni me'yorlashtirish. Standartlarga asoslangan ishlab chiqarish jarayoni mijozlarga bir xil sifatli mahsulot yetkazib berishni kafolatlaydi.

9. Moliyaviy afzalliklar. Sifatli mahsulotlar va xizmatlardan kelib chiquvchi mijozlarning yuqori talabi, ichki va tashqi bozorlarda tadbirkorlik sub'yektining moliyaviy yutuqlarini oshirishga xizmat qiladi[4].

Xulosa. Yuqoridagilardan kelib chiqib shuni xulosa qilish mumkinki, tadbirkorlik sub'yektlari va ular tomonidan ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar raqobatbardoshligini ta'minlashda, albatta, xalqaro sifat standartlarini joriy etish, tizimni takomillashtirish va hukumatimiz tomonidan moliyaviy ko'makni yanada oshirish lozim deb hisoblaymiz. Prezident Shavkat Mirziyoev 2020 yil 28 sentabr kuni texnik jihatdan tartibga solish, standartlashtirish, sertifikatlash va metrologiya tizimidagi islohotlar natijadorligi muhokamasiga bag'ishlangan yig'ilishda " - Milliy standart "ovozi jaranglashi"ga erishishimiz kerak. Agar mahsulot xalqaro sertifikatga ega bo'lmasa, u hech qachon raqobatbardosh bo'la olmaydi. Mamlakatda har bir tadbirkor standartni bilishi, tanishi kerak, shunday muhit yaratish zarur" - deya ta'kidlagan edi " - Milliy standart "ovozi jaranglashi"ga erishishimiz kerak. Agar mahsulot xalqaro sertifikatga ega bo'lmasa, u hech qachon raqobatbardosh bo'la olmaydi. Mamlakatda har bir tadbirkor standartni bilishi, tanishi kerak, shunday muhit yaratish zarur" - deya ta'kidlagan edi[5].

Shu nuqtai nazaridan, tadbirkorlik sub'yektlarining eksport salohiyatini oshirishda xalqaro davlatlar talabi asosida zamonaviy standartlarni joriy etish va sertifikatlashtirish bugungi kunning asosiy vazifasi hisoblanadi.

Moxigul RAXIMOVA,

University of Business and Science Nodavlat oliy ta'lim muassasasi o'qituvchisi.

ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi "2022 - 2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi PF-60-son Farmoni.
2. Okboev A.R., O.J.Ashurkulov. Directions for the introduction of an integrated quality management system to increase the competitiveness of light industry enterprises // South Asian Journal of Marketing & Management Research (SAJMMR). Vol.10, Issue 11, November 2020 Impact Factor: SJIF#23 2020= 7.11. pp. 107-10.
3. Oqboev A.R. Xalqaro standartlarni joriy etish asosida tadbirkorlik sub'yektlarining eksport salohiyatini oshirish. Biznes ekspert jurnali. №9 (189) son 2023 yil. 29-32 betlar.

4. Oqboyev, A. R., Raximova, M. I., & Qaxramonov, M. A. U. (2021). Development of a National Rating System to Evaluate the Brand Attraction of Sewing and Knitting Enterprises. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(10), 335-340.

5. Prezident Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 28 sentabr kuni texnik jihatdan tartibga solish, standartlashtirish, sertifikatlash va metrologiya tizimidagi islohotlar natijadorligi muhokamasiga bag'ishlangan yig'ilishdagi nutqi.

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СУБЛИЗИНГНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида лизинг муносабатлари ривожланишида сублизингдан фойдаланиш имкониятларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, унинг таркибий қисмлари ҳамда асосий омиллари каби айрим масалалар қараб чиқилади. Бундан ташқари, сублизинг назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш натижасида бир қатор афзалликлари ёритилиб, илмий тавсиялар келтирилади.

Калит сўзлар: лизинг, лизинг имкониятлари, молиялаштириш, лизинг бозори, лизинг субъектлари, сублизинг, *ijara.soliq.uz* платформаси.

Аннотация. В данной статье рассматриваются некоторые вопросы, такие как социально-экономическая природа возможностей использования сублизинга, его составляющие и основные факторы развития лизинговых отношений в Республике Узбекистан. Кроме того, в результате анализа теории и практики сублизинга выделен ряд преимуществ и даны научные рекомендации.

Ключевые слова: лизинг, варианты лизинга, финансирование, рынок лизинга, лизингодатели, сублизинг, платформа *ijara.soliq.uz*.

Annotation. This article examines some issues such as the socio-economic nature of the possibilities of using subleasing, its components and main factors in the development of leasing relations in the Republic of Uzbekistan. In addition, as a result of the analysis of the theory and practice of subleasing, a number of advantages are highlighted and scientific recommendations are given.

Key words: leasing, leasing options, financing, leasing market, leasing entities, subleasing, *ijara.soliq.uz* platform.

Кириш. Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосий капитални янгилаш учун қўшимча молиявий ресурслар қидириш ва излаб топишни талаб қилади. Миллий иқтисодиётнинг янги шаклланаётган тадбиркорлик тузилмаларида ички молиявий ресурсларнинг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манба ва усулларини излаш заруратини келтириб чиқаради. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда энг самарали усулларидан бири маркетинг стратегиялари ҳисобланади. Лизинг муносабатларининг ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, корхоналарнинг молиявий ресурслари чекланган даврда ресурсларни тежаш асосида машина ва ускуналарни қисқа муддатларда янгилаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Лизинг мулк бозорида асосий воситадир. Иқтисодчилар ва ҳуқуқшунос олимлар мулк ҳуқуқини маълум бир актив учун белгиланган имтиёзлар тўплами, жумладан, фойдаланиш, истисно қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари сифатида кўришади. Лизинг - бу мулк эгалари ва фойдаланувчилар ушбу ҳуқуқларни ўзаро манфаатлар учун ажратишлари, мулкдорнинг ижарачига фойдаланиш ҳуқуқидан воз кечиши ва бошқа шахсларни ижарага олиш ҳуқуқидан воз кечмасдан, белгиланган муддат давомида мулкдан фойдаланишни истисно қилиш ҳуқуқини берадиган воситадир, охир-оқибат сотиш йўли билан мулкни тасарруф этиш[1].

Лизинг - бу ўзига хос муносабатларнинг хилма-хиллигини англатувчи мураккаб механизм бўлиб, уларнинг асосийлари инвестиция, сотиб олиш, сотиш, ижара ва кредит беришдир.

Бу ҳолда инвестиция муносабатлари энг муҳим ва белгилловчи роллардан бирини ўйнайди[2].

Лизинг бу даромад манбаи сифатида қаралиб, лизинг муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, Галлардо лизинг имкониятларини кичик бизнеснинг капитал ускуналар ва янги технологияларни ўрта муддатли молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш имконияти сифатида ўрганади[3].

И.Бернар ва Ж.Колли лизингни кредитнинг бир тури сифатида эътироф этганлар, улар лизингни кўчар ва кўчмас мулкни ижарачига сотиш имкониятини берадиган ва уни ижарага олиш шартномасини кўзда тутадиган профессионал кредитнинг бир тури сифатида талқин қилишган[4].

Иқтисодий адабиётларда мулкни хусусий қилиб сотиб олиш ва кейинчалик маълум тўлов асосида вақтинча фойдаланишга бериш туфайли юзага келувчи мулкний муносабатлар лизинг деб аталади, деган фикрлар ҳам учрайди. Бунинг оқибатида лизингнинг мазмуни ва моҳияти назарияда ҳам, амалиётда ҳам турлича талқин этилмоқда[5].

Лизинг - бу ўзига хос муносабатларнинг хилма-хиллигини англатувчи мураккаб механизм бўлиб, уларнинг асосийлари инвестиция, сотиб олиш, сотиш, ижара ва кредит беришдир. Бу ҳолда инвестиция муносабатлари энг муҳим ва белгилловчи роллардан бирини ўйнайди[6].

Айрим маҳаллий манбаларда лизинг ва кредит муносабатлари узвий алоқадорлиги эътироф этилиб, ҳар иккала категория тақсимлаш функциясига эга эканлиги таъкидланади. Яъни, лизинг – ижаранинг кредитга яқинлашган ўзига хос кўринишидир[9]. Шундай экан, лизинг алоҳида турдаги

мулкый ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуасини вужудга келтирадиган алоҳида кредит ва ижара муносабатлари воситасида капиталнинг пул ва буюм шаклида тақсимланиши соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Фикримизча, лизинг – бу кредитнинг ижара муносабатларига яқинлашган тури бўлиб, у шартнома асосида фойдаланиш учун берилган активларни ижарачига сотиб олиш имкониятини беради. Айрим манбаларда лизинг вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағни инвестициялашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури, деб таърифланади, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича битта шахс битимда келишилган мулкни маълум сотувчидан хусусий мулк қилиб олиш мажбуриятини олади ва тадбиркорлик мақсадида вақтинча фойдаланиш учун бу мулкни бошқа шахсга бериб туради[8].

Тадқиқот материаллари ва услуги. Юқоридаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, лизинг муносабатларини ривожлантиришда маркетингдан фойдаланиш имкониятлари тадқиқ қилинган. Лизинг муносабатларини ривожлантиришда сайтлар орқали, яъни лизинг объектини *ijara.soliq.uz* платформасида акс эттириш орқали уни учинчи шахсга беришни назарда тутувчи сублизингга бериш амалиётини татбиқ этилади.

Таҳлиллар ва натижалар. Лизингнинг бугунги кунда сублизинг тури бир қатор дунё мамлакатларида қўлланилиб, бизнес субъектлари учун пул тежаш имконини беради.

Фикримизча, сублизинг – бу иқтисодиётнинг замонавий воситаси бўлиб, лизингга олинган мулкни ижарага бериш, яъни лизингга олинган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини учинчи шахсга ўтказиш тушунилади. Лизингнинг имкониятларини янада оммалаштиришда сублизингдан самарали фойдаланиш зарур.

Лизинг муаммоларни ҳал қилиш ва лизингги имкониятларини янада оммалаштиришда сублизингдан самарали фойдаланиш зарур. Бу лизинг олувчиларга молиявий кўмак вазифасини ҳам бажаради ва бу орқали лизингга бўлган талабни кўпайишига сабаб бўлади.

Сублизинг ва лизинг ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат:

1. лизинг предмети сублизинг учун махсус сотиб олинмаган;

2. битимда уч томон ҳам иштирок етмайди - сотувчи, лизинг берувчи, лизинг олувчи;


3. сублизинг шартномаси бўйича сублизинг олувчи лизинг олувчидан мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олади, лекин уни тасарруф этиш ҳуқуқини олмайди.

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда ушбу Қонуннинг қоидалари қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади[9].

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас[9].

Мамлакатимиз ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг замонавий усулини кенг қўллаш, лизинг муносабатларини ривожлантиришда лизинг объектини *ijara.soliq.uz* платформасида акс эттириш орқали уни учинчи шахсга беришни назарда тутувчи сублизингга бериш амали-

ётини татбиқ этиш зарур.



1-чизма. Лизинг муносабатларини ривожлантиришда лизинг объектини *ijara.soliq.uz* платформасида акс эттириш орқали уни учинчи шахсга беришни назарда тутувчи сублизингга бериш схемаси

1. Лизинг олувчи лизинг берувчига буюртма беради.
2. Лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади.
3. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида олди-сотди шартномаси тузилди.
4. Лизинг берувчи сотувчига лизинг объекти ҳақини тўлайди.
5. Сотувчи лизинг объектини лизинг олувчига юборади.
6. Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлайди.
7. Лизинг шартномаси тугагандан сўнг лизинг объекти лизинг олувчида қолдирилади.

Лизинг олувчи лизинг шартномаси муддати давомида (хоҳласа шартнома муддати тугагандан сўнг ҳам) лизинг объектини учинчи шахсга ижарага беришини назарда тутувчи тижорат таклифини ўз ичига олган ижара шартномасини *ijara.soliq.uz* платформасига жойлайди.

Платформа орқали кирган учинчи шахс ўзи учун муносиб деб топган лизинг объектини ижарага олиш бўйича шартномани имзолайди.

ijara.soliq.uz платформасини такомиллаштириш бўйича таклифимиз шундан иборат: платформага нафақат кўчмас мулкларни ижарага бериш билан боғлиқ шартномаларни, балки кўчар мулкларни ижарага бериш билан боғлиқ шартномаларни ҳам жойлаштириш имконини бериш лозим. Шу йўл орқали биз лизинг ва сублизинг хизматлари бозорининг кегайишига, лизинг операциялари бўйича тушумларни айланмадан олинадиган солиқ ва фойда солиқи ҳисоботларида автоматик равишда акслантирилиши натижасида хуфиёна иқтисодиётнинг барҳам берилишига, ижара (лизинг, сублизинг) муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан шартномавий асосда тузилишига эришишимиз мумкин бўлади.

ijara.soliq.uz платформаси орқали сублизинг амалиётларини жорий қилиниши нафақат корхона балки мамлакат иқтисодиёти учун ҳам манфаатли ҳисобланади ва платформа имкониятларини кенгайтиришга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, лизинг муносабатларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг замонавий усуллари орқали, яъни лизинг муносабатларини ривожлантиришда сублизинг имкониятларидан фойдаланиш, бўш турган асосий воситалардан унумли фойдаланган ҳолда қўшимча даромадларга эга бўлиш имкониятини беради.

Иқтисодий муносабатларнинг ўзгарувчанлиги, бозор муҳитининг ноаниқлиги шароитида, асосий воситалар хара-

катининг тезлиги, макро ва микро даражадаги интеграцион жараёнларнинг кучайиши, янги ҳудудий молиявий ва ишлаб чиқариш марказларининг шаклланиши, ахборотга асосланган жамиятнинг ривожланиши, иқтисодий тармоқларида инновацияларнинг кенг ёйилиши маркетинг стратегиялари-

ни оқилонга режалаштириши, яъни лизинг муносабатлари истиқболларини аниқлаш учун мўжалланган дастур ва режаларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Феруза ЮСУПОВА,
Маъмун университети НТМ, доцент, (PhD).

АДАБИЁТЛАР

